


ТДИУ ҲАЗАРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» Йўналиши
«БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:	ДСҚ ҳузурида Фискал институт ўқитувчиси Боймуротов С.Р., ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси Бабаев Ш.Б.
Тақризчи:	ТДИУ и.ф.д., профессори М.И Алимарданов

Модулнинг иичи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	12
III. Назарий материаллар.....	18
IV. Амалий машғулот материаллари.....	90
V. Кейслар банки.....	154
VI. Мустақил таълим мавзулари	162
VII. Глоссарий.....	165
VIII. Адабиётлар рўйхати	177

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom»

технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Бюджет солик сиёсатининг долзарб масалалари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион таълим технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Бюджет солик сиёсатининг долзарб масалалари” модулининг вазифалари:

“Бюджет солик сиёсатининг долзарб масалалари” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- тингловчиларда солиқка тортиш амалиёти бўйича инновацион таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солик хизмати тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллатириш концепцияси”да белгиланган солик сиёсатининг асосий йўналишларининг моҳияти ва аҳамиятини;

- Ўзбекистон Республикасида солик сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолаш;

- Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденцияларини ишлаб чиқиш.

- Республикада солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда амалда қўллаш самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматлардан амалда фойдаланиш;

- иқтисодиёт соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш;

- давлат солиқ хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- мамлакат солиқ тизимиға оид янгиликлар, долзарб масалаларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш;

- солиқ тўловчиларни сегментлаш ва назорат қилишни **билиши керак**.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини билиши;

- солиқ маъмурчилигини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни;

- давлат солиқ хизмати органлари қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилишни;

- солиқ хизмати органлари фаолияти сифатини назорат қила олишни;

- солиқ хизмати органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали усусларидан фойдаланишни;

- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;

- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;

- Ўзбекистон Республикаси бюджети ва солиқ тизимларидаги халқаро интеграция ва уни амалиётга тадбиқ қилиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш.

- бюджет даромадларини прогнозлаштириш ва тушумларни назорат қилиш **кўнималарга эга бўлиши керак**.

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хукуқий-меъёрий ҳужжатларидан ўқув жараёнида самарали фойдалана олиш;

- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;

- бюджет солиқ сиёсатининг долзарб масалари ва солиққа тортиш амалиёти мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиши;
- солиқ соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш;
- соликларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисботларини тузишда ахборот технологияларидан фойдалана олиш ҳамда ўкув жараёнига тадбиқ этиши;
- солиқ солишининг миллий ва халқаро тажрибаларини қиёсий таҳлил қила олиш ҳамда таълим жараёнида қўллаш;
- солиқ органларида соликлар ҳисобини юритишда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- халқаро солиққа тортиш жараёнларини чукур таҳлил этиши ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бера олиши ҳамда солиқ соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроиктисодий ва солиқ кўрсаткичларни тизимли равишида таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтира олиши;
- соликларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисботи маълумотлари асосида бюджет тушумлари истиқболини белгиловчи оптимал бошқарув қарорларини қабул қила олиш;
- солиқ солиши амалиётини ташкил қилиш бўйича хуқуқий-меъёрий хужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қила олиш;
- соликларни ҳисоблаш ва ундириш амалиёти механизмларини такомиллаштиришда фаол қатнашиш **компетенциясига эга бўлиши зарур.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Бюджет солиқ сиёсатининг долзарб масалалари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида бюджет ва солик сиёсати ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда мамлакатимиз соликқа тортиш тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Соликқа тортиш соҳасида замонавий педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Аудитория ўқув юкламаси			
		жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1	2020 йил бюджет солик сиёсатидаги ўзгаришларнинг натижадорлиги ва 2021 йил солик сиёсатидаги ўзгаришларнинг моҳияти	6	2	4	
2	Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солик маъмурчилиги аҳамиятини ошириш масалалари	10	2	6	2
3	Мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг аҳамиятини ошириш масалалари.	8	2	4	2
	Жами:	24	6	14	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: 2020 йил бюджет солик сиёсатидаги ўзгаришларнинг натижадорлиги ва 2021 йил солик сиёсатидаги ўзгаришларнинг моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг солик маъмурчилигини такомиллаштириш концепцияси йўналишлари бўйича 2020 йилдан солик қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг давлат бюджети даромадларини барқарорлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти. Жумладан, қўшилган қиймат солиги занжирини кенгайтириш юзасидан солик маъмурчилигига жорий этилган тадбирларни моҳияти. Каронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини

бартараф этиш мақсадида солиқ имтиёзларини тадбиқ этилиши ва айрим солиқ имтиёзларини бекор қилинишининг бюджет тушумларига таъсири. 2021 йил бюджет солиқ сиёсатига киритилган ўзгартиришларнинг моҳияти.

2-мавзу. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солиқ маъмурчилиги аҳамиятини ошириш масалалари.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш борасида белгиланган меъерий хуқуқий хужжатларнинг аҳамияти. Чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги субъектлар томонидан фойдаланиладиган автоматлаштирилган дастурий ҳисоб юритиш комплексларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш, товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича шартномаларни ҳамда товар-моддий товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни мажбурий электрон рўйхатдан ўтказиш. Трансферт нарх шаклланиши масалалари бўйича норезидентларнинг солиқ назорати ва маъмуриятчилиги соҳасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш.

3-мавзу. Мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солиқ сиёсатининг аҳамиятини ошириш масалалари.

Бюджет солиқ сиёсатини мамлакатимиз табиий ресурслари ва хўжалик субъектларининг мол-мулкларидан самарали фойдаланишни тартибга солишдаги ўрни. 2020 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг ресурс ва мол-мулк солиқлари бўйича бюджет тушумлари салмоғига таъсири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармоннинг моҳияти. 2021 йил бюджет солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида табий ресурсларни солиқ тортиш борасида амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришларнинг аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

2020 йил бюджет солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг натижадорлиги ва 2021 йил солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг моҳияти

2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг давлат бюджети даромадларини барқарорлаштиришдаги таҳлили. Шу жумладан, қўшилган қиймат ва акциз солиқлари бўйича солиқ тўловчилар сони ва солиқ тушуми кўрсаткичлари таҳлили. Фойда солиғи бўйича солиқ тўловчилар ва солиқ солиш обьектлари ўсишининг солиқ тушумларига таъсири. Каронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф этиш

мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири. Айрим солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари бекор қилинишининг бюджет тушумларига таъсири. 2021 йил бюджет солиқ сиёсатига киритилган ўзгартиришларнинг солиқ тушумларига таъсири.

2- амалий машғулот:

Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солиқ маъмурчилиги аҳамиятини ошириш масалалари.

Яширин иқтисодиётни риожланган ва ривожланаётган давлат иқтисодиётига таъсири. Мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва унинг даражасини пасайтириш борсасида амалга оширилган тадбирлар. Жумладан, чакана савдо ва хизматлар қўрсатиш соҳасидаги субъектлар томонидан фойдаланиладиган автоматлаштирилган дастурий ҳисоб юритиш комплексларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилишнинг аҳамияти. «Е-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини жорий этишнинг ва импорт қилинган товарлар ҳисботларининг электрон тарзда шаклланишини таъминлаш орқали импорт операцияларини мониторинг қилиш тизимининг яширин иқтисодиётни легаллаштиришдаги ўрни. Трансферт нарх шаклланиши масалалари бўйича солиқ қонунчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти

3- амалий машғулот:

Мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солиқ сиёсатининг аҳамиятини ошириш масалалари.

Бюджет солиқ сиёсатини мамлакатимиз табиий ресурслари ва хўжалик субъектларининг мол-мулкларидан самарали фойдаланишини тартибга солишдаги ўрни. 2020 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг ресурс ва мол-мулк солиқлари бўйича бюджет тушумлари салмоғига таъсири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармоннинг моҳияти. 2021 йил бюджет солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида табий ресурсларни солиқ тортиш борасида амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришларнинг аҳамияти.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

бахс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarni takdim qiliш, eshlishi va muammolarni echimini topish қобилиятини rivojlanтириш).

Кенг кўламли сұхбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа

саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқищдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб этишга ёрдам беради.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниклаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган хиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустакил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича қўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўкув грухи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро грухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


- Ҳар бир грух ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Күргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчиilar





Вени диаграммаси




“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)	<ul style="list-style-type: none"> • кучли томонлари
W – (weakness)	<ul style="list-style-type: none"> • заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	<ul style="list-style-type: none"> • имкониятлари
T – (threat)	<ul style="list-style-type: none"> • хавфлар

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (W_{ho}), Қачон (W_{hen}), Қаерда (W_{here}), Нима учун (W_hй), Қандай/ Қанақа (X_{ow}), Нима-натижа (W_{hat}).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш

3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил варианatlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга қўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳаки олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу. 2020 йил бюджет солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг натижадорлиги ва 2021 йил солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг моҳияти.
(2 соат)**

РЕЖА

- 1. 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари**
- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.**
- 3. 2021 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг моҳияти.**

1. 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солик юкини камайтириш ва соликка тортиш тизимини соддалаштириш билан боғлиқ асосий чора-тадбирлар мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”да белгиланди. Унга мувофиқ, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишда қўйидагилар устувор йўналишлар қилиб белгиланди.

- солик қонунчилигини максимал даражада соддалаштириш, қонун хужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва тўқнашувларни бартараф этиш, ҳалол солик тўловчилар ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;
- Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг меъёрий хужжатларининг бевосита таъсирини белгилаш, солиққа тортиш масалаларини белгиловчи барча меъёрий-хукуқий хужжатларни бекор қилиш, шунингдек солик қонунчилигидаги ҳар кандай ўзгаришнинг фақат кейинги йилдан бошлаб кучга кириши кўзда тутилган нормаларни белгилаш;
- тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш, йирик ва кичик бизнес ўртасида солиқ юки даражасидаги номутаносиблигни бартараф этиш;
- кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тизимини уларнинг фаолияти кенгайтирилишига тўсқинлик қилувчи, бизнесининг парчаланиши ва ишчиларининг ҳақиқий сонини яширишга олиб келувчи омилларни бартараф этиш мақсадида тубдан ислоҳ қилиш;
- хукуқий кафолатларини кучайтириш ва алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларининг қатъий тақиқланишини таъминлайдиган механизmlарни жорий қилиш, қулай рақобат муҳитини таъминлаш;
- ўхшаш солиққа тортиш базасига эга бўлган соликларни бирлаштириш ва бирхиллаштириш орқали солиқлар ҳажмларини оптималлаштириш, шунингдек солик ҳисботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион ҳаражатларни минималлаштириш;

- солик тўловчилар томонидан соликлар ва бошка мажбурий тўловларни иҳтиёрий равишда тўлашни раҳбатлантирувчи механизмларни яратиш ва жорий қилиш ва шу оркали хуфиёна оборотини кискартириш. солик ва бошка мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш каби омилларни олдини олиш;

- солик назорати шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ камраб оладиган, ва энг аввало, давлат органлари ўртасида ўзаро таъсир ва маълумот алмашишни кучайтириш, йирик маълумотларни ишлаш технологияларини такомиллаштириш ҳисобига амалга ошириш;

- соликка тортиш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг саводхонлигини ошириш, кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ва қонунчиликни тарғибот қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ўрта муддатли солик режалаштиришга ўтиш, солик қонунчилиги баркарорлиги кафолатларини кучайтириш ва республикамизнинг инвостион жозибадорлигини юксалтириш.

Таъкидлаш жоизки, концепцияда белгиланган ҳам бир табдир ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ижросини таъминлаш таъминлаш юзасидан солик қоунчилигига кириталадиган ҳар бир ўзгартириш туб маънода мамлакатимиз солик сиёсатидаги ислоҳотлар мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунлари Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатимизнинг 2020 йилги асосий йўналишларини белгилаб берди.

Унга мувофиқ, халқаро талабларга жавоб берадиган солик маъмурчилигининг барқарор солик тизими жорий этилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини кафолатловчи хуқуқий меъёрлар белгиланди, солик қонунчилигини максимал даражада соддалаштирилди, солик юкини камайтирилди, соликлар ҳажми оптималлаштирилди, солик ҳисботлари қисқартириб, максимал даражади соддалаштирилиб, операцион ҳаражатлар минималлаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартиба солиниб, жорий (2020) йилда бюджет жараёни иштирокчилари ўртасидаги бюджет ваколатлари тақсимланди.

Мазкур қонунда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни тасдиқлаш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга

солувчи бюджетлараро трансферлар миқдорларини тасдиқлаш ва республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозини маъқуллаш ва туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш:

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ти Конунининг муҳим жиҳатларидан яна бири 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлариҳамда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий қўрсаткичлари прогнози ва 2021-2022 йилларга мақсадли мўлжаллари қонун билан белгиланди.

Унга мувофиқ, 2020 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2019 йилга нисбатан 5,5 фоизни ташкил этиши.

Ўз навбатида, кейинги 2021 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2020 йилга нисбатан 5,8 фоизни ва 2022 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2021 йилга нисбатан 6,2 фоизни ташкил этиши белгиланган.

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари таҳлилқилингандан жорий йил учун Консолидациялашган бюджет даромадлари 158 960,1 млрд. сўмни, харажатлари эса 162 385,0 млрд.сўмни ташкил этади ва Консолидациялашган бюджет дефицити 3 424,9 млрд.сўмни ташкил этиши белгиланган.

Лекин 2020 йилда бутун дунёни ларзага келтирган тождор вирус инфекциясининг тарқалиши барча мамлакатлар иқтисодий ижтимоий ҳаётини инқироз ҳолатига келтириб қўйди. Хусусан, йирик иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқишига, халқаро молия бозорларида хом ашё товарлар нархларининг кескин пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига сабаб бўлди

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг

кескин тушиб кетиши олди олинди. 2020 йилда Республикализ иқтисодиёти 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсиб, ЯИМ хажми 580,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилда Давлат бюджети даромадлари 132,9 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 128,7 трлн. сўм прогноз 103,3 фоизга ёки 4 192 млрд сўмга ошириб бажарилиб, даромадлар 2019 йил маълумотлари билан солиштирилганда 20,8 трлн. сўмга ўстан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон Фармонига асосан ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4836-сонли қарорига асосан, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз оқибатларини инобатга олган ҳолда қайта ҳисобкитоб қилиниб, жамғарма харажатлари 13,4 трлн. сўм миқдорида белгиланган ва 2020 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 12 827 млрд. сўм молиялаштириш ишлари амалга оширилган. шундан:

I. Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга - 3 962 млрд. сўм ажратилиб, ушбу маблағлар дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатларига йўналтирилган.

II. Карантин зоналарини ва коровирусни даволаш билан боғлиқ соғликни саклаш обьектларини қуриш, жиҳозлаш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ харажатлар учун 1 022,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди.

III. Ижтимоий ва инфратузилма обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 3 422,7 млрд. сўм маблағ ажратилди. Жумладан,

IV. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга 1 33,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди.

V. Корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2 484,9 млрд. сўм, шундан бюджет ссудалари – 1 464 млрд. сўм:

VI. Маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш ҳамда маҳаллий бюджетларга ссудалар учун 595,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди. Жумладан,

- Солиқлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида маҳаллий бюджетларнинг йўқотишларини қоплаш учун 478,4 млрд. сўм;
- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 117 млрд. сўм йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Конуни билан жорий йилдан солиқ конунчилигига киритилган ўзгартишарда Солиқ конунчилиги устуворлигини таъмилаш, маъмурчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш

қоидаларини соддалаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, мазкур йўналишлар халқаро меъёрлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилди.

Давлат солик хизмати органларининг ҳамда солик тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам қайта кўриб чиқилиб, барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар битта қонун хужжатида мужассамлаштирилди ва солик органларининг инсофли солик тўловчилар олдидаги мажбуриятлари оширилди.

2. Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича киритилган ўзгартиришлар.

2020 йилдан бошлаб солик тизимига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, амалдаги **13 та** солик ва бошқа мажбурий тўловлар қайта кўриб чиқилиб, 2020 йилдан **9 та** солиқнинг амал қилиши белгиланди ва ягона ижтимоий тўлов ўрнига - **ижтимоий солик**, ягона солик тўлови ўрнига – **айланмадан солик**, қатъий белгиланган солик ўрнига - **жисмоний шахсларнинг даромадлари**, қатъий белгиланган миқдорда солик жорий этилди.

Шунингдек, Солик кодексидан **ягона ер солиги, давлат божи, божхона тўловлари** ва тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари бўйича қатъий белгиланган солик чиқарилди.

Қуйидагилар учун маҳсус солик режимлари бекор қилинди:

а) бозорлар учун, уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда. 2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солик тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига қуйидагиларни тўлайди:

умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) - юридик шахслардан олинадиган ер солиги, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, қўшилган қиймат солиги ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солигини;

айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлганда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган ер солиги, юридик шахсларнинг мол-мулк солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

б) концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун, уларга жисмоний шахслардан даромад солигини тўлашни киритган ҳолда.

Концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун айланмадан солик (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлганда) ёки умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан ошганда) киритилади.

Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун олинадиган давлат божининг миқдори деярли 4 баравар камайтирилди;

в) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, уларни умумбелгиланган солик тўлашга ёки айланмадан солик тўлашга ўтказиш билан. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги солик тўловчилар учун фойда солигининг ноль ставкаси белгиланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган

мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғидан ва томчилатиб сугориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғидан имтиёзлар саклаб қолинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб уртача 25 фоизгача пасайтириладиган қатъий белгиланган миқдорда солик тўлашни танлаш ҳукуқи берилди.

Давлат солик хизмати органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган соликларни ўз вақтида қайтариш бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида, ортиқча ундирилган соликлар ёки молиявий санкциялар суммаларини, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қайтариш билан бир қаторда, солик суммаларни қайтаришда ҳар бир кечиктирилган кун учун солик органи томонидан **солик тўловчига фоиз тўлаш** тартиби жорий этилди.

Унга мувофиқ, солик тўловчи ортиқча тўлаган солик суммасини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисидаги аризасини, кўрсатилган ортиқча тўланган сумма тўланган кундан эътиборан **беш йил ичида** берилиши мумкинлиги, ортиқча тўланган солик суммаси, солик тўловчига унинг ёзма аризасига биноан солик органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан **ўн беш кун ичида** қайтарилиши белгиланди.

Агар ортиқча тўланган солик суммасини солик тўловчига белгиланган **ўн беш кунлик муддатда** амалга оширилмаса, белгиланган муддатда қайтарилимаган сумма учун солик тўловчига қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланган ҳолда қайтарилади. Ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига teng этиб қабул қилинади.

*Масалан солик тўловчи ортиқча тўланган 100,0 млн.сўмни қайтариши учун 10 март куни ариза тақдим этди. Солик органи солик тўловчининг аризасини ўрганиб чиқиб, ортиқча тўланган солик суммасини 1 апрель куни қайтариб берди ва натижада қайтариши учун белгиланган муддат тахминан 6 кунга кечикди. Мазкур ҳолат бўйича, 2020 йил 1 март ҳолатига Марказий банкининг қайта молиялаштириши ставкасига 16 фоиз бўлган. Демак, кунлик ставка 0,044% (16/365) кечиктирилган кунлар учун пеня миқдори 264,0 (100,0*0,044%*6) минг,сўмни ташкил этади.*

Ортиқча ундирилган солик суммасига фоизлар солик тўловчи ундан солик ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори қонуний қучга кирган кундан эътиборан **ўттиз кун ичида** мурожаат этган тақдирда ҳисобланади. Бунда, фоизлар солик ундирилган кундан кейинги кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобга олинган (қайtariлган) кунга қадар ҳисобланади ва ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси Марказий банкининг шу кунлардаги амал қилаётган қайта молиялаштириш ставкасига teng миқдорда қабул қилинади.

Бир корхонанинг солиқ мажбуриятини бошқа бир солиқ тўловчи ҳисобидан бажариш тартиби бекор қилиш мақсадида, **солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш тартиби 2020 йилдан бекор қилинди**.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ кечикириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида, эндиликда республика бюджетига тўланадиган солиқларни тўлашни **кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш** имконияти Давлат солиқ қўмитаси, божхона органларининг таклифи бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳаллий бюджетлар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилиши белгиланди.

Бунда, солиқларни бир вақтнинг ўзида тўлаш натижасида иқтисодий начорлик (банкротлик) аломатлари юзага келиши хавфи бўлган, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш мавсумий бўлган ҳолларда солиқларни тўлашни кечикириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, қарздорлик суммасига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланган ҳолда тақдим этилиши жорий қилинди.

Шунингдек, солиқ мажбурияти бажарилиши таъминотининг **мол-мулк гарови, банк кафолати ва кафиллик** кўринишидаги янги шакллари киритилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ назорати шакллари қайта кўриб чиқилиб, солиқ органларига таҳликали-таҳлил асосида **камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган** солиқ назоратини амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди.

Эндиликда солиқ текширувларини ўтказиш учун номзодлар инсон омилисиз, дастлаб камида 42 та мезонлар асосида таҳлика-таҳлил (Риск-анализ) дастури ёрдамида танланади.

Таҳлика-таҳлил асосида хўжалик субъектларини хавфлилик даражасига қараб З та сегментга (*яшил, сариқ ва қизил йўлакларга*) ажратади ҳамда камчиликлар аниқланган тақдирда, солиқ назоратининг янги камерал текширув, сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказилиши белгиланди.

Хавфлилик даражаси паст бўлган (*яшил йўлакча*) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юкори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади.

Бу гурухдаги корхоналар тоифасига қайсилар киради деган савол туғилиши табиий албатта?

Булар солиқ ҳисботларида ҳақиқий даромадларини кўрсатган ҳолда мажбуриятларини ўз муддатларида бажараётган субъектлардир.

Хавфлилик даражаси ўртacha бўлган (*сариқ йўлакча*) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳисботини тузатиш имкони берилади.

Бу тоифадаги корхоналарга солиқ ҳисбини юритища хатоликларга йўл қўяётган ва солиқ маслаҳатига эҳтиёжи бўлганлар киради.

Хусусан: - **камерал солиқ текшируви**, солиқ тўловчининг ҳисботини солиқ органида мавжуд маълумотлар билан таққослаш натижасида аниқланган

тафовутларга солиқ тўловчи солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши, бунда, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсиға солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш хуқуқи берилди.

Лекин камерал солиқ текшируви натижалари бўйича пеня ҳисобланниши ҳамдамолиявий санкциялар қўлланилмайди.

- **сайёр солиқ текшируви**да соликлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиқсан ҳолда ўрганилиниади ва унинг мақсади фактларни қайд этишдан иборат бўлади.

Сайёр солиқ текширув натижалари бўйича қўшимча солиқлар ҳисобланмайди.

- **солиқ аудити** солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи юқори даражада бўлган солиқ тўловчиларда риск омилларини таҳлил қилиш асосида танланган солиқ тўловчиларда ўтказилади ва солиқ аудити натижаларига кўра қўшимча солиқлар ҳисобланниб, молиявий санкциялар қўлланилиниади.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 январга қадар давлат солиқ хизмати органлари солиқ аудити тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилишлари лозим бўлади.

2020 йил 1 январдан бошлаб **солиқ имтиёзларини** фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилиши белгиланиб, бунда, айрим солиқлар бўйича жумладан, ҚҚС, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдалангандик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгилангандиган солиқ ставкасини кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши белгиланди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилда ыуйидаги натижаларга эришилди.

Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони, жами 138 221 тага ўсди.

Шундан: юридик шахслар сони 95629 тага;

якка тартибдаги тадбиркорлар 45592 тага.

солиқ тўловчи жисмоний шахслар 262 647 тага ўсди.

Ўз навбатида республика бюджетига солиқлар тушуми белгилангандиган прогноз кўрсаткичига нисбатан 104,0 фоизга бажарилиб прогноздаги 99598, млрд.сўм ўрнига, бюджеттага 103566,4 млрд. Сўм маблағлар ундирилди.

**Республика бўйича солиқ тўловчилар сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Кўрсаткичлар номи	2021 йил 1 январь	2020 йил 1 январь	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан	
				(+,-)	(%)
I	1. Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони, жами	1 185 596	1 047 375	138 221	113,2
	Юридик шахслар:	827 165	731 536	95 629	113,1
	фаолият юритаётган субъектлар	493 763	440 393	53 370	112,1
	<i>улуши (%)</i>	<i>59,7</i>	<i>60,2</i>		
	фаолиятини вақтинча тўхтатган субъектлар	333 402	291 143	42 259	114,5
	<i>улуши (%)</i>	<i>40,3</i>	<i>39,8</i>		
	йил бошидан янги ташкил этилган субъектлар	3 598	4 361	-763	82,5
	умумбелгиланган солиқ тўловчилари	49 429	7 575	41 854	652,5
	<i>ягона солиқ тўловчилари</i>	<i>177 701</i>	<i>164 465</i>	<i>13 236</i>	<i>108,0</i>
	<i>ягона ер солиқ тўловчилари</i>	<i>82 356</i>	<i>144 214</i>	<i>-61 858</i>	<i>57,1</i>
	<i>давлат ташкилотлари</i>	<i>25 982</i>	<i>26 695</i>	<i>-713</i>	<i>97,3</i>
	<i>солиқ мажбуриятига эга эмас</i>	<i>69 716</i>	<i>69 218</i>	<i>498</i>	<i>100,7</i>
	Якка тартибдаги тадбиркорлар:	358 431	315 839	42 592	113,5
	фаолият юритаётганлар	219 105	230 749	-11 644	95,0
	<i>улуши (%)</i>	<i>61,1</i>	<i>67,4</i>		
	фаолиятини вақтинча тўхтатганлар	139 326	85 090	54 236	163,7
	<i>улуши (%)</i>	<i>38,9</i>	<i>26,9</i>		
	йил бошидан янги рўйхатдан ўтганлар	102 749	109 819	-7 070	93,6
	2. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони	890 210	520 344	369 866	58
	Фойда солиғи	115 572	53 051	62 521	217,9

Күшилган қиймат солиғи	115 572	84 507	31 065	136,8
Акциз солиғи, жами	3 775	3 612	163	104,5
Айланмадан солиқ	298 439	187 147	111 292	159,5
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	1 772	1 456	316	121,7
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	141 201	50 898	90 303	277,4
Юридик шахслар мол-мулк солиги	58 856	64 966	-6 110	90,6
Юридик шахслар ер солиги	155 023	74 707	80 316	207,5
3. Солиқ түловчи жисмоний шахслар	18 070 194	17 807 547	262 647	101
Даромад солиғи	4 481 081	4 702 440	-221 359	95,3
Мол-мулк солиғи	7 255 539	6 978 872	276 667	104,0
Ер солиғи	6 333 574	6 126 235	207 339	103,4

2020 йил ва январь-декабрь ойлари прогноз күрсаткичлари ижро түғрисида солиқ турлари кесимида маълумот (млрд.сўмда)				
Солиқ турлари номи	2020 йиллик			
	Прогноз	Тушум	(%)	Фарқи (+, -)
Вилоят бўйича жами	99 598,0	103 566,4	104	3 968,4
шу жумладан:				
Маҳаллий солиқлар	3 331,2	3 453,6	104	122,4
ЯТТлар қатъий белгиланган солиғи	219,6	286,3	130	66,8
Жисмоний шахслар ер солиғи	975,7	1 079,9	111	104,2
Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	822,6	733,4	89	-89,2
Айланмадан солиқ	1 313,4	1 353,9	103	40,6
Йирик солиқ турлари даромадлари	90 556,1	94 292,5	104	3 736,5
Кўшилган қиймат солиғи	21 061,2	20 485,6	97	-575,5
Акциз солиғи, жами	10 651,5	10 838,8	102	187,3
Жисмоний шахслар даромад солиғи	14 442,6	14 854,5	103	411,9
Юридик шахслар фойда солиғи	25 474,2	28 670,0	113	3 195,8
Ер қаъридан фойд. учун солиқ (Недра)	16 126,9	15 782,1	98	-344,9

Курил. матер. б-ча Норуда у-н солиқ	277,4	635,1	229	357,7
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	1 090,1	1 240,8	114	150,7
Юридик шахслар ер солиғи	1 086,4	1 306,8	120	220,4
Сув ресурсидан фойд. учун солиқ	345,8	478,8	138	133,1
Солиқсиз түшумлар	5 710,8	5 820,3	102	109,5
Давлат божи, жами	1 039,7	1 225,5	118	185,8
Жарималар, жами	685,0	807,9	118	122,9
Йиғимлар	1 176,8	1 215,5	103	38,7
СРП	0,0	397,0	0	397,0
<i>Бошқа түшумлар</i>	0,0	547,0	0	547,0
Дивиденд даромадлари, жами	2 809,2	1 627,3	58	-1 181,9
<i>ДУКлар соғ фойдасидан ажратма</i>	0,0	410,6	0	0,0
<i>АЖ ва МЧЖлар дивиденди</i>	0,0	1 216,8	0	1 216,8

1-Жадвал

Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами бюджет даромадлари	22	21,9	21,5	22	21,9	21,3	20,6	19,9	19,4	21,9	22,5
Шу жумладан:											
бевосита солиқлар	5,1	5,8	5,4	5,3	5,1	5,1	4,9	4,6	3,8	6,1	7,7
бильвосита солиқлар	11,3	11,4	11,7	11,3	11,6	11,2	10,6	10,5	10,1	9,2	7,9
ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3,4	3,4	2,9	3,3	3	2,8	2,7	2,8	3,1	3,8	3,6
бошқа даромадлар	2,2	1,3	1,5	2,1	2,2	2,2	2,4	2,1	2,4	2,8	3,3

Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси, фоиз ҳисобида¹

¹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини янада ошириш ва бюджетга солиқларнинг тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган бўлиб мазкур йўналишлар бўйича мамлакатимизда солиққа оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида қуидаги меъёрий-хукукий хужжатлар қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги **ЎРҚ-657-сонли** Конуни;

Мазкур Конун билан 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари ҳамда 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллари тасдиқланди.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллар

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2022 йил	2023 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	688 936	843 191	985 377
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	5,1	5,8	5,4
3.	Истеъмол нархлари индекси, ўтган йил декабрига нисбатан, фоизда	9,0-10,0	10,0-11,0	7,0-8,0
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	5,8	7,6	6,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,5	3,5	3,6
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	5,9	7,9	9,8

**2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг
жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари**

млрд
сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2022 йил	2023 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	178 712,4	208 371,3	238 954,0
1.	Давлат бюджети даромадлари	147 202,3	173 550,2	200 708,6
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	26 173,9	28 251,7	30 544,5
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	5 336,2	6 569,4	7 700,8
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	216 246,6	231 338,9	258 096,0
1.	Давлат бюджети харажатлари *	149 950,5	163 780,4	183 675,0
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	40 772,5	46 709,1	51 720,2
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	13 423,6	6 569,4	7 700,8
4.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	12 100,0	14 280,0	15 000,0
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	15 928,9	17 930,2	21 097,2
IV.	Консолидациялашган бюджет салъдоси(профицит +, дефицит -)	-37 534,2	-22 967,6	-19 142,1
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари салъдоси (профицит +, дефицит-)	-17 346,8	-8 687,6	-4 142,1
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	7 767,7	10 316,8	12 478,2

Шунингдек мазкур қонун билан, 2021 йил учун, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари, товарларнинг айrim турлари билан чакана савдо қилиш хуқуки учун ундириладиган йифимларнинг чекланган ставкалари, автотранспорт йифимларнинг ставкалари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim Конун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги **ЎРҚ-659-сонли** Конуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги **ЎРҚ-660-сонли** Конуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-4938-сонли** қарори.

Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг айrim Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қуидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни билан жорий йилдан бошлаб, акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўтказилди

Солиқ кодексининг 75-моддасига киритилган қўшимчалар билан, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт обьектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга эканлигини белгиланди.

Солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш бўйича Солиқ кодексига киритилган асосий ўзгаришлар:

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича, тушум ҳажмидан қатъий назар алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шаҳобчалари ҳамда бозор ва савдо комплекслари қўшилган қиймат солиғини тўловчилар тоифасига ўтказилди.

Солиқ кодексининг 246-моддасига киритилган ўзгартишлар билан халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинадиган товарларни (хизматларни), шу пайтгача агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган эди. Эндиликда қарзлар ҳисобидан товарларни (хизматларни) олиб кирилаётганда солиқдан озод этилиши конунда назарда тутилган бўлса, солиқ имтиёзидан фойдаланилиши мумкинлиги белгиланди.

Кодекснинг 259-моддасига киритилган қўшимча билан, эндиликда товарларни (хизматларни) реализация килиш бўйича айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланадиган бўлди.

2. Акциз солиғи бўйича, Кодекснинг 283-моддасига киритилган ўзгартириш билан эндиликда акциз солиғи ставкалари Солиқ кодексида белгиланди ва унга мувофиқ, мазкур модда учта қўшимча моддалар билан тўлдирилди:

289-1-модда Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари

289-2-модда алкоголь маҳсулотларига солиқ ставкала;

289-3-модда. Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир солиқ ставкалари.

Кодекснинг 284-моддага киритилган ўзгпртиришлар билан, ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташкари) маҳсулотлари акциз солиғи обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

3. Фойда солиғи бўйича, 2021 йил 1 январдан бошлаб Солиқ кодекси 306-моддаси бўйича, амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошлангич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилиши белгиланди.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаши амалга оширилганда, амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун бундай қайта баҳолаш натижаси ҳисобга олинмайдиган бўлди.

Шу муносабат билан 306-модданинг тўртинчи қисмига амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошлангич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилиши белгиланди.

Унга мувофиқ, амортизацияланадиган активларнинг бошлангич қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчи томонидан капитал кўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгариши;

2021 йил 1 январь ҳолатига қўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш максадида бошлангич қиймат ҳисобланиши.

2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, бундай қайта баҳолаш натижаси амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун ҳисобга олинмаслиги белгиланди.

Масалан, корхона 2014 йилда мебеллар тўпламини 1 150 000 сўмга харид қилган эди. Мазкур мебеллар тўпламининг 2020 йил 1 январь ҳолатига жамланган эскириш суммаси 862 500 сўмни ташкил қилган. 2020 йил 1 январь ҳолатига мазкур мебеллар тўплами қайта баҳоланиб, унинг тикланиш қиймати 1 476 261 сўмни ташкил этган ва ўз навбатида 2020 йил давомида 1 107 196 сўмга эскириш ҳисобланиб, 2021 йил январь ҳолатига мазкур мебеллар тўпламининг қолдиқ баҳоси 369065 сўмни ташкил этади ва ушбу мебеллар тўплами 2021 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳоланмайди.

Шунингдек, солиқ органлари томонидан олдинги ҳисобот даври асосида бўнак тўловларини ҳисобланиши сақланиб қолинган ҳолда солиқ тўловчи келгуси чоракнинг биринчи ойи **10 санасига қадар** жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқкан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳукуки берилди.

Шу билан бирга, кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб курсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ туловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ буйича бўнак туловлари суммаси тугрисидаги маълумотномага ўзгартеришлар киритиш ҳуқуқига эгалиги ҳам белгиланди.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича, Кодекснинг 365-моддасига киритилган ўзгартериш билан солиқни қатъий белгиланган микдорда тўлаш хохишини билдирган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқка тортиш обьекти бўлиб амалга оширилаётган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлар ҳисобланиши назарда тутилди. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Конунида назарда тутилган, қатъий белгиланган солиқ ставкалари қўлланилиши билан боғлиқ алоҳида нормалар Солиқ кодекснинг **383-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилди:

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналарда ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги солиқ органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

I ёки II гурух ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган микдордаги солиқнинг **50 фоизини**, бирок базавий ҳисоблаш микдорининг **50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда** тўлайди;

Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва хунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация килишни амалга оширганида қатъий белгиланган микдордаги солиқни тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жихозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган микдордаги солиқни тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинган даромадларига **12 фоиз** миқдорида солиқ солинади.

Халқ депутатлари туманлар ва шахарлар Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларига фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга ошириладиган турларининг мавсумийлиги қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилаш ҳуқуқи берилди.

Кодекснинг 385-моддасига киритилган ўзгартеришларга мувофик, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахсларга алоҳида тоифадаги солиқни тўлаш бекор қилиниб, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ солиқ агенти томонидан хисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби белгиланди.

5. Ижтимоий солиқ бўйича, Кодекснинг 408-моддасига киритилган ўзгартеришлар билан, айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари қайта кўриб чиқилди ва

унга мувофиқ, ушбу тиоифадаги ижтимоий солиқни тұловчилар қуидаги икки гурұхга ажратылды:

- календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатын назар ижтимоий солиқни тұловчилар;
- мөхнат стажи хисобланиши учун үзини үзи банд қылған ижтимоий солиқни тұловчилар.

Календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатын назар ижтимоий солиқни тұловчилар бүлар якка тартибдаги тадбиркорлар, улар билан мөхнат мұносабатларида булған жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рүйхатдан утган оила азоси ва унинг оила азолари, кишлоқ тұманларида рүйхатдан үтган ва фаолиятини амалга ошираётганд «Хунарманд» уюшмаси азоси бүлған хунармандлар хисобланадилар ва улар ижтимоий солиқни қуидаги міңдорларда тұлайдилар:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - **ойига базавий хисоблаш міңдорининг бир бараваридан кам булмаган міңдорда;**

якка тартибдаги тадбиркор билан мөхнат мұносабатларида булған жисмоний шахслар томонидан (якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари) **ойига базавий хисоблаш міңдорининг 50 фоизи міңдорда;**

фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган холда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила азолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рүйхатдан утган оила азоси томонидан - **ойига базавий хисоблаш міңдорининг бир бараваридан кам булмаган міңдорда;**

оиланинг бошка азолари томонидан (бундан ун саккиз ёшга тұлмаганлар мустасно) - **ойига базавий хисоблаш міңдорининг 50 фоизи міңдорда;**

кишлоқ тұманларида рүйхатдан утган ва фаолиятини амалга ошираётганд «Хунарманд» уюшмаси азоси булған хунармандчилек фаолияти субъектлари томонидан үз фаолиятининг дастлабки икки йилида ойига базавий хисоблаш міңдорининг **50 фоизи міңдорда** мажбурий тартибда тұланади.

Иккінчи гурұх ижтимоий солиқни тұловчилар бўлиб яъни мөхнат стажи хисобланиши учун үзини үзи банд қылған шахслар қуидагилар ҳисобланадилар ва улар солиқни қуидаги міңдорларда тұлайдилар, мөхнат шартномаси асосида чет элда ишлаётганд Үзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Үзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошка ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилған (очилған) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётганд Үзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилига базавий хисоблаш міңдорининг камида **бир баравари міңдорида ихтиёрий тартибда**, қуидаги солиқ тұловчилар томонидан эса мажбурий тартибда тұланади:

«Уста-шогирд» мактаблари укувчилари - улар йигирма беш ёшга тұлғунига қадар ишлаган даврда;

дехқон хұжаликлари, шунингдек майдони түрт сотихдан кам бўлмаган дехқон хұжалигыда, томорқа ер участкасида банд бўлған ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришаётганд

жисмоний шахслар. Бунда дехқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошка аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тулайди;

Солиқни тўлаш қуидагича амалга оширилади:

солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган қунлари сонидан қатъи назар: якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, хар ойда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг **ўн бешинчи кунидан кечиктирмай**;

мехнат стажи ҳисобланиши учун ўзини-ўзи банд қилган шахслар томонидан ҳисбот йилининг 1 декабригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан холда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган қунлари сонидан қатъи назар: якка тартибдаги тадбиркорлар солиқни белгиланган солиқ ставкалари буйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган мехнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб, бироқ энг кам миқдоридан кам бўлмаган холда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлаш хуқуки берилди.

6. Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

Айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, Кодекснинг 461-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, айланмадан олинадиган солиқ татбиқ этилмайдиган тўловчилар таркиби алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шоҳобчалари ҳамда бозор ва савдо комплекслари ҳисобига кенгйди, яъни улар учун мажбурий тартибда қўшилган қиймат солиғини жорий этилди.

Шунингдек, айланмадан олинадиган солиқ бўйича асосий солиқ ставкалари сақлаб қолинган холда, риэлторлик хизматини кўрсатувчи шахсларга солиқ ставкаси **25 физдан 13 фоизга камайтирилди** ва жойлашаган жойидан қатъий назар, чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар **тамаки маҳсулотлари реализациясидан** товар айланмаси бўйича **4 фоиз** миқдорида солиқ тўлашга ўтказилди.

7. Ер солиғи бўйича, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллаган ерлар бўйича, шунингдек дехқон хўжаликлари учун солиқни суғориладиган ва суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикиси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби бекор қилинди ва уларга қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқиб тўлашга ўтказилди.

Солиқ кодексида юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун худудлар кесимида (мутлақ миқдорда) базавий

солиқ ставкаси белгиланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкасининг аниқ миқдори қуидаги тартибда аниқланади:

2021 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида (*юридик ва жисмоний шахсларнинг*) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиги ставкасига **0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиги ставкаларини белгилаши кўзда тутилган.**

Ўз навбатида, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса – Солиқ кодексида белгиланган ер солиги ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида **0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқига эга.**

Бунда, белгиланган ер солиги ставкасига туман депутатлар Кенгашлари томонидан **солиқ юкуни кескин ошишини олдини олиш мақсадида 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини биринчи йилларда қўллаш мақсадга мувофиқ.** **Алоҳида жойлар** ва республиканинг **туристик зоналаридаги** алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган **1 гектардан ортиқ** ер участкаларига **нисбатан 3,0 гача оширувчи коэффициент қўлланилиши мумкин** (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ- 6027- сонли Фармони*).

Шунингдек, **жисмоний шахсларнинг** ер майдонлари учун олинадиган **ер солиги** (якка тартибдаги тадбиркорлар ва туристик зоналарда жойлашган ер участкаларидан ташқари) **суммаси** 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги** белгиланган.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида ер участкаларига, шунингдек туристик зоналарда жойлашган жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкасига ер солигини **3 бараваргача** миқдорда оширувчи ставкасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги **солиқ органларига** солиқ ставкаларини жорий солиқ даврининг **31 декабрига қадар** тақдим этадилар.

Солиқ кодексида **юридик шахслар** бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлари учун **базавий солиқ ставкаси, республика ҳудудлари кесимида 1 гектар** учун мутлақ миқдори қуидагича белгиланди:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда
Тошкент шаҳри:	
1 зона	208,2
2 зона	166,5
3 зона	124,9
4 зона	83,3
5 зона	41,6
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навоий вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

Солиқ кодексида **жисмоний шахслар бўйича республика ҳудудлари кесимида** базавий солиқ ставкалари мутлоқ **миқдорда 1 кв.м.** учун, дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ташқари қуидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси, сўмда
Тошкент шаҳри:	
1 зона	1193,6
2 зона	1013,2
3 зона	832,6
4 зона	652,3
5 зона	471,8
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0

Навоий вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Юридик шахслар учун қуидагилар эгаллаган ер қисми бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди:

туристик зоналарда жойлашган, санаторий-курорт объектлари;

оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун ер солигининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ер солигини тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бўйича берилган солиқ имтиёzlари бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш технологияларни киритиш ҳисобига кенгайтирилмоқда. 2021 йилнинг 1 январигача фақатгина томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланаётган солиқ тўловчилар солиқ имтиёзидан фойдаланиши мумкин эди.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа (шу жумладан томчилатиб) технологияларини жорий этилган ерлар – сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга ер солигини тўлашдан озод этилмоқда. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органининг хулосаси асосида берилади.

Агарда, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

Конунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир кўrsатиш чоралари назарда тутилиши мумкин бўлган ва солиқ имтиёzlари татбиқ этилмайдиган объектлар жумласига самарали фойдаланилмаётган, балиқ кўпайтириш (етиштириш) учун мўлжалланган сунъий сув ҳавзаларини киритиш билан ер участкалари рўйхати кенгайтирилмоқда. Бу ер участкаларига ер солиги бўйича солиқ имтиёzlари қўлланилмайди.

8. Мол мулк солиги бўйича, Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган объектларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 дан 0,4 фоизга оширилди.

Жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари 1,15 бараварига индексация қилинди. Бунда, 2021 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ суммаси, 2020 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан қўп оширилмаслиги белгиланди.

Туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Кўп квартирали уйларига бевосита узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ обьектига киритилди. Бундай обьект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз микдоридаги солиқ ставкасида солиққа тортилиши белгиланди

9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича, Солиқ ставкалари 15 фоизга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 30 фоизга индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексида белгиланмоқда.

Бунда, солиқ ставкалари коммунал хизмат қўрсатиш корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинди. қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етишириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 1 куб.м. учун 40 сўм микдорида белгиланди.

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ микдорда бир куб метр учун қуидаги микдорларда белгиланади:

T/p	Тўловчилар ва солиқ солиш обьекти	1 куб метр учун солиқ ставкаси, сўмда:	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2–6-бандларда қўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат қўрсатиш корхоналари	70	90
4.	қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етишириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари	40	40
5.	автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	1 990	1 990

6.	пиво ва винодан ташқари алкоголь махсулотлари ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25 185
----	---	--------	--------

Қишлоқ хўжалиги ерларини сугориш ва балиқ етишириш (ўстириш), шу жумладан дехқон хўжаликларида сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда, солик ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади.

Солик кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари солик солиш обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжаликларида сувдан фойдаланувчи шахслар учун солик базасини аниқлаш тартиби қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартирилмоқда. Хусусан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили:

жорий солик даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга солик базасини аниқлаш учун;

дехқон хўжаликлари бўйича солиқни ҳисоблаш учун - солик органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этши белгиланди.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиширувчи балиқчилик хўжаликлари солик базасини табиий ва сунъий сув обьектларидан олинган ва ушбу сув обьектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солик тўловчилар солик базасини табиий сув обьектларидан махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув обьектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома мавжуд бўлганда қўлланилади.

Солик солиш обьекти ва (ёки) солик ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солик тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва тегишли солик ставкалари бўйича солик тўлаш тартиби киритилмоқда.

10. Ер қаъридан фойдаланганилик учун солик бўйича киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Ер қаъридан фойдаланганилик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Қўйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдорида, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солик ставкаси белгиланмоқда:

қурилиш қумлари (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 8 500 сўм бўлган);

қум-шағал аралашмаси (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўм бўлган);

қумтошлар (5 фоиз), қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари) (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган);

қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари) (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган).

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда	
	2020 йилда	2021 йилда
Қурилиш қумлари	5%, бироқ 8 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қум-шағал аралашмаси	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қумтошлар	5 фоиз	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган

Масалан: Тошкент вилояти Чиноз туманида фаолият кўрсатаётган хусусий корхнаси томонидан 2020 йилда 40 154 куб.метр “Қурилиш қумлари” қазиб олган ва 8 500 сўм солиқ ставкасида 341,3 млн.сўм солиқ тўлаган бўлса, 2021 йилда ҳам шу миқдорда “Қурилиш қумлари” қазиб олганда, солиқ ставкаларини унификация қилиншии натижасида (солиқ ставкаси 7 500 сўм) 301,2 млн.сўм солиқ тўлайди ёки 40,1 млн.сўм кам солиқ тўлайди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин, қумуш, палладий ва мис бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорда белгиланди.

Бошқа фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкалари 2020 йил даражасида сақлаб қолинди.

3. 2021 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг моҳияти.

Президнетимизнинг 2021 йи лянвар ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлимаи ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган мурожаатномасида 2021

йилни “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” эълон қилди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон фармони билан тасдиқланган **ДАВЛАТ ДАСТУРИ**нинг 3.3. бўлими **“Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш”** деб номланиб унда қуйидаги тадбирлар белгиланди

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Сотиладиган товарларнинг ягона электрон таснифлагич тизимини ишлаб чиқиши ва онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварак-фактуралари, маркировкалаш тизимларига интеграциялаш;

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш маъмурчилигини такомиллаштириш;

Тенг рақобат шароитини яратиш ва қўшилган қиймат солиғи тўловчилар хуқуқларини кафолатлаш бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Солиқ хизматларини кўрсатишни янги босқичга чиқариш ва халқаро стандартларга мослаштириш, солиқ органларини «хизмат кўрсатувчи» юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш;

Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш ҳамда солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бўйича белгиланган ушбу йўналишлар доирасида 11 та норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тадбирлари белгиланган.

Президентимизнинг аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизликни олдини олиш, бу борада ёшлар ва хотин-қизларни, айниқса меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш юзасидан янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорларни рағбатлантириш бўйича жорий йилнинг апрель ойида қабул қилган фармон ва қарорлари давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрельдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сонли фармони билан 2021 йил 1 майдан 2023 йил 1 январга қадар, иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш тартибининг жорий қилиниши биринчидан ёшларни иш билан таъминланишида қулаг имконият бўлса, иккинчидан уларни ишга қабул қилувчиларни ёшларни ишга жалб қилишдан манфатдорлигини оширди.

Масалан, хўжалик субъекти ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона 25 ёшга тўлмаган ёш мутахассисни ишга қабул қилиб, унга ўртacha 3000,0 минг сўмдан ойлик иш ҳақи белгилади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ходимга тўлаган ойлик иш ҳақи фондидан ойида 12 фоиз яъни 360,0 минг сўм миқдорида ижтимоий солиқ тўлайди. Жорий этилган имтиёзга мувофиқ эндиликда хўжалик субъекти томонидан ёш ходимга тўланган ижтимоий солиқ суммаси тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин солиқ тўловчига қайтариб берилади.

Қайд этиш жоизки, мазкур имтиёзни қўлаш учун ишга олинган ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириган бўлиши керак ва бунда ижтимоий солиқни қайтариш еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади. Ўз навбатида, мазкур имтиёз бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга тадбиқ этилмайди.

Шунингдек, фармон билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жойларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ишчилар сони тадбиркорлик субъектларига давлат мулкларини ижарага олишда, фармонда тасдиқланган жадвал бўйича ижара тўловларини имтиёзли миқдорларда тўлаш белгиланди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишчилар сони	Давлат мулки обьектининг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони			
	Тошкент шаҳар (кв. м)	Нукус шаҳар ва вилоят марказлари (кв. м)	Туман марказлари (кв. м)	Бошқа худудлар (кв. м)
I. «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз миқдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари бўйича				
5 та	60	80	100	120
6 дан — 9 гача	100	120	140	160
10 дан — 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320
II. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлган, давлат мулки обьектлари учун ижара ҳақи тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича				

10 гача	100	120	140	160
10 дан — 19 гача	140	160	180	200
20 дан — 29 гача	180	200	220	240
30 ва ундан ортиқ	220	240	260	280

Ушбу жадвалнинг I қисми бўйича «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшлар ишга қабул қилингандан умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз микдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли майдон белгиланди.

Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти агар «Ёшлар дафтари»га киритилган 5 нафар ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса, мазкур тадбиркорлик субъекти 60, м² гача бўлган ижара майдони учун ижара тўловини 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайди. Демак тадбиркорлик субъекти агар ижара шартномаси бўйича 100 м² давлат мулкини ижарага олган бўлса ва 5 та нафар «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса 60 м² учун, агарда 6 нафардан 9 нафаргача ходимни ишга олган бўлса 100 м² учун ижара тўловининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинади.

Қайд этиш лозимки мазкур жадвалда келтирилган шартлар бўйича республикамиз ҳудудлари бўйича ҳам «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга олган тадбиркорлик субъектлари учун ижара тўловининг имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур жадвалнинг II қисмида эса ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камидаги 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлганида, давлат мулки обьектлари учун ижара тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари ишга олиниши лозим бўлган ходимлар сони ва имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Масалан, жадвалнинг II қисмига мувофиқ, масалан Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектининг жами ходимлар сони 15 киши бўлиб, ушбу корхона 150 м² майдонга эга давлат мулкини ижарага олган бўлса ва корхонада ишловчи ходимларнинг 11 тасини (70 фоизи) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ташкил қиласа, мазкур ҳолатда ушбу корхона ижарага олган давлат мулкининг 100 м² учун ижара ҳақи тўловидан 5 йил муддатгача озод этилади.

Шунингдек фармонда, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорлик фаолиятини бошлиши ва ўзини ўзи банд қилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун базавий ҳисоблаш микдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган микдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш йигит ёки қиз тадбиркорлик фаолиятини бошлиши учун зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун 20,0 миллион сўм маблағ лозим бўлса, шундан базавий ҳисоблаш микдорининг 40 баравари яъни 9 800000 сўмни (254000*40) «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланган.

Шунингдек фармонда, 2021 йил 1 июндан бошлаб «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун

бино ва иншоотларни ижарага олганда, бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш микдорининг 25 бараваригача бўлган микдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Масалан, ёш тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини бошлиш учун бошқа бир тадбиркордан 50 м² майдонга эга бўлган бинони бир йиллик муддатга йиллик 20,0 млн.сўмга ижарага олди. Иритилаётган ўзгартириш бўйича ушбу тадбирорни қўллаб-қувватлаш мақадида, ижара тўловининг 30 фоизини яъни 6,0 млн.сўмни (20,0*30%) бироқ базавий ҳисоблаш микдорининг 25 бараваригача яъни 6125000 сўмгача (25*245000) бўлган микдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Ўз навбатида фармонда, профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўташ учун юборилган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари микдорида ойлик субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан Тошкент қурилиш техникуми мазкур техникумда таҳсил олаётган ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ўқувчини қурилиш корхонасига амалиёт ўташ учун олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айтайлик беш ой муддатга юборган бўлса, бунда техникум ҳисобидан ойига 900 сўм (245000*2) жамибеш ой учун 4500.0 (900*5) минг сўм субсидия ажратилади.

Бундан ташқари фармонда 2021 йил 1 июндан бошлаб «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффакиятли тутатиб сертификат олган ёшларга компьютерлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харид қилишлари учун базавий ҳисоблаш микдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган микдорда истеъмол кредитлари ажратилиши белгиланиб, мазкур истеъмол кредитларини ажратиш АТ «Халқ банки», АТ «Алоқа банк» ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан амалга оширилиши ва истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловлари Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича надавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш микдорининг 5 бараваригача бўлган микдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Мехрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий ҳисоблаш микдорининг 4 баравари микдоригача ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди.

Бунда, ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваридан ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Фармон билан, Ёшлар ишлари агентлигига юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил этилиб, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар жамғарма даромадларининг манбалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрель, “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик мұхитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5087-сон қарорида, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизmlарини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш масалаларида қўшимча тадбирларни белгилашни назарда тутилди.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қўйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланди:

уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра солиқ

қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектлариға соликларни бўлиб-бўлиб тўлаш;

уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилариға божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуқи берилади.

Бунда, ушбу тартиб бўйича гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охирги уч йил давомида тўланган солик ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорида бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммасига берилади.

Масала, тадбиркорлик субъекти томонидан охирги уч йилда тўланган солик ёки тўловлар суммаси тахминан уч млрд бўлиб, лекин кечиктириб тўланадиган солик ва тўловлар суммаси 5 млрд.сўм бўлса, бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммаси 1,5 млрд.сўм (3,0млрд.сўм : 2) миқдорида белгиланади.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилди.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланадиган бўлди.

2021 йил 1 майдан бошлаб, “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси” томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектлариға миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилиши белгиланди.

Масалан, 2021 йил 1 май ҳолатига Марказий банк асосий ставкаси 14 фоиз бўлса, унинг 1,75 баробари 24,5 фоизни ($14*1,75$) ташкил этади. Агар тадбиркорлик субъекти банкдан 5,0млрд.сўм кредитни йиллик 28,0% ставкада олган бўлса, тадбиркорлик субъектига ушбу кредит фозининг 24,5 фоизлик харжатлар қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташабbusларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилади;

Масалан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» киритилган тадбиркорлик субъекти кредит расмийлаштирган вақтда 36750,0 (150*245000) минг сўмгача жамғарма томонидан кафиллик берилиши белгиланди.

Асосийси, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилиши ва бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 млрд сўмдан, кафилликларнинг умумий суммаси эса 8 млрд сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Қарорда, Экспортни рағбатлантириш агентлигига, экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечикириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадларида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечикирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилиши белгиланди.

Масалан, тадбиркорлик субъекти ишлаб чиқарган товарларини экспорт қилганда, ушбу экспорт учун тўловлар кечикириб тўланиши шартномада белгиланган бўлса, бундай шароитда ушбу тадбиркорлик субъектининг айланмалар маблағларини тўлдириш учун Экспортни рағбатлантириш агентлиги тижорат банкларига молиявий ресурслар ҳисобидан кредит тўловлари қанча муддатга кечикирилган бўлса, масалан агар тўловлар уч ойгача кечикирилган бўлса демак уч ойгача экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати миқдорида агар экспорт миқдори 1,0 млрд сўмга бўлса, шу бир млрд.сўмга, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставкада кредит ажратилиши белгиланди.

Ўз навбатида, якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси”нинг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги фармонда белгилаб қўйилди..

Шунингдек, фармонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга йўналтирилиши, ажратиладиган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилиши белгиланди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш обьектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга «E-IJRO AUCTION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратилишига рухсат этилди.

Шу билан бирга, жойларда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка худудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш

хуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошлангич нархини 50 фоизгача камайтириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуқини аукционга қўйишда бошлангич нархга чегирма белгиланадиган олис ва чекка худудлар чегараларини белгилаш ваколатлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-5094-сон қарори билан аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Мазкур қарор билан, 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди ва унда 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари ва 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шу билан бирга Бандликка кўмаклашиш давлат жамгармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашишга:

субсидиялар ажратиш учун — 92,3 млрд сўм;

ишилизик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 млрд сўм;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 млрд сўм;

янги иш ўринлари ташкил этишини назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 млрд сўм маблағлар ажратилиши белгиланди.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ва унда:

меҳнат стажи учун ижтимоий солиқ тўлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар;

ташкил этилган иш ўрнида банд бўлган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ ҳамда норасмий фаолият кўрсатаётган яширин иш ўринларини расмийлаштириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунига қадар;

юридик шахслар томонидан янги ташкил этилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги ойлик, чораклик, йиллик маълумотлар (кичик

корхона ва микрофирмалардан ташқари) ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар акс эттирилишини таъминлаш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга ўратиш ва уларни меҳнат бозорида бандлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштириш юзасидан юртбошимиз томонидан белгилаб берилган янги рағбатлантириш мномаларининг амалиётга жорий этилиши, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттиришда, тадбиркорларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш муҳим услугубий ва иқтисодий омиллари бўлиб хизмат қиласди.

2-мавзу. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солиқ маъмурчилиги аҳамиятини ошириш масалалари

Режа:

- 1. Яширин иқтисодиёти ҳақида тушунча, унинг келиб чиқиши сабаблари, жамиятга таъсири.**
- 2. Дунё миқёсида яширин иқтисодиёнинг улуши ва Ўзбекистон иқтисодиётига яширин иқтисодиётнинг таъсири.**
- 3. Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.**
- 4. Солиқ соҳасида яширин иқтисодиётнинг олдини олиш йўллари.**

1. Яширин иқтисодиёти ҳақида тушунча, унинг келиб чиқиши сабаблари, жамиятга таъсири.

Мамлакат иқтисодиётини тарақкий эттиришда, аввало иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун унга таҳдид солувчи кучларни бартараф этиш лозим бўлади. Иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар орасида қўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг жинойлашуви, жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсиндириш тенденцияси ҳисобланади.

Айнан шунинг учун ҳам жиноий хуфиёна (яширин) иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва унинг улушкини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чоратадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда.

Яширин иқтисодиёт, хуфия иқтисодиёт - иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари бўлиб, унда ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш,

тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол жараёнлари - иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гурухи манфаатлари ётади.

Бошқача айтганда, **яширин иқтисодиёт** нафақат мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки давлат ҳисоби ҳамда назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан ҳам расмий статистикада экс этмайдиган хўжалик фаолиятидир. Яширин иқтисодиётга берилган бундай таърифнинг ўзиёқ унинг мамлакат тараққиётига тўсқинлик, бюджет даромадларига эса салбий таъсир қилишини, шу боис, унга қарши курашиш ўта долзарблигини кўрсатади.

Яширин (хуфёна) иқтисодиётнинг мезонлар бўйича турлари

Мезонлари	«Оқ ёқали» хуфёна иқтисодиёт	«Кулранг» хуфёна иқтисодиёт	«Қора» хуфёна иқтисодиёт
Субъектлари	Иқтисодиётнинг расмий сектори иштирокчилари (менежерлари)	Норасмий бандлар	Профессионал жиноятчилар
Объектлари	Даромадларни ишлаб чиқаришсиз тақсимланиши	Одатий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	Таъкиқланган ёки дефицит товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш
“Тоза” расмий иқтисодиёт билан алоқаси	“Тоза” иқтисодиётдан ажралмаган ҳолда	Нисбатан мустақил	Мустақил (автоном)

Яширин иқтисодиёт мураккаб кўп босқичли ҳодиса, унинг тур ва шакллари хилма-хил. Яширин иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) **жиноий иқтисодий фаолият.** Бу мутлақо маън этилган, қонун йўли билан таъқиб этиладиган ишлар билан шуғулланиш, (наркобизнес, порнобизнес, курол бизнеси ва х. к.);

2) **ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш,** (ўғирлик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик);

3) **иккиламчи иқтисодиёт** – кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат этилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Уларга яширин тадбиркорлик, 1-2 ва 5-10 киши банд бўлган яширин кичик корхоналар фаолияти киради. Яширин тадбиркорлик хизмати кўрсатиш, қ. х., қурилиш, савдо, кийимкечак ишлаб чиқаришда кенг тарқалган;

4) **расман рухсат этилган фаолият** билан бирга қўшимча равища яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равища ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) **манрабни сунистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хаттиҳаракатлар.** Булар жумласига давлат идораларидағи порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин;

б) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият, бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидаги қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар Яширин иқтисодиёт даги ижтимоий зарарли фаолият давлат томонидан қатъиян тақиқланади, ҳамма чоралар билан унга қарши кураш олиб борилади, ижтимоий фойдали фаолиятнинг (норасмий бўлсада кишилар талабэҳтиёжларини қондиради) ошкораликка чиқиши иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Яширин иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб улар:

- бозорга киришнинг осон ва қулайлиги;
- иш берувчи ва ишчи муносабатларининг такомиллашмаганлиги;
- малака ва кўникмаларнинг стандартлашмагани;
- операциялар миқёснинг кичиклиги;
- хуфёна нархларнинг шаклланишига шароитнинг яратилиши.


Хуфёна нархлар деб бозорда юз берадиган узилишлар шароитида белгиланган бозор нархларига тўғри келмайдиган, лекин ижтимоий харажатлар ёки ижтимоий даромадни ўзида акс эттирган ҳисоб нархларига айтилади ва хуфёна нархлар доимо бозор нархларига нисбатан тафовутда бўлади.

Хуфёна нархлар ва бозор нархлари ўртасидаги тафовутни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Бозор	Хуфёна нархлар (P_s) ва бозор нархлари (P_m) ўртасидаги тафовут	Тафовут сабаби
Мехнат	$P_s < P_m$ (ишилизик даражаси юқори холларда)	Ишга ёлланишда муқобил ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган йўқотишлар бўлмайди
Капитал	$P_s > P_m$ (капитал маблағлар танқислиги бозорида мавжуд холларда)	Фирманинг кутилаётган фойда нормаси мавжуд фоиз ставкасидан баланд бўлади
Маҳсулот	$P_s < P_m$ (салбий ташқи таъсир шароитида)	Нақд пул билан нақдсиз пул ўртасида тафовут бўлганда хамда банкдан ташқари пул айланмаси ошганда

Демак, меҳнат бозорида хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан доимо паст бўлади, капитал бозорида эса хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан юқори бўлади ва ўз навбатида маҳсулот реализацияси даврида хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан паст бўлади.

Даромадлар табақаланиши тенгсизлигини графикда тасвирлаш Лоренц эгри чизиги ёрдамида амалга оширилади. Лоренц эгри чизиги квадрат диаганалига суюнган ёйдан иборат бўлади. Яъни қуйидагича



Реал ҳаётда мутлақ тенглик ва мутлақ тенгсизлик ҳолатлари мавжуд эмас. Балки, ахолининг маълум гурухлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши нотекис равишда боради. Бундай тақсимланиши Лоренц эгри чизиги деб номланувчи ОЕ эгри чизиги орқали кузатиш мумкин.

Мутлақ тенгликни ифодаловчи чизик ва Лоренц эгри чизиги ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, яъни Лоренц эгри чизиги ОЕ чизигидан қанчалик узоқда жойлашса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади.

Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлақ тенг бўлса, бунда Лоренц эгри чизиги ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб, фарқ йўқолади.

Яширин иқтисодиёт ўзининг салбий ва ижобий таъсир кучига ҳам эга бўлади.

Яшириш иқтисодиётнинг салби таъсири қуйидагилардан иборат:

- қтисодий ўсишга тескари таъсир этади;

-норасмий тадбиркорликни рағбатлантиради;-ишчиларни эксплуатация қилишга шароит яратади, уларни малакали ишчи бўлишларига тўсқинлик қиласди;

- бюджет даромадларига тушумларни камайтиради;

-давлатнинг фискал сиёsat дастакларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради.

Ўз навбатида яширин иқтисодиёт:

- кам таъминланган ҳамда малакасиз ахолининг асосий даромад манбаи ҳисобланади;

- ижтимоий таъминот харажатларини пасайтиришга хизмат қиласди;

- бозордаги нархларнинг пасайишига олиб келади.

Ўз вақтида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов – “Жамиятда жиноий “хуфиёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат хокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланилади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлари туфайли жамият хавфсизлиги ва

барқарорлигига тұғридан-тұғри таҳдиддир” деб таъкидлаганлиги ушбу масалани ҳал этиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққий этишидаги аҳамияти нечоғли юқори эканлигини англатади.

Юқоридагилардан холоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, яширин иқтисодиёт бу иқтисодий фаолиятни жамиятдан яшириш ва давлат томонидан назорат ҳамда ҳисботи юритилиши олиб борилмаслигини, шу билан бирга иқтисодиётнинг кузатиб бўлмас ва норасмий қисми ёки яширин иқтисодиёт мавжуд қонун ва жамият қоидаларини четлаб ўтувчи жамиятдаги фуқароларнинг иқтисодий алоқалари демакдир.

Хўш, яширин иқтисодиёт қаердан пайдо бўлади ва қачон ривожланади? У аввало, жамиятда иқтисодий фаолиятни кенг жамоатчиликдан яшириш учун қулай бўлган тақдирда ва бунга шароит мавжудлигида пайдо бўлади ва унинг ривожланишига қуидагилар сабаб бўлади:

-рухсат бериш хусусиятига эга бўлган турли хил лицензия, сертификат ва рухсатномаларни олинишида кўзда тутилмаган харажатларнинг мавжудлиги;

- хом ашё маҳсулотларини етказиб берилишида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар.

-мамлакатда солиқ юки даржасининг юқорилиги;

шунингдек, яширин иқтисодиётда валюта қора бозорининг ўрни жуда катта ҳисобланади. Бизнинг мамлакатда ҳам энг йирик нақд пул айланмалари хорижий валюта бўлмиш АҚШ долларида амалга оширилади (ноқонуний йирик битимлар, уй-жой, автомобиль олди-сотдиси ва бошқа кўплаб товарлар олди-сотдиси йигиндиси).

Банкдан ташқари айланаётган ушбу хорижий валютанинг миллий валютамиз сўмга нисбатан етказаётган бевосита зарари охир-оқибат миллий валютамизнинг қадрсизланишига ўзининг билвосита таъсирини кўрсатади. Аксарият маҳсулотларнинг четдан нақд пулга сотиб олиб келтирилиши ёки хуфёна битимлар туфайли маҳсулотларнинг мамлакатимизга олиб кириб сотилиши кўп жиҳатдан соликдан яширган ҳолда фойда кўриб ишлаётган тадбиркорлар ва уларни кўллаб-қувватлаб турган бошқа шахсларга қўл келади

Асосийси, ўз тадбиркорлиги ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг реализация қилинишига, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига мисли кўрилмаган даражада зиён етади.

Яширин иқтисодиёт бу иқтисодий фаолиятни жамиятдан яшириш ва давлат томонидан назорат ҳамда ҳисботи юритилиши олиб борилмаслигини, шу билан бирга иқтисодиётнинг кузатиб бўлмас ва норасмий қисмидир.

Мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб бориши, ўз навбатида, ҳудудда яратилган миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимланишида тенгсизликни келтириб чиқаради. Аҳоли даромадларининг тұғри тақсимланмаслиги, жамиятда ижтимоий мухитнинг ёмонлашуви, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш механизmlарининг кучсизланишига олиб келади. Жамиятда жиноий характердаги фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб беради. Мамлакатнинг инвестицион мухитига салбий таъсир кўрсатади.

Ууман айтганда, “хуфиёна иқтисодиёт”нинг кенгайиши аҳолининг сиёсий хокимииятга бўлган ишончини йўқотади. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга тўсқинлик қиласди. Хуфиёна иқтисодиёт замонавий жиной тизимларнинг шаклланишига моддий асос бўлади, сиёсий-иктисодий ўзгаришларга, инқироздан чиқиш, бозор муносабатларига асосланган давлатга айланишга тўсқинлик қиласди.

Хуфиёна иқтисодиёт, ўз навбатида, коррупцияни вужудга келтиради, коррупция эса “хуфиёна иқтисодиёт”нинг ривожланиши учун барча имкониятларни яратади.

Яъни, - бир томондан, “хуфиёна иқтисодиёт” давлат хокимияти ва бошқарувининг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шартшароитда ривожланади;

иккинчи томондан, “хуфиёна иқтисодиёт” сиёsat ва иқтисодиётнинг ўзаро хотиржам ҳолатда мавжуд бўлишини таъминловчи соҳалар билан коррупцияни муносабатларни шакллантиради;

учинчидан, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”ни қўзига кўринмасдан, ноқонуний равищда тижоратни олиб боришга мажбур этади;

тўртингчидан, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”нинг янги кўриниши ва соҳалар пайдо бўлишига замин яратади. Шу боис коррупцияга қарши курашиш “хуфиёна иқтисодиёт”га қарши кураш билан бирга олиб борилмаса, керакли самарани бермайди. “Тадқиқотлар натижасига кўра, “хуфиёна иқтисодиёт” вакиллари томонидан топиладиган фойданинг камида 40 фоизи бевосита ноқонуний характердаги муносабатларни сақлаб туришга йўналтирилади.

Мухтассар қилиб айтганда, мамлакатда “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг юкорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юкори даражада бўлишига замин яратади келади. Ууман, хуфиёна иқтисодиётнинг маълум бир давлат мисолида қанчалик даражада ривожланганлигини аниқ белгилаб бўлмайди. Ушбу ҳодисанинг мавжудлиги натижасида юзага келувчи бир қатор омиллар унинг тахминий даражасини мутахассислар иштирокида жаҳон мамлакатларида мавжуд бўлган “хуфиёна иқтисодиёт”нинг улушкини аниқлайди.

2. Дунё миқёсида яширин иқтисодиёнинг улуси ва Ўзбекистон иқтисодиётига яширин иқтисодиётнинг таъсири.

Ууман олганда, яширин (хуфиёна) иқтисодиёт тушинчаси жаҳон амалиётига XX-асрнинг 30-йилларидан ўрганила бошлади ва 1970-йиллардан унга жиддий эътибор қаратилди.

Яширин иқтисодиёт миқёси яширин иқтисодий айланма, яъни рухсат этилмаган товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш ҳажми билан белгиланади. Айланма хуфиёна бўлганидан унинг аниқ ҳисоб-китоби бўлмайди. Бунинг ўрнига уни тахминан баҳолаш усули қўлланилади.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўтган аср охирларида ер юзидағи яширин иқтисодий айланма 8 трлн. долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5% га тенг бўлган. Яширин иқтисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида

мавжуд. Бироқ яширин иқтисодиёт миқёси турли мамлакатларда турлича бирбиридан фарқланади.

Яширин иқтисодиёт энг ривожланган мамлакатларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради. 1999 йил Миср ва Нигерияда у ялпи ички маҳсулотнинг 70% га тенг бўлди. Яширин иқтисодиёт ҳиссаси энг кам бўлган мамлакат Осиёда Япония (1—2%), Фарбий Европада Швейцария ҳисобланади. МДҲ мамлакатларида Яширин иқтисодиёт даражаси ўртача. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, масалан АҚШ ва Италияда Яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси тегишлича 6,4 ва 11,4% ни ташкил этди (1997). Айрим ривожланган давлатларда йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 14-15 фоизи миқдорида яширин иқтисод оптималь ҳажм деб ҳисобланади.

Хозирги даврга келиб иқтисодиётининг глобаллашуви оқибатида Яширин иқтисодиёт миллий доирадан чиқиб халқаро даражага кўтарилиди. Яширин иқтисодиёт глобаллашуви бу бир мамлакатдаги Яширин иқтисодиёт бошқа мамлакатга кўчирилишида, ножӯя бизнес ишлари билан шуғулланувчи халқаро фирмаларнинг пайдо бўлишида кўринади. Бунга мисол қилиб халқаро наркобизнесни, яширин қурол савдосини, ишчи кучининг яширин миграциясини уюштиришни, оффшор зоналар орқали ғайри қонуний йўллар билан топилган пулни «ҳалоллаб» олиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Булар халқаро ҳамжамиятга катта хатар тугдиради. Пулни чет мамлакатга яширин чиқариб «ҳалоллаб» олишга қарши кураш мақсадларида халқаро ҳамжамият маҳсус ташкилот - Халқаро молиявий ҳаракатлар гуруҳини ташкил этган.

Ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ижобий тарафлари ҳам кузатилган. Масалан, Европа мамлакатларида турғунлик, кризис пайтида иш ўринлари қисқарган шароитда ходимлар норасмий секторларда вақтинча ишлаб турганлар. Бу эса ушбу ишсиз қолган ходимларни оч қолиш ва қийинчилекларга дуч келишдан сақлаб қолган.


Гарб эксперталарининг таъкидлашича, мамлакат ЯИМ нинг 40-50 %ини “хуфиёна иқтисодиёт” ташкил этган ҳолат хавфли “бўсаға” ҳисобланади”. Миллий иқтисодий тизими ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатлар ўзини жуда оғир ҳолатга тушган, деб ҳисобланади. Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасини қўйидаги омиллар белгилайди:

- солиқ солишининг оғирлиги;
- олинадиган даромад миқдори;
- иш вақтининг узунлиги;
- ишсизлик миқёси;
- давлат секторининг роли.

Мутахассисларнинг фикрича, солиқ ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33% бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда хуфиёна иқтисодиётнинг ўртача даражаси 17,2 фоизни ташкил қиласди. Аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда фарқ қиласди. Масалан, энг паст кўрсаткич АҚШда 7,4 фоиз, Хитойда 10,1 фоиз, Россияда 39,3 фоиз бўлиб, бу борада энг юқори кўрсаткич Озарбайжонда 56,7 фоизни ташкил этади.

Қўйидаги 1-расм маълумотлари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида хуфиёна иқтисодиёт кўламишининг қай даражада эканлигини кўришимиз мумкин.




1-расм. Дунёнинг айrim мамлакатларида хуфиёна иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улуши ўзгариш динамикаси² (фоизда).

Юқоридаги расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, хуфиёна иқтисодиёт улуши энг паст кўрсаткич АҚШга тўғри келмоқда, яъни ҳозирги вақтда 7,42 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолатни АҚШда қонун устуворлиги таъминланганлиги, солик тўловчиларнинг маданияти яхши ривожланганлиги ҳамда барча солик тўловчилар умумдекларация асосида даромадлари ва харажатларини ошкорлаштириш механизми таъминланганлиги билан асослаш мумкин. Энг юқори кўрсаткич Озарбайжон давлатига тўғри келмоқда, яъни ЯИМга нисбатан 56,72 фоизни, ушбу кўрсаткич келгусида янада ортиб боришини назарда тутилган. Ушбу ҳолат Озарбайжонда хуфиёна иқтисодиётга таъсир этувчи салбий омиллар ривожланганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилотининг тарракқиёт дастури (ПРООН)нинг таҳлилий маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан хуфиёна иқтисодиёт улуши дунё бўйича ўртача 17,2% ташкил этган бир пайтда, мазкур кўрсаткич МДҲ давлатлари Украинада 44,8 %, Тожикистонда 43 %, Қозогистонда 38,9%, Россияда 38,4 %, Қирғизистонда 37,9 % ташкил этади.

² www.accaglobal.com Future shadow economy - ACCA Global. pi-shadow-economy.pdf



Ҳар иккала манба маълумотлари бўйича таққосмагандага ҳам Ўзбекистон яширин иқтисодиёт кўрсаткичи 48,7 фоизни ташкил этади.

Соҳалар кесимида кўриб чиқилса, мазкур кўрсаткич савдо ва транспорт воситаларини таъмирлаш соҳасида 75%, қурилиш соҳасида 50%, ишлаб чиқариш соҳасида 45%, балиқчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 40%, транспортда ташиш ва сақлаш 21% ва хизматлар соҳасида 30 %ни ташкил этади.



Хуфиёна иқтисодиётнинг тармоқлар кесимида улуси, %да

Мазкур соҳаларнинг назоратини кучайтириш, уларга нисбатан таъсирчан чораларни кўриш, хуфиёна иқтисодиёт улушкини қисқартириш мақсадида назорат органларининг, шу жумладан, давлат солиқ хизмати органларининг тузилмаси ҳамда уларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

3. Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.

Бутун дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жаҳондаги барча мамлакатларда маълум даражада коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт мавжуд.

Дунё тажрибаси бу иллатни камайтириш мумкинлигини, бироқ уни бутунлай йўқ кила олмаслигини кўрсатмоқда. Шунга қарамай, айrim давлатлар хуфиёна иқтисодиётнинг улушкини камайтиришда ижобий натижаларга эришган.

Бунда улар, асосан, нақд пул муомаласидан максимал даражада воз кечиш, иқтисодиётда электрон ёки нақд пулсиз тўловлар тизимини жорий этиш орқали ижобий натижаларга эришганлар. Кўплаб мамлакатларда электрон тўловларни рафбатлантиришга қаратилган бир қатор чоралар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг улуси ва таъсирини минимал даражада камайтиришга эришилган. Бу эса оддий аҳоли турмуш даражаси юқори даражада бўлишига замин яратган.

Аввало, яширин иқтисодиёт билан шуғулланадиган тадбиркорларни астасекинлик билан қонуний белгиланган тартибда қонуний ишлашга ўргатиш лозим бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланган ва ўз даромадларини яширган барча тадбиркорлик субъектларига амнистия қўллаш, яъни белгиланган амнистия муддати ичida тадбиркорлар ўз даромадларини хеч қандай тўсиқсиз ва ортиқча текширувларсиз қайд этиб, легаллаштиришлари ҳамда фаолиятларини давом эттиришлари учун қонуний чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори билан:

2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 63 та фаолият турлари рўйхати тасдиқланди;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланди;

2020 йил 1 июлдан бошлаб, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиъ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди;

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлаш ва ундан келиб чиқсан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланиши;

ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласвий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлаш белгиланди.

Ўзбекистонда валюта қора бозорини йўқ қилиш учун ноқонуний валюта қора бозорларини қонунийлаштирган ҳолда белгиланган интерваллар доирасида бозор нархларида савдо қилувчи валюта айирбошлиш шохобчаларини ташкил қилиш лозим. Нақд хорижий валютани бемалол расмий солиқ тўлаб фаолият юритадиган хусусий шохобчаларда алмаштириш имконини бериш керак.

Давлат томонидан нақд пулсиз савдо қилаётган тадбиркорларга имтиёз преференциялар бериш орқали қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини янада таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, ривожланган давлатларда бугунги кунга келиб нақд пул муомаласи максимал даражада қисқартирилган, барча пул айланиши банк орқали амалга оширилиши давлат иқтисодиётининг ривожланишига олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш, хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги **“Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармони билан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб 45 та фаолият бўйича лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг бекор қилинди;

26 фаолият турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилинди;

23 та фаолият турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинди;

14 та лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

47 та лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш белгиланди.

Шунингдек 2021 йил 1 январдан бошлаб, туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш ихтиёрий этиб белгиланди;

кредит бюrolари фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби;

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан уларнинг худди шундай фаолият билан шуғулланувчи филиаллари ташкил этилганда ҳар бир филиал манзилини асосий лицензияда

кўрсатиш амалиётини жорий қилиш орқали филиалларга алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби бекор қилинди.

Қайд этиш жлизки, мамлакатимизда кейинги икки йил давомида яширин иқтисодиётнинг таъсирини камайтириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 23 та моддадан иборат бўлиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Шунингдек, қонунда коррупцияга оид тушунчаларга изоҳ берилиб:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилиши қайд этилган.

Қонуннинг 4-моддасида, коррупцияга қарши курашишнинг асосий ринциплари белгиланган бўлиб улар қонунийлик, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидан иборат.

Қонунда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб қўйидагилар белгиланган:

аҳолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Қонунинг 26-моддасида, давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти белгиланган бўлиб, унга қўра Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек Қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари ҳам белгиланиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига қўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин. Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўз навбатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади (28-модда). Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шунингдек 2018 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасинин “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва унда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши белгиланди

Бундан ташқари, коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида “Коррупцияга қарши кураш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси” ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари этиб, барча қонун ва қонуности ҳужжатларида коррупция аломатлари мавжуд бўлган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рӯёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди ва коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши;

ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдорлиги;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши директор томонидан бошқарилиши белгиланди.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усувлар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг

олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чоратадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда “Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Қарорда белгиланган тадбирларда қуйидаги устувор вазифаларни ҳаётга жорий этилиши назарда тутилди:

-иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

-иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш;

-иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш;

- банк хизматларининг оммаболлигини ошириш;
- «яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;
- ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш;
- «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид **давлат дастурида**, Коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

Шунингдек, Яширин иқтисодиёт»нинг улушини қисқартириш чоратадбирларини амалга ошириш мақсадида норматив-хукукий хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳаларда:

хорижий мутахассислар иштирокида «яширин иқтисодиёт»нинг вужудга келиш омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқиш;

якка тартибдаги тадбиркорлар ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини ишлаб чиқиш;

интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш;

«Э-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, импорт қилинадиган товарлар бўйича электрон шаклда ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш;

импорт қилинган озиқ-овқатлар, маъданли ва газланган сувлар, таркибида алкоголь бўлмаган бошқа ичимликларни мажбурий маркировка қилишни босқичма-босқич жорий этиш;

солиқ органларида маркировка қилиш мажбурий бўлган товарларни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш;

ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолиятини тартиба солишни янада такомиллаштириш, уларни солиққа тортиш, иш стажини ҳисобга олиш ва фаолият юритиш тартибини соддалаштириш;

савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан ишлатилаётган турли дастурий маҳсулотларни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказига интеграция қилиш;

банкоматлар орқали нақд пул маблағини банк пластик карталари ёки банк ҳисоб рақамларига ўтказиш имкониятини яратиш;

мазкур карта ва ҳисоб-рақамлар эгаларига амалга оширилган операция қийматининг маълум миқдорида бонуслар тақдим этиш тартибини жорий этиш назарда тутилиши белгиланди.

4. Солиқ соҳасида яширин иқтисодиётнинг олдини олиш йўллари.

Маълумки, солиқ соҳасида ҳукуқбузарлик содир этишга қасд - реал хўжалик фаолиятига тақлид қилиб, бузилган, сунъий, ёлғон шартномавий муносабатларни тузишга қаратилган ҳаракатлар мажмуй ҳисобланди. Солиқ ҳукуқбузарлиги, уни содир етган шахс ўз ҳаракатларининг ноқонуний хусусиятидан хабардор бўлган, бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг заарли оқибатлари содир етилишини билган ёки атайлаб йўл қўйган бўлса, қасдан содир этилган ҳисобланади.

Бундай ҳолатларнинг қасдан содир этилганлигини аниқлаш учун бевосита далиллар бўлиши лозим ва бу қўйидагиларни ўз ичига олади:

- гувоҳларнинг кўрсатмаси;
- шахснинг ҳақиқий ниятларини очиб берувчи мусодара қилинган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларни амалга ошириш (“кора бухгалтерия ҳисоби” нинг ёзувлари, ҳужжатлари ёки файллари);
- видео ва аудио ёзувлар;
- телефон ва бошқа сұхбатларни тинглаш натижалари.

Лекин бундай ниятни бевосита далилларсиз исботлаш жуда қийин.

1. Сохта операциялар (солиқларни оптималлаштириш схемалари орқали бир кунлик фирмаларни аниқлаш).

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг классик схемаси – сотиб олинган товарлар ёки хизматлар қийматини ошириш мақсадида - ҳаражатлар қисмини ошириб кўрсатиш ёки даромад қисмини яшириш мақсадида, яъни товарлар паст нархларда сотилишини камраб олиш ва унинг контрагентлари ноқонуний солиқ енгилликларни, яъни солиқларни кам тўлаган ҳолда ўз манфаати учун кўпроқ даромад олишга қаратилган сохта ҳужжат оқимини яратганлигини исботлаши керак.

Бунинг учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлашда солиқ органлари **сохта битимларни** исботлашлари лозим. Бунда:

а) кохона раҳбарларини, товарлар (ишлар, хизматлар) ижроси ва қабул қилиш учун масъул шахсларни, шунингдек солиқ тўловчи ташкилотнинг бухгалтерлари ва унинг пурратчиларини шубҳали шартнома тузиш ва ижро ҳолатларни ҳақида суриштириш;

б) шубҳали молиявий-хўжалик операцияларини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларни, шу жумладан ихтиёрий ҳужжатларни (ёзишмалар, аризалар, йиғилиш баённомалари, омбор дафтарлари, кириш ва чиқиш журналлари, ўтиш қайдномалари ва бошқаларни) таҳлил қилиш;

в) ҳужжатларни таҳлил қилиш ва номувофиқликларни топиш учун маълумотларни таққослаш, масалан: шартномада (ёки унинг иловаларида)

товарлар донабай миқдор бирлигидә берилиб, ҳисобварақ-фактура ва фактураларда эса-тоннада күрсатилиши мумкин. Шунингдек, зарур бўлса, қўл ёзувини экспертизасини амалга оширишни тайинлаши мумкин, асосий бухгалтерия хужжатлар ҳақиқийлигини текшириш;

г) солик тўловчининг контрагентлари орасида хавф гуруҳига мансуб ташкилотлар (бир қунлик фирмалар, аффилланган ташкилотлар) аниқланса, улар ушбу ташкилотларни солик тўловчининг мансабдор шахслари билан боғлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

д) хорижий ҳамкорлар мансублиги исбот қилинган тақдирда, Ўзбекистонда хорижий компаниялар манфаатларини ифодаловчи шахслар ҳақида маълумотларни текшириш, сохта ёки йўқ номзод директорлар борлигини аниқлаш ва банкдан хорижий ҳамкорлар операциялари ҳақида маълумотни талаб қилишлари лозим. Барча схема якуний бенефициар ва битимларнинг ҳақиқий мақсадини аниқлашга қаратилган бўлиши керак.

е) бир қунлик фирмаларнинг муҳрлари, аффилланган ташкилотлар бланкалари, флешдисклар, серверлар, жетонлар, ротокин ва бошқаларни қидиришда биноларни (офисларни) кўздан кечиришни амалга ошириш;

ж) бир контрагентнинг (битта ходим) ўз шартномани бажариш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб товарлар харакатини ўрганиш (товарлар етказиб бериш учун) ва маҳсулот ишлаб чиқарувчини, ҳақиқий провайдер ёки хизмат кўрсатувчи пудратчини аниқлаш, омбор бор йўқлигини аниқлаш, ва товарлар харакатини ҳам ҳақиқий ҳолатини ва ҳам бухгалтерия ҳисботини таҳлил қилиш;

з) маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг етказиб бериш ҳажми ва ҳақиқий ишлаб чиқариш қувватини таҳлил қилиш лозим бўлади.

2. Махсус режимни қўллаш мақсадида бизнесни ажратиш (дробление).

Юқори молиявий натижаларга эриши учун қонун тадбиркорлар томонидан бизнесни ажратишни, бўлининини тақиқламайди – лекин, солик органлари бизнесни бўлишда, ажратишда бирор бир ғайирли ният борлигини исботлашлари лозим.

Бунинг учун солик тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш керак:

- корхона алоҳида-алоҳида бўлгандан сўнг бир хил турдаги фаолиятни амалга оширади, бир хил юридик манзилда жойлашган, бир хил бинолардан, ходимлардан фойдаланади, ягона моддий-техник базага эга, бир хил мижозлар, ягона ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган ягона комплексдан иборат бўлиши;

- бир киши томонидан солик ва бухгалтерия ҳисботларини юритиш, бир мижозга хизмат кўрсатиш;

- ташкилотлар ходимлари ўз иш вазифаларига мувофиқ бир хил ишни бажариш, ходимлар бир хил логотипли кийимларда бўлиши мумкин;

- корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бухгалтерия хужжатлари ва хужжатларини биргаликда сақлайдилар ва ягона ЙР-манзилдан фойдаланадилар;

- бир хил банкларда бир хил шахслар томонидан очилган компанияларнинг жорий ҳисобварақлари;

- инвентаризацияни бошқариш учун ягона таъминот менежери жавобгарлиги;

- ўзаро боғлиқ шахслар гурухи корхоналаридан бирида олинган даромад “соддалашибтирилган” чегарага яқинлашса, мижозлар билан шартномалар бекор қилинади ёки шу шартлар асосида бошқа бир-бирига боғлиқ корхона билан қўшимча шартномалар тузилади.

Солик тўлашдан бўйин товлашнинг бундай схемасини аниқлаш учун солик органлари компанияга текшириш билан келишлари кифоя.

3. Имтиёзли солик ставкаларини қўллаш.

Солик тўловчи даромадларни солик тўлашдан яшириш учун бино ва ускуналарни 0% миқдорида даромад солиги тўлайдиган маҳсус иқтисодий зона (МИЗ)нинг резидент- компаниясига ўтказилади. Шу билан бирга, солик тўловчи МИЗ резидентидан худди шу активларни ижарага олади. Натижада, солик тўловчи даромад солигини камайтирадиган харажатларга эга ва резидент-бенефициар солик тўламайдиган даромадга эга.

Солик тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш учун солик органлари ижара нархини таҳлил қилиб, юқорилиги аниқланса, билингки бу ерда даромадларни яшириш ҳолати ҳосил бўлади. Қолаверса, компанияларнинг ўзаро боғликлиги ва ҳаракатлар изчиллигини исботлаш мумкин бўлади.

4. Шартномаларни алмаштириш.

Амалиётда кўпинча олди-сотди шартномасининг ўрнини алмаштириш мавжуд бўлиб, у шароитга қараб комиссион битим сифатида, лизинг шартномаси сифатида ёки устав капиталидаги акцияларни сотиш шартномаси сифатида тақдим этилади. Аванс бўйича ҚҚСни олдини олиш мақсадида компаниялар кредит шартномасини тузадилар, товарлар жўнатилгандан сўнг эса қарз маблағлари тўлов ҳисобига олинади. Ёки контрагент билан комиссия шартномаларини тузадилар, гарчи улар аслида товарлар олди-сотдиси бўйича операцияларни амалга оширсалар ҳам.

Солик тўлашдан бўйин товлаши схемаси белгилари:

Комиссия шартномаси. Коммитент комиссия агенти томонидан товарнинг якуний сотилишига қадар ҚҚС ва даромад солигини тўламайди. Бу вазиятда солик, бирламчи ҳужжатлар ва битим шартлари таҳлил: комиссия агенти (agent) ҳисоботи, пул ўтказиш санаси, шартнома шартларини ўзгартириш, муайян муддатдан кечиктирмай тўлаш ҳақида шарти, қатъи назар, унинг амалга ошириш кисмларида товарлар учун тўлов ўтказиш шарти. Воситачилик шартномалари

бўйича комиссия агенти ҳисоботи (ёки агентнинг Агентлик шартномаси бўйича ҳисоботи) тузилиши керак.

Комиссия шартномаси Коммитентнинг зиммасида бажарилиши керак. Агар жорий ҳисоб-китоблар бўйича пул оқимларини таҳлил қилиш чоғида солиқ органлари мол-мулкни сотишдан олдин пул маблағларининг ўтказмасини топсалар, улар шартнома воситачилик муносабатларининг хуқуқий хусусиятига зид бўлган комиссия агенти ҳисобига бажарилади, деган холосага келадилар. Товар тўлаш шартининг шартномада маълум муддатдан кечиктирмай бўлиши ҳам воситачилик битими тушунчасига зид келади.

Лизинг шартномаси. Молиявий ижара шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича лизинг берувчи лизинг олевчи томонидан белгиланган мол-мулкка эгалик хуқуқини ўзи белгилаган сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олевчига бу мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Олди-сотди шартномалари лизинг шартномалари билан алмаштирилган ҳолларда, тўлов аслида узилишларда амалга оширилади ва лизинг тўловлари сифатида белгиланади.

Лизинг шартномасининг асосий фойдаси шундан иборатки, унинг қўлланилиши солиқ тўловчига тезлаштирилган амортизациядан фойдаланиш имконини беради, яъни асосий воситалар қиймати даромад солиғи харажатлари сифатида уч баробар тезроқ ҳисобдан чиқарилади.

Устав капиталидаги акцияларни сотиш бўйича келишув. Устав капиталидаги акцияларни сотиш ҚҚС билан боғлиқ эмас. Шунинг учун, ҚҚС тўлаш олдини олиш учун, солиқ тўловчилар баъзан устав капиталида бир улушини сотиш каби кўчмас мулк ёки ускуналар сотиш рўйхатдан. Масалан, “сотувчи” харидор билан мол сотишга рози бўлади. Бунинг учун, minimal устав капитали билан МЧЖ яратади, ва кейин кредит шартномаси орқали унинг устав капиталига катта ҳисса қўшади. Бу қарз пули билан янги ташкил етилган МЧЖ назорат остида солиқ тўловчи – “сотувчи”дан кўчмас мулк обьектини сотиб олади. Шундан сўнг харидор ушбу МЧЖда улушга эга бўлади. Бундай ҳолда улушни сотиб олиш бўйича битим кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш бўйича битимни қамраб олади.

З-мавзу. Мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг аҳамиятини ошириш масалалри.

Р Е Ж А

- 1. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг асосий йўналишлари.**
- 2. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни тартибга солишдаги асосий ўзгаришлар.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солик сиёсати бўйича ресурс соликлари маъмурчилиги йўналишида солик қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.**

1. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг асосий йўналишлари.

Жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги, улар кўпчилигининг қайта тикланмаслиги мавжуд табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш эвазига жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўликроқ қондиришга эришиш заруратини тақозо этади.

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни тўликроқ қондиришда ва республикамизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан бири шубҳасиз, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, нутқларида табиий ресурслардан, жумладан ер, сув, ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг нақадар аҳамиятли эканлиги кўп бора таъкидлаб ўтилиши, республикамизда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишнинг зарурлиги давлат сиёсати даражаси сифатида қаралишининг ёрқин ифодасидир. “Афсуски, кейинги пайтларгача бизда ер ости бойликлари, ер, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа табиий ресурслардан солик ундириш тамомила тан олинмай келинарди. Бунда корхоналарга табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш қонунлари билан ҳисоблашмасдан бебаҳо, ўрни тўлдирилмайдиган табиий бойликлардан ваҳшиёна фойдаланиш имкони берилар эдики, бу билан биз ўзимизнинг ҳақимизга ҳам, авлодларимизнинг ҳақига ҳам хиёнат қилиб келардик”³.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т .: Ўзбекистон, 1998. 360-361-бетлар.

Шундан келиб чиқсан ҳолда республикамиизда амалга оширилган солиқ тизимидағи ислохотларда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим иқтисодий механизми бўлган табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар жорий этилишига қаратилди. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг муҳим кўриниши, улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий этилган солиқлардир. Бундай солиқлар моҳиятига кўра табиий ресурс солиқлари сифатида эътироф этилиб, мамлакатимиз солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда уларга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашдаги муҳим устувор вазифалардан бири шубҳасиз, солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришdir. «Бу ўринда асосий юк табиий, минерал хом-ашё, ер-сув ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи ресурс солиқларига тушиши лозим»⁴. Республикализ солиқ тизимини такомиллаштиришда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларга кенг эътибор берилишининг нақадар ақамиятли эканлигини мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг юқорида қайд этилган фикрларидан ҳам кўриш мумкин.

Шу маънода республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш, уларнинг аҳамиятини ошириш масалаларига доир хулосаларни асослаш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни илмий жиҳатдан асослаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ сиёсати икки йўналишда амалга оширилади:

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун маҳсус солиқлар жорий этиш;
- имтиёзли солиққа тортиш ва солиқдан озод қилиш.

Мамлакатимиз солиқ тизимида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларга: ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ кабилар киради.

Жорий этилган маҳсус солиқлар орқали табиий ресурслардан фойдаланиш муайян даражада тартибга солинса, имтиёзли солиққа тортиш орқали эса хўжалик юритувчи субъектларнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари рағбатлантирилади. Шунингдек, айрим табиий ресурслардан меъёридан ортиқ фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чоралари ҳам белгиланган.

⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.

Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқларнинг жорий этилиши фискал аҳамият касб этиши билан биргаликда, ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда табиий ресурсларга бой ўлкамизда улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун маҳсус тўловларнинг мақбул тизимининг жорий этилиши, бир томондан табиий ресурсларни даврлар бўйича тенг тақсимлаган ҳолда улардан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурати билан ифодаланса, иккинчи томондан эса, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва сифат ҳолатини яхшилаш учун давлат харажатларини молиялаштириш зарурати билан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг умумий моҳияти бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги молиявий муносабатларида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлат бюджетига ресурслар жалб этиш, юридик ва жисмоний шахслар иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий воситаси ҳисобланади. Солиқлар ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади. Уларнинг манбаи миллий даромад ҳисобланаб, ишлаб чиқариш омиллари, яъни меҳнат, капитал ва табиий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш жараёнида янгидан яратилган қийматдан ундирилади. Солиқлар давлат томонидан ўзлаштирилиб, унинг мулкига айланади ва давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишда фойдаланилади.

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда мамлакат солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги кўплаб мамлакатлар тажрибаси ўзининг муайян экологик самарадорлигини кўрсатаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурс солиқлари бажарадиган вазифалар борасида ҳам турли фикрлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, табиий ресурс солиқлари экологик солиқлар сифатида, амал қилиш жараёнида икки вазифани:

биринчидан, табиий ресурслар баҳосига таъсир этиш орқали, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш;

иккинчидан, жамиятга етказилган экологик заарлар бутун жамият ҳисобидан эмас, балки жамиятга заар етказувчилар томонидан компенсация қилиниши лозимлиги таъкидланади⁵.

⁵ Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. Учебное пособие. –М.: ТЕИС, 1997. 206 стр.

Ушбу фикрлардан кўришимиз мумкинки, бу ерда табиий ресурс солиқлари бажариши лозим бўлган вазифаларга одилона, бозор қонун-қоидалари асосида ёндашилиб, уларнинг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш вазифаси ва фискал вазифаси эътироф этилган.

Қайд этганимиздек, табиий ресурс солиқларини жорий этишдан асосий мақсад, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат томонидан белгиланадиган иқтисодий механизминг таркибий қисми бўлган солиқ механизми алоҳида аҳамиятга эга. Давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқларнинг жорий этилиши натижасида товар баҳосига, яъни унинг таклифига таъсир кўрсатилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иложи борича табиий ресурслардан интенсив тарзда, самарали ва оқилона фойдаланиш эвазига ўзи ишлаб чиқарган товарга талаб ва таклиф мувозанатини сақлашга бўлган мойиллигини кучайтиради.

Шу ўринда қўйидаги фикрларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: “Ресурслар чекланганлигидан жамият ўз эҳтиёжини қондириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидан боради. Ресурслар камёб бўлар экан, уларни тобора кўпроқ ишлатиш орқали эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Шу сабабли жамият ресурсларни тежаб ишлатиш йўлига ўтади, ресурс бирлигидан кўпроқ маҳсулот олади, бунда ҳам моддий ҳам меҳнат ресурсларидан тежалади”⁶.

Юқорида қайд этилган фикрлардан ҳам кўришимиз мумкинки, жамиятда ресурслар чекланган экан, чексиз эҳтиёжларни қондиришнинг бирдан-бир воситаси улардан интенсив тарзда, тежамкорлик билан фойдаланишни талаб этади.

Солиқларнинг самарали механизмини шакллантиришнинг жаҳон амалиёти ва республиканизнинг мустақиллик йилларида бу борадаги тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда айтишимиз мумкинки, солиқ сиёсати айни пайтда эгилувчан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монанд бўлиши лозим. Акс ҳолда солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларининг уйғунлашишига эмас, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омилга айланиши мумкин.

Шунингдек, бу эса ўз навбатида давлатнинг ўз олдига қўйган вазифаларини тўлиқ бажаришига имкон бермайди. Натижада ҳар икки томон манфаатлари ҳам қаноатланмайди. Шунинг учун бошқа тизимлар каби солиқ тизими ҳам

⁶ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Меҳнат, 1995. 44-45 бетлар.

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мутаносиб ҳолда такомиллашиб бориши ва бу жараёнда уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон фармони ер участкалари ва мол-мулкни солиқقا тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган дача, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш хуқуки бериладиган бўлди.

Шунингдек, 2021 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, фармон билан, 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари маъқулланди:

дехқон хўжаликлари ва мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер солиғини ҳисоблашда ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ўрнатилганидек белгилаган ҳолда,

жойлашган жой ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экин турлари коэффициентлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш;

барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкаларини юридик шахслардан олинадиган ер солиғи учун солиқ солиш объектидан чиқариш;

тегишли сувни ҳисоблаш ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида агрегатларни (турбиналарни) совутиш учун сувдан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиққа тортиш базасини табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб ташланган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб ҳисоблаш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йил даражасида сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни кўпайтириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисмida эса, шу жумладан деҳқон хўжаликларига 1 куб метр учун 40 сўм миқдорида ягона солиқ ставкасини белгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда турли мақсадларда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартибини киритиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишида тақдим этиш тартибини белгилаш.

Солиқ юкини камайтириш мақсадида, 2021 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонасига дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун тўлов миқдори шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизидан 0,1 фоизига туширилиши;

норуда фойдали қазилмалари конларини ўзлаштириш ва уларнинг самарали қазиб олинишини таъминлаш мақсадида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиши белгиланди.

Булардан ташқари, фармон билан фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ

йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшайдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун Давлат солиқ қўмитасига зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирликлари доирасида З штат бирлигигача маркшайдерларни жалб қилиш;

давлат солиқ хизмати органларига ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишда бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни чақириб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташаббус билан чиқиш ваколати берилди.

Фармонда белгиланган муҳим янгиликлардан яна бири, мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этилишининг белгиланганлигидир.

Унга мувофиқ, кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими қўйидаги икки босқичда жорий этиш:

биринчи босқичда (2021 — 2023 йиллар) — кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ховли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан;

иккинчи босқичда (2022 — 2024 йиллар) — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамас, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитага, зарурат туғилганда хорижий экспертларнинг хизматига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда уларни жалб қилиш орқали;

- кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитлар жалб қилишни;

-2021 йил 1 апрелга қадар халқаро молия институтлари эксперталари билан биргалиқда кўчмас мулк объектларига солиқ солишини янада такомиллаштириш бўйича ер солиги ва мол-мулк солишини ўрнига кўчмас мулк солишини киритишни назарда тутувчи «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- кўчмас мулк объектининг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ёки жисмоний шахс эгалигига бўлиши эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва объектнинг фойдаланиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда солиқ солишини тартиби бирхиллаштирилиши ва ер солиги бўйича адвалор ставкаларни киритишни;

шу билан бирга белгиланган тартибда қуйидаги лойиҳалар киритилишини:

2021 йил 1 августга қадар - кадастр қийматини максимал даражада бозор баҳосига яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турар жой фонди

кўчмас мулки объектларинг кадастр қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қуриш ва уй-жойга хизмат кўрсатиш объектлари билан банд бўлган ер участкаларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини киритиш бўйича;

2021 йил 1 ноябрга қадар — яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари ва ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор баҳосига максимал даражада яқинлаштирилган кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳаларини тайёрлаш;

2021 йил 1 декабрга қадар - фойдаланишга рухсат этилган ер участкалари турлари классификаторлари ва уларга бўлган ҳукуқларни тугатиш учун асосларни назарда тутувчи Ер кодексининг янги таҳрири лойиҳасини;

-2021-2022 йилларда республиканинг қуидаги «тажриба-синов» ҳудудларида ер участкаларидан фойдаланилишига ва капитал қурилиш объектларининг белгиланган мақсадига қараб кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилишини:

туар ва нотуар (тижорий) жойларга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани;

саноат объектлари — Навоий вилояти Навоий шаҳри;

рекреацион зоналар ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар объектлари — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган объектлар — Бухоро вилояти Ромитан тумани таъминлаш белгиланди.

Бунинг учун, 2021 — 2024 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблаг ажратиб бориш Молия вазирлигига юклатилди.

Шу билан бирга Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш, кўчмас мулк объектларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, фармонда, бюджет даромадларини барқарорлаштириш мақсадида, 2021 йил 1 июлига қадар илғор хорижий тажрибани ўргангандан ҳолда ўрмон хўжаликлари, балиқ овлаш хўжаликлари, овчилик хўжаликлари,

шунингдек, истироҳат боғларини соликқа тортиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасига юклатилди.

Президентимизнинг мазкур фармони билан айрим меъёрий хужжатларга жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4816-сон қарорига ўзгартириш киритилиб, унда балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳакиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдорида белгилашни 2020 йилдан қўллаш хуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-6061-сон фармони билан, ер майдонларининг ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилиб, Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- қўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш;

- геодезия ва картография соҳасида:

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

- давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, худудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

Шу билан бирга, фармон билан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланиши;

кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа қўрсаткичларини аниқлаш мақсадида унинг кадастр йиғмажилди тайёрланиши белгиланди.

Бундан ташқари Фармон билан, захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда - туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда - туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан тайёрланиши ҳамда ушбу харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қопланиши;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан ўрмон хўжаликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансда сакловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаҳодатланган кадастр мухандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидағи ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланиши;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириши;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилиши тартиблари белгиланди.

Шунингдек, Фармонда 2021 йил 1 январдан бошлаб:

ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилиши ва онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилиниши;

ер баланси ва унинг ҳисботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари факат Миллий геоахборот тизимида юритилиши;

Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилиши;

тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимиға фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши белгиланди.

Бундан ташқари фармонда, ер участкалариға бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қўчмас мулк обьектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалариға бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йифимни камайтириш бўйича ҳукumat қарори лойиҳасини вазирлар Маҳкамасига киритиш Кадастр агентлигига юклатилди.

2021 йил 1 январдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, суфориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилди.

Иқтисодий соҳадаги кенг кўламли ўзгаришлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни уларни ажратиши, уларнинг ҳисобини юритиш, назоратини амалга оширишнинг қулай имкониятларини яратади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солиқ сиёсати бўйича ресурс солиқлари маъмурчилиги йўналишида солик қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim Қонун хужжатларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги **ЎРҚ-659-сонли Қонуни** ресурс солиқлари маъмурчилиги йўналишида солик қонунчилигига қўйидаги ўзгартиришлар киритилди.

1. Ер солиғи бўйича, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллаган ерлар бўйича, шунингдек дехқон хўжаликлари учун соликни суфориладиган ва суфорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикаси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби бекор қилинди ва уларга

қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқиб тўлашга ўтказилди.

Солиқ кодексида юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ҳудудлар кесимида (мутлақ миқдорда) базавий солиқ ставкаси белгиланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкасининг аниқ миқдори қўйидаги тартибда аниқланади:

2021 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида (*юридик ва жисмоний шахсларнинг*) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиги ставкасига **0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиги ставкаларини белгилаши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса – Солиқ кодексида белгиланган ер солиги ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида **0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни киритиш хуқуқига эга.

Бунда, белгиланган ер солиги ставкасига туман депутатлар Кенгашлари томонидан **солиқ юкуни кескин ошишини олдини олиш мақсадида 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентини биринчи йилларда қўллаш мақсадга мувофиқ. **Алоҳида жойлар** ва республиканинг **туристик зоналаридаги** алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган **1 гектардан ортиқ** ер участкаларига **нисбатан 3,0 гача оширувчи** коэффициент қўлланилиши мумкин (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ- 6027- сонли Фармони*).

Шунингдек, **жисмоний шахсларнинг** ер майдонлари учун олинадиган **ер солиги** (якка тартибдаги тадбиркорлар ва туристик зоналарда жойлашган ер участкаларидан ташқари) **суммаси** 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги** белгиланган.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида ер участкаларига, шунингдек туристик зоналарда жойлашган жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкасига ер солигини 3 бараваргача миқдорда оширувчи ставкасини белгилаш хуқуқига эга.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ёр участкалари жойлашган жойдаги **солиқ органларига** солиқ ставкаларини жорий солиқ даврининг **31 декабрига қадар** тақдим этадилар.

Солиқ кодексида **юридик шахслар** бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлари учун **базавий солиқ ставкаси, республика худудлари кесимида 1 гектар** учун мутлақ миқдори қуидагича белгиланди:

Республика худудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда
Тошкент шаҳри:	
1 зона	208,2
2 зона	166,5
3 зона	124,9
4 зона	83,3
5 зона	41,6
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навоий вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

Солиқ кодексида **жисмоний шахслар** бўйича **республика худудлари кесимида** базавий солиқ ставкалари мутлоқ миқдорда **1 кв.м.** учун, дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ташқари қуидаги миқдорларда белгиланади:

Республика худудлари	1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси, сўмда
-----------------------------	---

Тошкент шаҳри:	
1 зона	1193,6
2 зона	1013,2
3 зона	832,6
4 зона	652,3
5 зона	471,8
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0
Навоий вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Юридик шахслар учун қуидагилар эгаллаган ер қисми бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди:

туристик зоналарда жойлашган, санаторий-курорт объектлари;

оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун ер солигининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ер солигини тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бўйича берилган солиқ имтиёzlари бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш технологияларни киритиш ҳисобига кенгайтирилмоқда. 2021 йилнинг 1 январигача фақатгина томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланаётган солиқ тўловчилар солиқ имтиёзидан фойдаланиши мумкин эди.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа (шу жумладан томчилатиб) технологияларини жорий этилган ерлар – сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилмоқда. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органининг хulosаси асосида берилади.

Агарда, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

Қонунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир кўрсатиш чоралари назарда тутилиши мумкин бўлган ва солиқ имтиёzlари татбиқ этилмайдиган обьектлар жумласига самарали фойдаланилмаётган, балиқ қўпайтириш (етиштириш) учун мўлжалланган сунъий сув ҳавзаларини киритиш билан ер участкалари рўйхати кенгайтирилмоқда. Бу ер участкаларига ер солиғи бўйича солиқ имтиёzlари қўлланилмайди.

2. Мол мулк солиғи бўйича, Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган обьектларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 дан 0,4 фоизга оширилди.

Жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари 1,15 бараварига индексация қилинди. Бунда, 2021 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ суммаси, 2020 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан кўп оширилмаслиги белгиланди.

Туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт обьектлари бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди.

Бунда, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт обьектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Кўп квартирали уйларига бевосита узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнининг мол-мулкига солинадиган солиқ обьектига киритилди. Бундай обьект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасида солиққа тортилиши белгиланди

3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича, Солиқ ставкалари 15 фоизга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 30 фоизга индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексида белгиланмоқда.

Бунда, солиқ ставкалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинди. қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 1 куб.м. учун 40 сўм миқдорида белгиланди.

Белгилangan лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб метр учун қуидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар ва солиқ солиш обьекти	1 куб метр учун солиқ ставкаси, сўмда:	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2–бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	70	90
4.	қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари	40	40
5.	автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	1 990	1 990
6.	пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25 185

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ ётиштириш (ўстириш), шу жумладан дехқон хўжаликлирида сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда, солиқ ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади.

Солиқ кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари солиқ солиш обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжаликларида сувдан фойдаланувчи шахслар учун солик базасини аниқлаш тартиби қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартирилмоқда. Хусусан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили:

жорий солик даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга солик базасини аниқлаш учун;

дехқон хўжаликлари бўйича соликни ҳисоблаш учун - солик органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этши белгиланди.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари солик базасини табиий ва сунъий сув объектларидан олинган ва ушбу сув объектларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солик тўловчилар солик базасини табиий сув объектларидан маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув объектларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатнома мавжуд бўлганда қўлланилади.

Солик солиш обьекти ва (ёки) солик ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солик тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва тегишли солик ставкалари бўйича солик тўлаш тартиби киритилмоқда.

4. Ер қаъридан фойдаланганик учун солик бўйича киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Ер қаъридан фойдаланганик учун соликни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Кўйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдорида, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солик ставкаси белгиланмоқда:

қурилиш қумлари (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 8 500 сўм бўлган*);

қум-шағал аралашмаси (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўм бўлган*);

қумтошлар (5 фоиз), қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари) (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган);

қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари) (2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган).

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда	
	2020 йилда	2021 йилда
Қурилиш қумлари	5%, бироқ 8 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қум-шагал аралашмаси	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Кумтошлар	5 фоиз	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган

Масалан: Тошкент вилояти Чиноз туманида фаолият кўрсатаётган хусусий корхнаси томонидан 2020 йилда 40 154 куб.метр “Қурилиш қумлари” қазиб олган ва 8 500 сўм солиқ ставкасида 341,3 млн.сўм солиқ тўлаган бўлса, 2021 йилда ҳам шу миқдорда “Қурилиш қумлари” қазиб олганда, солиқ ставкаларини унификация қилиниши натижасида (солиқ ставкаси 7 500 сўм) 301,2 млн.сўм солиқ тўлайди ёки 40,1 млн.сўм кам солиқ тўлайди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин, қумуш, палладий ва мис бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорда белгиланди.

Бошқа фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкалари 2020 йил даражасида саклаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга

оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон фармони билан тасдиқланган ДАВЛАТ ДАСТУРИ”нинг 3.3. бўлими “**Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш**” деб номланиб унда ресурс солқлари маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қуидаги тадбирлар белгиланди

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни хисоблаш маъмурчилигини такомиллаштириш;

Мазкур йўналишда, маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш;

алоҳида турдаги маҳсулотларнинг қонуний айланмасини таъминлаш механизмини тубдан такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш ҳажмини, омборлардаги қолдиқларни ва маҳсулот реал вақт режимида жўнатилишини назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

товарлар ва хизматлар турлари бўйича ягона таснифлаш тизимини жорий этиш.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машгулот мақсади тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машгулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машгулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

1-амалий машғулот:

2020 йил бюджет солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг натижадорлиги ва 2021 йил солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг моҳияти

Режа

- 1. 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари**
- 2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.**
- 3. 2021 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг моҳияти.**

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, инвестиция фаолияти, солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсатини хуқуқий асослари, давлат солиқ сиёсати, иқтисодий самарадорлик, давлат бюджети, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат бюджети даромадлари, Давлат бюджети харажатлари

1. 2021 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солик юкини камайтириш ва соликка тортиш тизимини соддалаштириш билан боғлиқ асосий чора-тадбирлар мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”да белгиланди. Унга мувофиқ, мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишда қўйидагилар устувор йўналишлар қилиб белгиланди.

- солик конунчилигини максимал даражада соддалаштириш, қонун ҳужжатлардаги карама-қаршиликлар ва тўқнашувларни бартараф этиш, ҳалол солик тўловчилар ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни қучайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг меъёрий ҳужжатларининг бевосита таъсирини белгилаш, соликқа тортиш масалаларини белгиловчи барча меъёрий-хукуқий ҳужжатларни бекор қилиш, шунингдек солик қонунчилигидаги ҳар кандай ўзгаришнинг фақат кейинги йилдан бошлаб кучга кириши кўзда тутилган нормаларни белгилаш;

- тадбиркорлик субъектларига солик юкини камайтириш, йирик ва кичик бизнес ўртасида солик юки даражасидаги номутаносибликтини бартараф этиш;

- кичик бизпес субъектларини соликқа тортиш тизимини уларнинг фаолияти кенгайтирилишига тўсқинлик қилувчи, бизнесининг парчаланиши ва ишчиларининг ҳаққий сонини яширишга олиб келувчи омилларни бартараф этиш мақсадида тубдан ислоҳ қилиш;

- хукуқий кафолатларини кучайтириш ва алоҳида солик ва божхона имтиёзларининг қатъий тақиқланишини таъминлайдиган механизmlарни жорий қилиш, қулай рақобат муҳитини таъминлаш;

- ўхшаш соликқа тортиш базасига эга бўлган соликларни бирлаштириш ва бирхиллаштириш орқали соликлар ҳажмларини оптималлаштириш, шунингдек солик ҳисботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион ҳаражатларни минималлаштириш;

- солик тўловчилар томонидан соликлар ва бошка мажбурий тўловларни иҳтиёрий равишда тўлашни раҳбатлантирувчи механизmlарни яратиш ва жорий қилиш ва шу оркали ҳуфиёна оборотини кисқартириш. солик ва бошка мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш каби омилларни олдини олиш;

- солик назорати шакллари ва механизmlарини такомиллаштириш, шу жумладан замонавий аҳборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ камраб оладиган, ва энг аввало, давлат органлари ўртасида ўзаро таъсир ва маълумот алмашишни кучайтириш, йирик маълумотларни ишлаш технологияларини такомиллаштириш ҳисобига амалга ошириш;

- соликқа тортиш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг саводхонлигини ошириш, кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ва қонунчиликни тарғибот қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ўрта муддатли солик режалаштиришга ўтиш, солик қонунчилиги баркарорлиги кафолатларини кучайтириш ва республикамизнинг инвостицион жозибадорлигини юксалтириш.

Таъкидлаш жоизки, концепцияда белгиланган ҳам бир табдир ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, улар ижросини таъминлаш таъминлаш юзасидан солик қоунчилигига кириталадиган ҳар бир ўзгартириш туб маънода мамлакатимиз солик сиёсатидаги ислоҳотлар мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат

бюджети тўғрисида”ги Қонунлари Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатимизнинг 2020 йилги асосий йўналишларини белгилаб берди.

Унга мувофиқ, халқаро талабларга жавоб берадиган солик маъмурчилигининг барқарор солик тизими жорий этилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолиятини кафолатловчи ҳуқуқий меъёрлар белгиланди, солик конунчилигини максимал даражада соддалаштирилди, солик юкини камайтирилди, соликлар ҳажми оптималлаштирилди, солик ҳисботлари қисқартириб, максимал даражади соддалаштирилиб, операцион харажатлар минималлаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлик муносабатларни тартибга солиниб, жорий (2020) йилда бюджет жараёни иштирокчилари ўртасидаги бюджет ваколатлари тақсимланди.

Мазкур қонунда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни тасдиқлаш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини тасдиқлаш ва республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини тасдиқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозини маъқуллаш ва туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш:

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг муҳим жиҳатларидан яна бири 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлариҳамда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий қўрсаткичлари прогнози ва 2021-2022 йилларга мақсадли мўлжаллари қонун билан белгиланди.

Унга мувофиқ, 2020 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2019 йилга нисбатан 5,5 фоизни ташкил этиши.

Ўз навбатида, кейинги 2021 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2020 йилга нисбатан 5,8 фоизни ва 2022 йил учун ялпи ички маҳсулот ҳажми 653 546 млрд.сўм қилиб белгиланиб, унинг ўсиш сурати 2021 йилга нисбатан 6,2 фоизни ташкил этиши белгиланган.

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари таҳлилқилингандаги жорий йил учун Консолидациялашган бюджет даромадлари 158 960,1 млрд. сўмни, харажатлари эса 162 385,0 млрд.сўмни ташкил этади ва Консолидациялашган бюджет дефицити 3 424,9 млрд.сўмни ташкил этиши белгиланган.

Лекин 2020 йилда бутун дунёни ларзага келтирган тождор вирус инфекциясининг тарқалиши барча мамлакатлар иқтисодий ижтимоий ҳаётини инқироз ҳолатига келтириб қўйди. Хусусан, йирик иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқишига, халқаро молия бозорларида хом ашё товарлар нархларининг кескин пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига сабаб бўлди

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг кескин тушиб кетиши олди олинди. 2020 йилда Республикамиз иқтисодиёти 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсиб, ЯИМ ҳажми 580,2 трлн. сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилда Давлат бюджети даромадлари 132,9 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 128,7 трлн. сўм прогноз 103,3 фоизга ёки 4 192 млрд сўмга ошириб бажарилиб, даромадлар 2019 йил маълумотлари билан солиштирилганда 20,8 трлн. сўмга ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон Фармонига асосан ташкил этилган Инқирозга қарши қурашиш жамғармаси харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4836-сонли қарорига асосан, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз оқибатларини инобатга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиниб, жамғарма харажатлари 13,4 трлн. сўм микдорида белгиланган ва 2020 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 12 827 млрд. сўм молиялаштириш ишлари амалга оширилган. шундан:

I. Коронавирусга қарши қурашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга - 3 962 млрд. сўм ажратилиб, ушбу маблағлар дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш ҳамда карантинда сақлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатларига йўналтирилган.

II. Карантин зоналарини ва коровирусни даволаш билан боғлиқ соғлиқни саклаш обьектларини қуриш, жиҳозлаш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ харажатлар учун 1 022,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди.

III. Ижтимоий ва инфратузилма обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 3 422,7 млрд. сўм маблағ ажратилди. Жумладан,

IV. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга 1 33,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди.

V. Корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2 484,9 млрд. сўм, шундан бюджет ссудалари – 1 464 млрд. сўм:

VI. Маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш ҳамда маҳаллий бюджетларга ссудалар учун 595,4 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди. Жумладан,

- Соликлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида маҳаллий бюджетларнинг йўқотишларини қоплаш учун 478,4 млрд. сўм;

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 117 млрд. сўм йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан жорий йилдан солик қонунчилигига киритилган ўзгартиришарда Солик қонунчилиги устуворлигини таъмилаш, маъмурчилигини такомиллаштириш, солик юкини камайтириш, соликларни ҳисоблаш ва тўлаш қоидаларини соддалаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, мазкур йўналишлар халқаро меъёрлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилди.

Давлат солик хизмати органларининг ҳамда солик тўловчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳам қайта кўриб чиқилиб, барча ҳукуқ ва мажбуриятлар битта қонун ҳужжатида мужассамлаштирилди ва солик органларининг инсофли солик тўловчилар олдидаги мажбуриятлари оширилди.

2. Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича киритилган ўзгартиришлар.

2020 йилдан бошлаб солик тизимиға киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, амалдаги **13 та** солик ва бошқа мажбурий тўловлар қайта кўриб чиқилиб, 2020 йилдан **9 та** соликнинг амал қилиши белгиланди ва ягона ижтимоий тўлов ўрнига - **ижтимоий солик**, ягона солик тўлови ўрнига – **айланмадан солик**, қатъий белгиланган солик ўрнига - **жисмоний шахсларнинг даромадлариға, қатъий белгиланган миқдорда солик** жорий этилди.

Шунингдек, Солик кодексидан **ягона ер солиги, давлат божи, божхона тўловлари** ва тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари бўйича қатъий белгиланган солик чиқарилди.

Кўйидагилар учун маҳсус солик режимлари бекор қилинди:

а) бозорлар учун, уларни умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтказган ҳолда. 2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солик тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига кўйидагиларни тўлайди:

умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) - юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солиғини;

айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлганда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

б) концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун, уларга жисмоний шахслардан даромад солиғини тўлашни киритган ҳолда.

Концерт-томуша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун айланмадан солиқ (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлганда) ёки умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан ошганда) киритилади.

Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш хуқуқи учун олинадиган давлат божининг миқдори деярли 4 баравар камайтирилди;

в) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, уларни умумбелгиланган солиқ тўлашга ёки айланмадан солиқ тўлашга ўтказиш билан. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг ноль ставкаси белгиланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғидан ва томчилатиб сугориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғидан имтиёзлар сақлаб қолинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашни ёки 2020 йилдан бошлаб ўртача 25 фоизгача пасайтириладиган қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш хуқуқи берилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида, ортиқча ундирилган солиқлар ёки молиявий санкциялар суммаларини, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда қайтариш билан бир қаторда, солиқ суммаларни қайтаришда ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқ органи томонидан **солиқ тўловчига фоиз тўлаш** тартиби жорий этилди.

Унга мувофиқ, солиқ тўловчи ортиқча тўлаган солиқ суммасини ҳисобга олиш ёки қайтариш тўғрисидаги аризасини, кўрсатилган ортиқча тўланган сумма тўланган кундан эътиборан **беш йил ичида** берилиши мумкинлиги, ортиқча тўланган солиқ суммаси, солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига биноан солиқ органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан **ўн беш кун ичида** қайтарилиши белгиланди.

Агар ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ тўловчига белгиланган **ўн беш кунлик муддатда** амалга оширилмаса, белгиланган муддатда қайтарилимаган сумма учун солиқ тўловчига қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланган ҳолда қайтарилади. Ҳисобланган

фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилинади.

*Масалан солиқ тўловчи ортиқча тўланган 100,0 млн.сўмни қайтариши учун 10 март куни ариза тақдим этди. Солиқ органи солиқ тўловчининг аризасини ўрганиб чиқиб, ортиқча тўланган солиқ суммасини 1 апрель куни қайтариб берди ва натижада қайтариш учун белгиланган муддат тахминан 6 кунга кечикди. Мазкур ҳолат бўйича, 2020 йил 1 март ҳолатига Марказий банкининг қайта молиялаштириши ставкасига 16 фоиз бўлган. Демак, кунлик ставка 0,044% (16/365) кечиктирилган кунлар учун пеня миқдори 264,0 (100.0*0.044%*6) минг, сўмни ташкил этади.*

Ортиқча ундирилган солиқ суммасига фоизлар солиқ тўловчи ундан солиқ ортиқча ундирилгани факти ўзига маълум бўлган кундан ёки суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан **ўттиз қун ичида** мурожаат этган тақдирда ҳисобланади. Бунда, фоизлар солиқ ундирилган кундан кейинги кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобга олинган (қайтарилган) кунга қадар ҳисобланади ва ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади. Фоиз ставкаси Марказий банкининг шу кунлардаги амал қилаётган қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда қабул қилинади.

Бир корхонанинг солиқ мажбуриятини бошқа бир солиқ тўловчи ҳисобидан бажариш тартиби бекор қилиш мақсадида, **солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш тартиби 2020 йилдан бекор қилинди**.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ кечикириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида, эндиликда республика бюджетига тўланадиган солиқларни тўлашни **кечикириш ёки бўлиб-бўлиб** тўлаш имконияти Давлат солиқ қўмитаси, божхона органларининг таклифи бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳаллий бюджетлар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилиши белгиланди.

Бунда, солиқларни бир вақтнинг ўзида тўлаш натижасида иқтисодий ноҷорлик (банкротлик) аломатлари юзага келиши хавфи бўлган, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш мавсумий бўлган ҳолларда солиқларни тўлашни кечикириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, қарздорлик суммасига Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланган ҳолда тақдим этилиши жорий қилинди.

Шунингдек, солиқ мажбурияти бажарилиши таъминотининг **мол-мулк гарови, банк кафолати ва кафиллик** қўринишидаги янги шакллари киритилди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ назорати шакллари қайта қўриб чиқилиб, солиқ органларига таҳликали-таҳлил асосида **камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувларини ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган** солиқ назоратини амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди.

Эндиликда солиқ текширувларини ўтказиш учун номзодлар инсон омилисиз, дастлаб камида 42 та мезонлар асосида таҳлика-таҳлил (Риск-анализ) дастури ёрдамида танланади.

Таҳлика-таҳлил асосида хўжалик субъектларини хавфлилик даражасига қараб З та сегментга (*яшил, сариқ ва қизил йўлакларга*) ажратади ҳамда камчиликлар аниқланган тақдирда, солиқ назоратининг янги камерал текширув, сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказилиши белгиланади.

Хавфлилик даражаси паст бўлган (*яшил йўлакча*) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юқори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади.

Бу гуруҳдаги корхоналар тоифасига қайсилар киради деган савол туғилиши табиий албатта?

Булар солиқ ҳисботларида ҳақиқий даромадларини кўрсатган ҳолда мажбуриятларини ўз муддатларида бажараётган субъектлардир.

Хавфлилик даражаси ўртacha бўлган (*сариқ йўлакча*) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳисботини тузатиш имкони берилади.

Бу тоифадаги корхоналарга солиқ ҳисбини юритишда хатоликларга йўл қўяётган ва солиқ маслаҳатига эҳтиёжи бўлганлар киради.

Хусусан: - **камерал солиқ текшируви**, солиқ тўловчининг ҳисботини солиқ органида мавжуд маълумотлар билан таққослаш натижасида аниқланган тафовутларга солиқ тўловчи солиқ ҳисботига тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши, бунда, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсиға солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилди.

Лекин камерал солиқ текшируви натижалари бўйича пеня ҳисбланиши ҳамдамолиявий санкциялар қўлланилмайди.

- **сайёр солиқ текширувида** солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиқсан ҳолда ўрганилиниади ва унинг мақсади фактларни қайд этишдан иборат бўлади.

Сайёр солиқ текширув натижалари бўйича қўшимча солиқлар ҳисбланимайди.

- **солиқ аудити** солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи юқори даражада бўлган солиқ тўловчиларда рисқ омилларини таҳлил қилиш асосида танланган солиқ тўловчиларда ўтказилади ва солиқ аудити натижаларига қўра қўшимча солиқлар ҳисбланиб, молиявий санкциялар қўлланилиниади.

1. Қўшилган қиймат солиги бўйича, тушум ҳажмидан қатъий назар алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шаҳобчалари ҳамда бозор ва савдо комплекслари қўшилган қиймат солигини тўловчилар тоифасига ўтказилди.

Солиқ кодексининг 246-моддасига киритилган ўзгартишлар билан халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва хукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинадиган товарларни (хизматларни), шу пайтгача агар қарз шартномасида уларни соликдан озод этиш назарда тутилган эди. Эндиликда

қарзлар ҳисобидан товарларни (хизматларни) олиб кирилаётганда солиқдан озод этилиши конунда назарда тутилган бўлса, солиқ имтиёзидан фойдаланилиши мумкинлиги белгиланди.

Кодекснинг 259-моддасига киритилган қўшимча билан, эндиликда товарларни (хизматларни) реализация килиш бўйича айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланадиган бўлди.

2. Акциз солиғи бўйича, Кодекснинг 283-моддасига киритилган ўзгартириш билан эндиликда акциз солиғи ставкалари Солиқ кодексида белгиланди ва унга мувофиқ, мазкур модда учта қўшимча моддалар билан тўлдирилди:

289-1-модда Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари

289-2-модда алкогол маҳсулотларига солиқ ставкала;

289-3-модда. Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир солиқ ставкалари.

Кодекснинг 284-моддага киритилган ўзгпртиришлар билан, ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташкари) маҳсулотлари акциз солиғи обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

3. Фойда солиғи бўйича, 2021 йил 1 январдан бошлаб Солиқ кодекси 306-моддаси бўйича, амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилиши белгиланди.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаши амалга оширилганда, амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун бундай қайта баҳолаш натижаси ҳисобга олинмайдиган бўлди.

Шу муносабат билан 306-модданинг тўртинчи қисмига амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилиши белгиланди.

Унга мувофиқ, амортизацияланадиган активларнинг бошланғич қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчи томонидан капитал кўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзариши;

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш максадида бошланғич қиймат ҳисобланиши.

2020 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, бундай қайта баҳолаш натижаси амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун ҳисобга олинмаслиги белгиланди.

Масалан, корхона 2014 йилда мебеллар тўпламини 1 150 000 сўмга харид қилган эди. Мазкур мебеллар тўпламининг 2020 йил 1 январь ҳолатига жамланган эскириш суммаси 862 500 сўмни ташкил қилган. 2020 йил 1 январь ҳолатига мазкур мебеллар тўплами қайта баҳоланиб, унинг тикланиш қиймати 1 476 261 сўмни ташкил этган ва ўз навбатида 2020 йил давомида 1 107 196 сўмга эскириш ҳисобланиб, 2021 йил январь ҳолатига мазкур мебеллар тўпламининг қолдиқ баҳоси 369065 сўмни ташкил этади ва ушбу мебеллар тўплами 2021 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳоланмайди.

Шунингдек, солик органлари томонидан олдинги ҳисобот даври асосида бўнак тўловларини ҳисобланиши сақланиб қолинган ҳолда солик тўловчи келгуси чоракнинг биринчи ойи **10 санасига қадар** жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқсан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солик органларига маълумотнома тақдим этиш хукуқи берилди.

Шу билан бирга, кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб курсатилган тақдирда солик органлари солик туловчилар томонидан тақдим этиладиган солик буйича бўнак туловлари суммаси тугрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритиш хукуқига эгалиги ҳам белгиланди.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича, Кодекснинг 365-моддасига киритилган ўзгартириш билан солиқни қатъий белгиланган микдорда тўлаш хошишини билдирган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқка тортиш обьекти бўлиб амалга оширилаётган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлар ҳисобланиши назарда тутилди. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Конунида назарда тутилган, қатъий белгиланган солик ставкалари кўлланилиши билан боғлиқ алоҳида нормалар Солик кодекснинг **383-моддаси** куйидаги таҳирда баён этилди:

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналарда ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги солик органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

I ёки II гурух ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган микдордаги солиқнинг **50 фоизини**, бирок базавий ҳисоблаш микдорининг **50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда** тўлайди;

Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва хунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация килишни амалга оширганида қатъий белгиланган микдордаги солиқни тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жихозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган микдордаги солиқни тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинган даромадларига **12 фоиз** микдорида солик солинади.

Халқ депутатлари туманлар ва шахарлар Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган микдордаги солик суммаларига фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга

ошириладиган турларининг мавсумийлиги қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилаш ҳукуқи берилди.

Кодекснинг 385-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофик, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахсларга алоҳида тоифадаги солиқни тўлаш бекор қилиниб, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ солиқ агенти томонидан хисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби белгиланди.

5. Ижтимоий солиқ бўйича, Кодекснинг 408-моддасига киритилган ўзгартиришлар билан, айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари қайта қўриб чиқилди ва унга мувофик, ушбу тиоифадаги ижтимоий солиқни тўловчилар қуидаги икки гурухга ажратилди:

- календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар ижтимоий солиқни тўловчилар;

- меҳнат стажи хисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган ижтимоий солиқни тўловчилар.

Календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар ижтимоий солиқни тўловчилар бўлар якка тартибдаги тадбиркорлар, улар билан меҳнат муносабатларида булган жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан утган оила аъзоси ва унинг оила аъзолари, кишлок туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган хунармандлар ҳисобланадилар ва улар ижтимоий солиқни қуидаги микдорларда тўлайдилар:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - **ойига базавий хисоблаш микдорининг бир бараваридан кам булмаган микдорда;**

якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида булган жисмоний шахслар томонидан (якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари) **ойига базавий хисоблаш микдорининг 50 фоизи микдорида;**

фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган холда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан утган оила аъзоси томонидан - **ойига базавий хисоблаш микдорининг бир бараваридан кам булмаган микдорда;**

оиланинг бошка аъзолари томонидан (бундан ун саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) - **ойига базавий хисоблаш микдорининг 50 фоизи микдорида;**

кишлок туманларида рўйхатдан утган ва фаолиятини амалга ошираётган «Хунарманд» уюшмаси аъзоси булган хунармандчилик фаолияти субъектлари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида ойига базавий хисоблаш микдорининг **50 фоизи микдорида** мажбурий тартибда тўланади.

Иккинчи гуруҳ ижтимоий солиқни тўловчилар бўлиб яъни меҳнат стажи хисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар қуидагилар ҳисобланадилар ва улар солиқни қуидаги микдорларда тўлайдилар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошка ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан йилига базавий хисоблаш миқдорининг камида **бир баравари миқдорида ихтиёрий тартибда**, куйидаги солиқ тўловчилар томонидан эса мажбурий тартибда тўланади:

«Уста-шогирд» мактаблари укувчилари - улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврда;

дехқон хўжаликлари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган дехқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришиётган жисмоний шахслар. Бунда дехқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошка аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тулайди;

Солиқни тўлаш куйидагича амалга оширилади:

солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар: якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, хар ойда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг **ўн бешинчи кунидан кечиктирмай**;

мехнат стажи ҳисобланиши учун ўзини-ўзи банд қилган шахслар томонидан ҳисбот йилининг 1 декабригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан холда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар: якка тартибдаги тадбиркорлар солиқни белгиланган солиқ ставкалари буйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган мехнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб, бироқ энг кам миқдоридан кам бўлмаган холда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлаш хуқуқи берилди.

6. Айланмадан олинадиган солиқ бўйича:

Айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, Кодекснинг 461-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, айланмадан олинадиган солиқ татбиқ этилмайдиган тўловчилар таркиби алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шоҳобчалари ҳамда бозор ва савдо комплекслари ҳисобига кенгйди, яъни улар учун мажбурий тартибда қўшилган қиймат солигини жорий этилди.

Шунингдек, айланмадан олинадиган солиқ бўйича асосий солиқ ставкалари сақлаб қолинган холда, риэлторлик хизматини кўрсатувчи шахсларга солиқ ставкаси **25 физдан 13 фоизга камайтирилди** ва жойлашаган жойидан қатъий назар, чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар **тамаки маҳсулотлари реализациясидан** товар айланмаси **бўйича 4 фоиз** миқдорида солиқ тўлашга ўтказилди.

7. Ер солиғи бўйича, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллаган ерлар бўйича, шунингдек дехқон хўжаликлари учун солиқни сугориладиган ва сугорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикиаси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби бекор қилинди ва уларга қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқиб тўлашга ўтказилди.

Солик кодексида юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун худудлар кесимида (мутлақ миқдорда) базавий солик ставкаси белгиланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солик ставкасининг аниқ миқдори қуидаги тартибда аниқланади:

2021 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солик кодекси билан белгиланадиган солик ставкалари асосида (*юридик ва жисмоний шахсларнинг*) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига **0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса – Солик кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида **0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни киритиш ҳуқуқига эга.

Бунда, белгиланган ер солиғи ставкасига туман депутатлар Кенгашлари томонидан **солик юқуни кескин ошишини олдини олиш мақсадида 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентини биринчи йилларда қўллаш мақсадга мувофиқ. **Алоҳида жойлар** ва республиканинг **туристик зоналаридаги** алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган **1 гектардан ортиқ** ер участкаларига **нисбатан 3,0 гача оширувчи** коэффициент қўлланилиши мумкин (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ- 6027- сонли Фармони*).

Шунингдек, **жисмоний шахсларнинг** ер майдонлари учун олинадиган **ер солиғи** (якка тартибдаги тадбиркорлар ва туристик зоналарда жойлашган ер участкаларидан ташқари) **суммаси** 2020 йил учун ҳисобланган солик суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги** белгиланган.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида ер участкаларига, шунингдек туристик зоналарда жойлашган жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкасига ер солиғини 3 бараваргача миқдорда оширувчи ставкасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солик даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган

жойдаги **солиқ органларига** солиқ ставкаларини жорий солиқ даврининг **31 декабрига қадар** тақдим этадилар.

8. Мол мулк солиғи бўйича, Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган объектларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 дан 0,4 фоизга оширилди.

Жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари 1,15 бараварига индексация қилинди. Бунда, 2021 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ суммаси, 2020 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан кўп оширилмаслиги белгиланди.

Туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини кўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Кўп квартирали уйларига бевосита узвий боғлик бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнининг мол-мулкига солинадиган солиқ обьектига киритилди. Бундай обьект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасида солиққа тортилиши белгиланди

9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича, Солиқ ставкалари 15 фоизга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 30 фоизга индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексида белгиланмоқда.

Бунда, солиқ ставкалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинди. қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 1 куб.м. учун 40 сўм миқдорида белгиланди.

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб метр учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

T/p	Тўловчилар ва солиқ солиш обьекти	1 куб метр учун солиқ ставкаси, сўмда:	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2–бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	70	90

4.	қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари	40	40
5.	автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	1 990	1 990
6.	пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотлари ва алкогиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилдиган сув ҳажми	25 185	25 185

Кишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш), шу жумладан дехқон хўжаликларида сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда, солик ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади.

Солик кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатилдиган сув ресурслари солик солиш обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

Кишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжаликларида сувдан фойдаланувчи шахслар учун солик базасини аниқлаш тартиби қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартирилмоқда. Хусусан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили:

жорий солик даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга солик базасини аниқлаш учун;

дехқон хўжаликлари бўйича соликни ҳисоблаш учун - солик органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этши белгиланди.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари солик базасини табиий ва сунъий сув обьектларидан олинган ва ушбу сув обьектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солик тўловчилар солик базасини табиий сув обьектларидан маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув обьектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатнома мавжуд бўлганда қўлланилади.

Солик солиш обьекти ва (ёки) солик ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солик тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва тегишли солик ставкалари бўйича солик тўлаш тартиби киритилмоқда.

10. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Қуйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдорида, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда:

қурилиш қумлари (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 8 500 сўм бўлган*);

қум-шағал аралашмаси (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўм бўлган*);

қумтошлар (5 фоиз), қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари) (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган*);

қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари) (*2020 йилда 5 фоиз, бироқ 1 куб. м учун 10 000 сўм бўлган*).

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда	
	2020 йилда	2021 йилда
Қурилиш қумлари	5%, бироқ 8 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қум-шағал аралашмаси	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қумтошлар	5 фоиз	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5%, бироқ 10 000 сўм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сўм/куб метрдан кам бўлмаган

Масалан: Тошкент вилояти Чиноз туманида фаолият кўрсатадиган хусусий корхнаси томонидан 2020 йилда 40 154 куб.метр “Қурилиш қумлари” қазиб олган ва 8 500 сўм солиқ ставкасида 341,3 млн.сўм солиқ тўлаган бўлса, 2021 йилда ҳам шу миқдорда “Қурилиш қумлари” қазиб олганда, солиқ ставкаларини унификация қилиниши натижасида (солиқ ставкаси 7 500 сўм) 301,2 млн.сўм солиқ тўлайди ёки 40,1 млн.сўм кам солиқ тўлайди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин, кумуш, палладий ва мис бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорда белгиланди.

Бошқа фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкалари 2020 йил даражасида сақлаб қолинди.

3. 2021 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг моҳияти.

Президентимизнинг 2021 йи лянвар ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлимаи ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган мурожаатномасида 2021 йилни “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” эълон қилди.

Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон фармони билан тасдиқланган **ДАВЛАТ ДАСТУРИ**нинг 3.3. бўлими **“Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш”** деб номланиб унда қуйидаги тадбирлар белгиланди

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Сотиладиган товарларнинг ягона электрон таснифлагич тизимини ишлаб чиқиш ва онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварак-фактуралари, маркировкалаш тизимларига интеграциялаш;

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш маъмурчилигини такомиллаштириш;

Тенг рақобат шароитини яратиш ва қўшилган қиймат солиғи тўловчилар хуқуқларини кафолатлаш бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш;

Солиқ хизматларини кўрсатишни янги босқичга чиқариш ва халқаро стандартларга мослаштириш, солиқ органларини «хизмат кўрсатувчи» юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш;

Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш ва солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш ҳамда солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш бўйича белгиланган ушбу йўналишлар доирасида 11 та норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тадбирлари белгиланган.

Президентимизнинг аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизликни олдини олиш, бу борада ёшлар ва хотин-қизларни, айниқса меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар

бандлигини таъминлаш юзасидан янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорларни рағбатлантириш бўйича жорий йилнинг апрель ойида қабул қилган фармон ва қарорлари давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрельдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сонли фармони билан 2021 йил 1 майдан 2023 йил 1 январга қадар, иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш тартибининг жорий қилиниши биринчидан ёшларни иш билан таъминланишида қулай имконият бўлса, иккинчидан уларни ишга қабул қилувчиларни ёшларни ишга жалб қилишдан манфатдорлигини оширди.

Масалан, хўжалик субъекти ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона 25 ёшга тўлмаган ёш мутахассисни ишга қабул қилиб, унга ўртача 3000,0 минг сўмдан ойлик иш ҳақи белгилади, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ходимга тўлаган ойлик иш ҳақи фондидан ойида 12 фоиз яъни 360,0 минг сўм миқдорида ижтимоий солиқ тўлайди. Жорий этилган имтиёзга мувофиқ эндилиқда хўжалик субъекти томонидан ёш ходимга тўланган ижтимоий солиқ суммаси тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин солиқ тўловчига қайтариб берилади.

Қайд этиш жоизки, мазкур имтиёзни қўлаш учун ишга олинган ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириган бўлиши керак ва бунда ижтимоий солиқни қайтариш еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади. Ўз навбатида, мазкур имтиёз бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга тадбиқ этилмайди.

Шунингдек, фармон билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жойларда «Ёшлар дафтари»га киритилган ишчилар сони тадбиркорлик субъектларига давлат мулкларини ижарага олишда, фармонда тасдиқланган жадвал бўйича ижара тўловларини имтиёзли миқдорларда тўлаш белгиланди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишчилар сони	Давлат мулки обьектининг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони			
	Тошкент шаҳар (кв. м)	Нукус шаҳар ва вилоят марказлари (кв. м)	Туман марказлари (кв. м)	Бошқа худудлар (кв. м)
I. «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз миқдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари бўйича				
5 та	60	80	100	120
6 дан — 9 гача	100	120	140	160
10 дан — 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320

**II. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг
камида 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлган, давлат мулки
объектлари учун ижара ҳаки тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик
субъектлари бўйича**

10 гача	100	120	140	160
10 дан — 19 гача	140	160	180	200
20 дан — 29 гача	180	200	220	240
30 ва ундан ортиқ	220	240	260	280

Ушбу жадвалнинг I қисми бўйича «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшлар ишга қабул қилинганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз микдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли майдон белгиланди.

Масалан, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти агар “Ёшлар дафтари”га киритилган 5 нафар ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса, мазкур тадбиркорлик субъекти 60, м² гача бўлган ижара майдони учун ижара тўловини 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайди. Демак тадбиркорлик субъекти агар ижара шартномаси бўйича 100 м² давлат мулкини ижарага олган бўлса ва 5 та нафар “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган бўлса 60 м² учун, агарда 6 нафардан 9 нафаргacha ходимни ишга олган бўлса 100 м² учун ижара тўловининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинади.

Қайд этиш лозимки мазкур жадвалда келтирилган шартлар бўйича республикамиз ҳудудлари бўйича ҳам “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ёшларни ишга олган тадбиркорлик субъектлари учун ижара тўловининг имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур жадвалнинг II қисмида эса ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўлганида, давлат мулки объектлари учун ижара тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари ишга олиниши лозим бўлган ходимлар сони ва имтиёзли майдон ҳажмлари белгиланган.

Масалан, жадвалнинг II қисмига мувофиқ, масалан Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектининг жами ходимлар сони 15 киши бўлиб, ушбу корхона 150 м² майдонга эга давлат мулкини ижарага олган бўлса ва корхонада ишловчи ходимларнинг 11 тасини (70 фоизи) «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ташкил қиласа, мазкур ҳолатда ушбу корхона ижарага олган давлат мулкининг 100 м² учун ижара ҳаки тўловидан 5 йил муддатгача озод этилади.

Шунингдек фармонда, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорлик фаолиятини бошлиши ва ўзини ўзи банд қилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун базавий ҳисоблаш микдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган микдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёш йигит ёки қиз тадбиркорлик фаолиятини бошлиши учун зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун 20,0 миллион сўм маблағ лозим бўлса, шундан базавий ҳисоблаш

миқдорининг 40 баравари яъни 9 800000 сўмни (254000*40) «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланган.

Шунингдек фармонда, 2021 йил 1 июндан бошлаб «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун бино ва иншоотларни ижарага олганда, бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Масалан, ёш тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошқа бир тадбиркордан 50 м² майдонга эга бўлган бинони бир йиллик муддатга йиллик 20.0 млн.сўмга ижарага олди. Иритилаётган ўзгартириш бўйича ушбу тадбирорни қўллаб-қувватлаш мақадида, ижара тўловининг 30 фоизини яъни 6,0 млн.сўмни (20,0*30%) бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача яъни 6125000 сўмгача (25*245000) бўлган миқдори «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Ўз навбатида фармонда, профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўташ учун юборилган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ойлик субсидия ажратилиши белгиланди.

Масалан Тошкент қурилиш техникуми мазкур техникумда таҳсил олаётган ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ўқувчини қурилиш корхонасига амалиёт ўташ учун олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айтайлик беш ой муддатга юборган бўлса, бунда техникум ҳисобидан ойига 900 сўм (245000*2) жамибеш ой учун 4500.0 (900*5) минг сўм субсидия ажратилади.

Бундан ташқари фармонда 2021 йил 1 июндан бошлаб «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффакиятли тутатиб сертификат олган ёшларга компьютерлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харид қилишлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратилиши белгиланиб, мазкур истеъмол кредитларини ажратиш АТ «Халқ банки», АТ «Алоқа банк» ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан амалга оширилиши ва истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловлари Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган миқдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши;

«Мехрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий

ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдоригача ва сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди.

Бунда, ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, қолган худудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараваридан ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши белгиланди.

Фармон билан, Ёшлар ишлари агентлигига юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-куватлаш жамғармаси” ташкил этилиб, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, агентлик ва унинг худудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соғ фойданинг бир қисми, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар жамғарма даромадларининг манбалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрель, “Тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5087-сон қарорида, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-куватлаш механизmlарини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш масалаларида қўшимча тадбирларни белгилашни назарда тутилди.

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига куйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланди:

уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган соликларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий ахволига кўра солик қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига соликларни бўлиб-бўлиб тўлаш;

уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий ахволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуки берилади.

Бунда, ушбу тартиб бўйича гаровсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охирги уч йил давомида тўланган солик ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорида бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммасига берилади.

Масала, тадбиркорлик субъекти томонидан охирги уч йилда тўланган солик ёки тўловлар суммаси тахминан уч млрд бўлиб, лекин кечиктириб тўланадиган солик ва тўловлар суммаси 5 млрд.сўм бўлса, бўлиб-бўлиб тўланадиган солик ёки тўловлар суммаси 1,5 млрд.сўм (3,0млрд.сўм : 2) миқдорида белгиланади.

Шунингдек, 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилди.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланадиган бўлди.

2021 йил 1 майдан бошлаб, “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси” томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилиши белгиланди.

Масалан, 2021 йил 1 май ҳолатига Марказий банк асосий ставкаси 14 фоиз бўлса, унинг 1,75 баробари 24,5 фоизни ($14*1,75$) ташкил этади. Агар тадбиркорлик субъекти банкдан 5,0млрд.сўм кредитни йиллик 28,0% ставкада олган бўлса, тадбиркорлик субъектига ушбу кредит фозининг 24,5 фоизлик харжатлар қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташабbusларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилади;

Масалан, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» киритилган тадбиркорлик субъекти кредит расмийлаштирган вақтда 36750,0 (150*245000) минг сўмгача жамгарма томонидан кафиллик берилиши белгиланди.

Асосийси, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилиши ва бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 млрд сўмдан, кафилликларнинг умумий суммаси эса 8 млрд сўмдан, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги белгилаб қўйилди.

Қарорда, Экспортни рағбатлантириш агентлигига, экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечикириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадларида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечикирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилиши белгиланди.

Масалан, тадбиркорлик субъекти ишлаб чиқарган товарларини экспорт қилганда, ушбу экспорт учун тўловлар кечикириб тўланиши шартномада белгиланган бўлса, бундай шароитда ушбу тадбиркорлик субъектининг айланмалар маблағларини тўлдириш учун Экспортни рағбатлантириш агентлиги тижорат банкларига молиявий ресурслар ҳисобидан кредит тўловлари қанча муддатга кечикирилган бўлса, масалан агар тўловлар уч ойгача кечикирилган бўлса демак уч ойгача экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати миқдорида агар экспорт миқдори 1,0 млрд сўмга бўлса, шу бир млрд.сўмга, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик 4 фоизли ставкада кредит ажратилиши белгиланди.

Ўз навбатида, якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамгармаси”нинг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш хукуқига эгалиги фармонда белгилаб қўйилди..

Шунингдек, фармонда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга йўналтирилиши, ажратиладиган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилиши белгиланди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш обьектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга «E-IJRO AUCTION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратилишига рухсат этилди.

Шу билан бирга, жойларда халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашларига олис ва чекка худудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошлангич нархини 50 фоизгача камайтириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуқини аукционга қўйишда бошлангич нархга чегирма белгиланадиган олис ва чекка худудлар чегараларини белгилаш ваколатлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-5094-сон қарори билан аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Мазкур қарор билан, 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди ва унда 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари ва 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шу билан бирга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашишга:

субсидиялар ажратиш учун — 92,3 млрд сўм;

иҳсизлик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 млрд сўм;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 млрд сўм;

янги иш ўринлари ташкил этишини назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 млрд сўм маблағлар ажратилиши белгиланди.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ва унда:

меҳнат стажи учун ижтимоий солиқ тўлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар;

ташкил этилган иш ўрнида банд бўлган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган даромад солиги ёки ижтимоий солиқ ҳамда норасмий фаолият кўрсатаётган яширин иш ўринларини расмийлаштириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунига қадар;

юридик шахслар томонидан янги ташкил этилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги ойлик, чораклик, йиллик маълумотлар (кичик корхона ва микро фирмалардан ташқари) ҳисбот ойидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар акс эттирилишини таъминлаш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга ўратиш ва уларни меҳнат бозорида бандлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштириш юзасидан юртбошимиз томонидан белгилаб берилган янги рағбатлантириш мномаларининг амалиётга жорий этилиши, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттиришда, тадбиркорларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш муҳим услугий ва иқтисодий омиллари бўлиб хизмат қиласди.

2-мавзу. Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва бюджет даромадларини барқарорлаштиришда солиқ маъмурчилиги аҳамиятини ошириш масалалари

Режа:

- 1. Яширин иқтисодиёти ҳақида тушунча, унинг келиб чиқиши сабаблари, жамиятга таъсири.**
- 2. Дунё миқёсида яширин иқтисодиёнинг улуши ва Ўзбекистон иқтисодиётига яширин иқтисодиётнинг таъсири.**
- 3. Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.**
- 4. Солиқ соҳасида яширин иқтисодиётнинг олдини олиш йўллари.**

1. Яширин иқтисодиёти ҳақида тушунча, унинг келиб чиқиши сабаблари, жамиятга таъсири.

Мамлакат иқтисодиётини тарақкий эттиришда, аввало иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун унга таҳдид соловчи кучларни бартараф этиш лозим бўлади. Иқтисодий хавфсизликка бўлаётган таҳдидлар орасида кўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг жинойлашуви, жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсиндириш тенденцияси ҳисобланади.

Айнан шунинг учун ҳам жиноий хуфиёна (яширин) иқтисодиётни аниқлаш, шаклланишининг олдини олиш ва унинг улушкини пасайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чоратадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб қилмоқда.

Яширин иқтисодиёт, хуфия иқтисодиёт - иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд

этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари бўлиб, унда ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол жараёнлари - иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манфаатлари ётади.

Бошқача айтганда, **яширин иқтисодиёт** нафақат мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки давлат ҳисоби ҳамда назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан ҳам расмий статистикада экс этмайдиган хўжалик фаолиятидир. Яширин иқтисодиётта берилган бундай таърифнинг ўзиёқ унинг мамлакат тараққиётига тўсқинлик, бюджет даромадларига эса салбий таъсир қилишини, шу боис, унга қарши курашиш ўта долзарблигини кўрсатади.

Яширин (хуфёна) иқтисодиётнинг мезонлар бўйича турлари

Мезонлари	«Оқ ёқали» хуфёна иқтисодиёт	«Кулранг» хуфёна иқтисодиёт	«Қора» хуфёна иқтисодиёт
Субъектлари	Иқтисодиётнинг расмий сектори иштирокчилари (менежерлари)	Норасмий бандлар	Профессионал жиноятчилар
Объектлари	Даромадларни ишлаб чиқаришсиз тақсимланиши	Одатий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	Таъкиқланган ёки дефицит товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш
“Тоза” расмий иқтисодиёт билан алоқаси	“Тоза” иқтисодиётдан ажралмаган ҳолда	Нисбатан мустақил	Мустақил (автоном)

Яширин иқтисодиёт муракб қўп босқичли ҳодиса, унинг тур ва шакллари хилма-хил. Яширин иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) **жиноий иқтисодий фаолият.** Бу мутлақо маън этилган, қонун йўли билан таъқиб этиладиган ишлар билан шуғулланиш, (наркобизнес, порнобизнес, қурол бизнеси ва ҳ. к.);

2) **ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усувлар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш,** (ўғирлик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик);

3) **иккиламчи иқтисодиёт** – кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат этилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Уларга яширин тадбиркорлик, 1-2 ва 5-10 киши банд бўлган яширин кичик корхоналар фаолияти киради. Яширин тадбиркорлик хизмати кўрсатиш, қ. ҳ., қурилиш, савдо, кийимкечак ишлаб чиқаришда кенг тарқалган;

4) **расман рухсат этилган фаолият** билан бирга қўшимча равища яширин ишлаб чиқаришга кўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равища ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) мансабни суиистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хаттиҳаракатлар. Булар жумласига давлат идораларидағи порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин;

6) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият, бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидаги қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар Яширин иқтисодиёт даги ижтимоий зарарли фаолият давлат томонидан қатъяян тақиқланади, ҳамма чоралар билан унга қарши кураш олиб борилади, ижтимоий фойдали фаолиятнинг (норасмий бўлсада кишилар талабэхтиёжларини қондиради) ошкораликка чиқиши иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Яширин иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб улар:

- бозорга киришнинг осон ва қулайлиги;
- иш берувчи ва ишчи муносабатларининг такомиллашмаганлиги;
- малака ва кўникмаларнинг стандартлашмагани;
- операциялар миқёснинг кичиклиги;
- хуфёна нархларнинг шаклланишига шароитнинг яратилиши.


Хуфёна нархлар деб бозорда юз берадиган узилишлар шароитида белгиланган бозор нархларига тўғри келмайдиган, лекин ижтимоий харажатлар ёки ижтимоий даромадни ўзида акс эттирган ҳисоб нархларига айтилади ва хуфёна нархлар доимо бозор нархларига нисбатан тафовутда бўлади.

Хуфёна нархлар ва бозор нархлари ўртасидаги тафовутни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Бозор	Хуфёна нархлар (Ps) ва бозор нархлари (Pm) ўртасидаги тафовут	Тафовут сабаби
Мехнат	$Ps < Pm$ (ишилизик даражаси юқори холларда)	Ишга ёлланишда муқобил ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган йўқотишлар бўлмайди
Капитал	$Ps > Pm$ (капитал маблағлар танқислиги холларда)	Фирманинг кутилаётган фойда нормаси мавжуд фоиз ставкасидан баланд бўлади
Маҳсулот	$Ps < Pm$ (салбий ташқи таъсир шароитида)	Нақд пул билан нақдсиз пул ўртасида тафовут бўлганда ҳамда банкдан ташқари пул айланмаси ошганда

Демак, меҳнат бозорида хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан доимо паст бўлади, капитал бозорида эса хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан юқори бўлади ва ўз навбатида маҳсулот реализацияси даврида хуфёна нархлар бозор нархларига нисбатан паст бўлади.

Даромадлар табақаланиши тенгсизлигини графикда тасвирлаш Лоренц эгри чизиги ёрдамида амалга оширилади. Лоренц эгри чизиги квадрат диагоналига суюнган ёйдан иборат бўлади. Яъни қуйидагича



Реал ҳаётда мутлақ тенглик ва мутлақ тенгсизлик ҳолатлари мавжуд эмас. Балки, ахолининг маълум гурухлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши нотекис равишда боради. Бундай тақсимланиши Лоренц эгри чизиги деб номланувчи 0F эгри чизиги орқали кузатиш мумкин.

Мутлақ тенгликни ифодаловчи чизик ва Лоренц эгри чизиги ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, яъни Лоренц эгри чизиги 0E чизигидан қанчалик узоқда жойлашса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади.

Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлақ тенг бўлса, бунда Лоренц эгри чизиги ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб, фарқ йўқолади.

Яширин иқтисодиёт ўзининг салбий ва ижобий таъсир кучига ҳам эга бўлади.

Яшириш иқтисодиётнинг салби таъсири қуйидагилардан иборат:

- қтисодий ўсишга тескари таъсир этади;

-норасмий тадбиркорликни рағбатлантиради;-ишчиларни эксплуатация қилишга шароит яратади, уларни малакали ишчи бўлишларига тўсқинлик қиласди;

- бюджет даромадларига тушумларни камайтиради;

-давлатнинг фискал сиёsat дастакларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради.

Ўз навбатида яширин иқтисодиёт:

- кам таъминланган ҳамда малакасиз ахолининг асосий даромад манбаи ҳисобланади;

- ижтимоий таъминот харажатларини пасайтиришга хизмат қиласди;

- бозордаги нархларнинг пасайишига олиб келади.

Ўз вақтида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов – “Жамиятда жиноий “хуфиёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат хокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланилади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлари туфайли жамият хавфсизлиги ва

барқарорлигига тұғридан-тұғри таҳдиддир” деб таъкидлаганлиги ушбу масалани ҳал этиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққий этишидаги аҳамияти нечоғли юқори эканлигини англатади.

Юқоридагилардан холоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, яширин иқтисодиёт бу иқтисодий фаолиятни жамиятдан яшириш ва давлат томонидан назорат ҳамда ҳисботи юритилиши олиб борилмаслигини, шу билан бирга иқтисодиётнинг кузатиб бўлмас ва норасмий қисми ёки яширин иқтисодиёт мавжуд қонун ва жамият қоидаларини четлаб ўтувчи жамиятдаги фуқароларнинг иқтисодий алоқалари демакдир.

Хўш, яширин иқтисодиёт қаердан пайдо бўлади ва қачон ривожланади? У аввало, жамиятда иқтисодий фаолиятни кенг жамоатчиликдан яшириш учун қулай бўлган тақдирда ва бунга шароит мавжудлигига пайдо бўлади ва унинг ривожланишига қуидагилар сабаб бўлади:

-рухсат бериш хусусиятига эга бўлган турли хил лицензия, сертификат ва рухсатномаларни олинишида кўзда тутилмаган харажатларнинг мавжудлиги;

- хом ашё маҳсулотларини етказиб берилишида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдаги қийинчиликлар.

-мамлакатда солиқ юки даржасининг юқорилиги;

шунингдек, яширин иқтисодиётда валюта қора бозорининг ўрни жуда катта ҳисобланади. Бизнинг мамлакатда ҳам энг йирик нақд пул айланмалари хорижий валюта бўлмиш АҚШ долларида амалга оширилади (ноқонуний йирик битимлар, уй-жой, автомобиль олди-сотдиси ва бошқа кўплаб товарлар олди-сотдиси йигиндиси).

Банкдан ташқари айланаётган ушбу хорижий валютанинг миллий валютамиз сўмга нисбатан етказаётган бевосита зарари охир-оқибат миллий валютамизнинг қадрсизланишига ўзининг билвосита таъсирини кўрсатади. Аксарият маҳсулотларнинг четдан нақд пулга сотиб олиб келтирилиши ёки хуфёна битимлар туфайли маҳсулотларнинг мамлакатимизга олиб кириб сотилиши кўп жиҳатдан соликдан яширган ҳолда фойда кўриб ишлаётган тадбиркорлар ва уларни кўллаб-қувватлаб турган бошқа шахсларга қўл келади

Асосийси, ўз тадбиркорлиги ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг реализация қилинишига, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига мисли кўрилмаган даражада зиён етади.

Яширин иқтисодиёт бу иқтисодий фаолиятни жамиятдан яшириш ва давлат томонидан назорат ҳамда ҳисботи юритилиши олиб борилмаслигини, шу билан бирга иқтисодиётнинг кузатиб бўлмас ва норасмий қисмидир.

Мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб бориши, ўз навбатида, ҳудудда яратилган миллий бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимланишида тенгсизликни келтириб чиқаради. Аҳоли даромадларининг тұғри тақсимланмаслиги, жамиятда ижтимоий мухитнинг ёмонлашуви, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш механизмларининг кучсизланишига олиб келади. Жамиятда жиноий характердаги фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб беради. Мамлакатнинг инвестицион мухитига салбий таъсир кўрсатади.

Ууман айтганда, “хуфиёна иқтисодиёт”нинг кенгайиши аҳолининг сиёсий хокимиятга бўлган ишончини йўқотади. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга тўсқинлик қиласди. Хуфиёна иқтисодиёт замонавий жиной тизимларнинг шаклланишига моддий асос бўлади, сиёсий-иктисодий ўзгаришларга, инқироздан чиқиш, бозор муносабатларига асосланган давлатга айланишга тўсқинлик қиласди.

Хуфиёна иқтисодиёт, ўз навбатида, коррупцияни вужудга келтиради, коррупция эса “хуфиёна иқтисодиёт”нинг ривожланиши учун барча имкониятларни яратади.

Яъни, - бир томондан, “хуфиёна иқтисодиёт” давлат хокимияти ва бошқарувининг барча тизими сезиларли даражада коррупциялашган шартшароитда ривожланади;

иккинчи томондан, “хуфиёна иқтисодиёт” сиёsat ва иқтисодиётнинг ўзаро хотиржам ҳолатда мавжуд бўлишини таъминловчи соҳалар билан коррупцияни муносабатларни шакллантиради;

учинчидан, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”ни кўзига кўринмасдан, ноқонуний равищда тижоратни олиб боришга мажбур этади;

тўртингчидан, коррупция “хуфиёна иқтисодиёт”нинг янги кўриниши ва соҳалар пайдо бўлишига замин яратади. Шу боис коррупцияга қарши курашиш “хуфиёна иқтисодиёт”га қарши кураш билан бирга олиб борилмаса, керакли самарани бермайди. “Тадқиқотлар натижасига кўра, “хуфиёна иқтисодиёт” вакиллари томонидан топиладиган фойданинг камида 40 фоизи бевосита ноқонуний характердаги муносабатларни сақлаб туришга йўналтирилади.

Мухтассар қилиб айтганда, мамлакатда “хуфиёна иқтисодиёт” даражасининг юкорилиги порахўрлик даражасининг ҳам юкори даражада бўлишига замин яратади келади. Ууман, хуфиёна иқтисодиётнинг маълум бир давлат мисолида қанчалик даражада ривожланганлигини аниқ белгилаб бўлмайди. Ушбу ҳодисанинг мавжудлиги натижасида юзага келувчи бир қатор омиллар унинг тахминий даражасини мутахассислар иштирокида жаҳон мамлакатларида мавжуд бўлган “хуфиёна иқтисодиёт”нинг улушкини аниқлайди.

2. Дунё миқёсида яширин иқтисодиёнинг улуси ва Ўзбекистон иқтисодиётига яширин иқтисодиётнинг таъсири.

Ууман олганда, яширин (хуфиёна) иқтисодиёт тушинчаси жаҳон амалиётига XX-асрнинг 30-йилларидан ўрганила бошлади ва 1970-йиллардан унга жиддий эътибор қаратилди.

Яширин иқтисодиёт миқёси яширин иқтисодий айланма, яъни рухсат этилмаган товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш ҳажми билан белгиланади. Айланма хуфиёна бўлганидан унинг аниқ ҳисоб-китоби бўлмайди. Бунинг ўрнига уни тахминан баҳолаш усули кўлланилади.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўтган аср охирларида ер юзидағи яширин иқтисодий айланма 8 трлн. долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5% га teng бўлган. Яширин иқтисодиёт дунёning деярли ҳамма мамлакатларида

мавжуд. Бироқ яширин иқтисодиёт миқёси турли мамлакатларда турлича бирбиридан фарқланади.

Яширин иқтисодиёт энг ривожланган мамлакатларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради. 1999 йил Миср ва Нигерияда у ялпи ички маҳсулотнинг 70% га тенг бўлди. Яширин иқтисодиёт ҳиссаси энг кам бўлган мамлакат Осиёда Япония (1—2%), Фарбий Европада Швейцария ҳисобланади. МДҲ мамлакатларида Яширин иқтисодиёт даражаси ўртача. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, масалан АҚШ ва Италияда Яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси тегишлича 6,4 ва 11,4% ни ташкил этди (1997). Айрим ривожланган давлатларда йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 14-15 фоизи миқдорида яширин иқтисод оптималь ҳажм деб ҳисобланади.

Хозирги даврга келиб иқтисодиётининг глобаллашуви оқибатида Яширин иқтисодиёт миллий доирадан чиқиб халқаро даражага кўтарилиди. Яширин иқтисодиёт глобаллашуви бу бир мамлакатдаги Яширин иқтисодиёт бошқа мамлакатга кўчирилишида, ножӯя бизнес ишлари билан шуғулланувчи халқаро фирмаларнинг пайдо бўлишида кўринади. Бунга мисол қилиб халқаро наркобизнесни, яширин қурол савдосини, ишчи кучининг яширин миграциясини уюштиришни, оффшор зоналар орқали ғайри қонуний йўллар билан топилган пулни «ҳалоллаб» олиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Булар халқаро ҳамжамиятга катта хатар тугдиради. Пулни чет мамлакатга яширин чиқариб «ҳалоллаб» олишга қарши кураш мақсадларида халқаро ҳамжамият маҳсус ташкилот - Халқаро молиявий ҳаракатлар гуруҳини ташкил этган.

Ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ижобий тарафлари ҳам кузатилган. Масалан, Европа мамлакатларида турғунлик, кризис пайтида иш ўринлари қисқарган шароитда ходимлар норасмий секторларда вақтинча ишлаб турганлар. Бу эса ушбу ишсиз қолган ходимларни оч қолиш ва қийинчилекларга дуч келишдан сақлаб қолган.


Гарб эксперталарининг таъкидлашича, мамлакат ЯИМ нинг 40-50 %ини “хуфиёна иқтисодиёт” ташкил этган ҳолат хавфли “бўсаға” ҳисобланади”. Миллий иқтисодий тизими ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатлар ўзини жуда оғир ҳолатга тушган, деб ҳисобланади. Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасини қўйидаги омиллар белгилайди:

- солиқ солишининг оғирлиги;
- олинадиган даромад миқдори;
- иш вақтининг узунлиги;
- ишсизлик миқёси;
- давлат секторининг роли.

Мутахассисларнинг фикрича, солиқ ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33% бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда хуфиёна иқтисодиётнинг ўртача даражаси 17,2 фоизни ташкил қиласди. Аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда фарқ қиласди. Масалан, энг паст кўрсаткич АҚШда 7,4 фоиз, Хитойда 10,1 фоиз, Россияда 39,3 фоиз бўлиб, бу борада энг юқори кўрсаткич Озарбайжонда 56,7 фоизни ташкил этади.

Қўйидаги 1-расм маълумотлари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида хуфиёна иқтисодиёт кўламишининг қай даражада эканлигини кўришимиз мумкин.




1-расм. Дунёнинг айrim мамлакатларида хуфиёна иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан улуши ўзгариш динамикаси⁷ (фоизда).

Юқоридаги расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, хуфиёна иқтисодиёт улуши энг паст кўрсаткич АҚШга тўғри келмоқда, яъни ҳозирги вақтда 7,42 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолатни АҚШда қонун устуворлиги таъминланганлиги, солик тўловчиларнинг маданияти яхши ривожланганлиги ҳамда барча солик тўловчилар умумдекларация асосида даромадлари ва харажатларини ошкорлаштириш механизми таъминланганлиги билан асослаш мумкин. Энг юқори кўрсаткич Озарбайжон давлатига тўғри келмоқда, яъни ЯИМга нисбатан 56,72 фоизни, ушбу кўрсаткич келгусида янада ортиб боришини назарда тутилган. Ушбу ҳолат Озарбайжонда хуфиёна иқтисодиётга таъсир этувчи салбий омиллар ривожланганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилотининг тарракқиёт дастури (ПРООН)нинг таҳлилий маълумотларига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан хуфиёна иқтисодиёт улуши дунё бўйича ўртача 17,2% ташкил этган бир пайтда, мазкур кўрсаткич МДҲ давлатлари Украинада 44,8 %, Тожикистонда 43 %, Қозогистонда 38,9%, Россияда 38,4 %, Қирғизистонда 37,9 % ташкил этади.

⁷ www.accaglobal.com Future shadow economy - ACCA Global. pi-shadow-economy.pdf



Ҳар иккала манба маълумотлари бўйича таққосмагандага ҳам Ўзбекистон яширин иқтисодиёт кўрсаткичи 48,7 фоизни ташкил этади.

Соҳалар кесимида кўриб чиқилса, мазкур кўрсаткич савдо ва транспорт воситаларини таъмирлаш соҳасида 75%, қурилиш соҳасида 50%, ишлаб чиқариш соҳасида 45%, балиқчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 40%, транспортда ташиш ва сақлаш 21% ва хизматлар соҳасида 30 %ни ташкил этади.



Хуфиёна иқтисодиётнинг тармоқлар кесимида улуси, %да

Мазкур соҳаларнинг назоратини кучайтириш, уларга нисбатан таъсирчан чораларни кўриш, хуфиёна иқтисодиёт улушкини қисқартириш мақсадида назорат органларининг, шу жумладан, давлат солиқ хизмати органларининг тузилмаси ҳамда уларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

3. Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.

Бутун дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жаҳондаги барча мамлакатларда маълум даражада коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт мавжуд.

Дунё тажрибаси бу иллатни камайтириш мумкинлигини, бироқ уни бутунлай йўқ кила олмаслигини кўрсатмоқда. Шунга қарамай, айrim давлатлар хуфиёна иқтисодиётнинг улушкини камайтиришда ижобий натижаларга эришган.

Бунда улар, асосан, нақд пул муомаласидан максимал даражада воз кечиш, иқтисодиётда электрон ёки нақд пулсиз тўловлар тизимини жорий этиш орқали ижобий натижаларга эришганлар. Кўплаб мамлакатларда электрон тўловларни рафбатлантиришга қаратилган бир қатор чоралар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг улуси ва таъсирини минимал даражада камайтиришга эришилган. Бу эса оддий аҳоли турмуш даражаси юқори даражада бўлишига замин яратган.

Аввало, яширин иқтисодиёт билан шуғулланадиган тадбиркорларни астасекинлик билан қонуний белгиланган тартибда қонуний ишлашга ўргатиш лозим бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланган ва ўз даромадларини яширган барча тадбиркорлик субъектларига амнистия қўллаш, яъни белгиланган амнистия муддати ичida тадбиркорлар ўз даромадларини хеч қандай тўсиқсиз ва ортиқча текширувларсиз қайд этиб, легаллаштиришлари ҳамда фаолиятларини давом эттиришлари учун қонуний чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сонли қарори билан:

2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 63 та фаолият турлари рўйхати тасдиқланди;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгиланди;

2020 йил 1 июлдан бошлаб, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиъ илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди;

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлаш ва ундан келиб чиқсан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланиши;

ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласвий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлаш белгиланди.

Ўзбекистонда валюта қора бозорини йўқ қилиш учун ноқонуний валюта қора бозорларини қонунийлаштирган ҳолда белгиланган интерваллар доирасида бозор нархларида савдо қилувчи валюта айирбошлиш шохобчаларини ташкил қилиш лозим. Нақд хорижий валютани бемалол расмий солиқ тўлаб фаолият юритадиган хусусий шохобчаларда алмаштириш имконини бериш керак.

Давлат томонидан нақд пулсиз савдо қилаётган тадбиркорларга имтиёз преференциялар бериш орқали қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини янада таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, ривожланган давлатларда бугунги кунга келиб нақд пул муомаласи максимал даражада қисқартирилган, барча пул айланиши банк орқали амалга оширилиши давлат иқтисодиётининг ривожланишига олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги йилларда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш, хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги **“Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармони билан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб 45 та фаолият бўйича лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг бекор қилинди;

26 фаолият турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилинди;

23 та фаолият турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинди;

14 та лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

47 та лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш белгиланди.

Шунингдек 2021 йил 1 январдан бошлаб, туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш ихтиёрий этиб белгиланди;

кредит бюrolари фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби;

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан уларнинг худди шундай фаолият билан шуғулланувчи филиаллари ташкил этилганда ҳар бир филиал манзилини асосий лицензияда

кўрсатиш амалиётини жорий қилиш орқали филиалларга алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби бекор қилинди.

Қайд этиш жлизки, мамлакатимизда кейинги икки йил давомида яширин иқтисодиётнинг таъсирини камайтириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 23 та моддадан иборат бўлиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Шунингдек, қонунда коррупцияга оид тушунчаларга изоҳ берилиб:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун хужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилиши қайд этилган.

Қонуннинг 4-моддасида, коррупцияга қарши курашишнинг асосий ринциплари белгиланган бўлиб улар қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидан иборат.

Қонунда, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб қўйидагилар белгиланган:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Қонунинг 26-моддасида, давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти белгиланган бўлиб, унга қўра Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек Қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари ҳам белгиланиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига қўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин. Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўз навбатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади (28-модда). Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шунингдек 2018 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасинин “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва унда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши белгиланди

Бундан ташқари, коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида “Коррупцияга қарши кураш ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси” ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари этиб, барча қонун ва қонуности ҳужжатларида коррупция аломатлари мавжуд бўлган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рӯёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди ва коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши;

ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунуши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдорлиги;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши директор томонидан бошқарилиши белгиланди.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усувлар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг

олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чоратадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда “Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Қарорда белгиланган тадбирларда қуйидаги устувор вазифаларни ҳаётга жорий этилиши назарда тутилди:

-иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

-иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва маркировкалаш;

-иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш;

- банк хизматларининг оммаболлигини ошириш;
- «яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш;
- ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш;
- «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид **давлат дастурида**, Коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органининг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

Шунингдек, Яширин иқтисодиёт»нинг улушини қисқартириш чоратадбирларини амалга ошириш мақсадида норматив-хукукий хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳаларда:

хорижий мутахассислар иштирокида «яширин иқтисодиёт»нинг вужудга келиш омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқиш;

якка тартибдаги тадбиркорлар ноқонуний фаолиятини қисқартириш механизмларини ишлаб чиқиш;

интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш;

«Э-омбор» товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, импорт қилинадиган товарлар бўйича электрон шаклда ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш;

импорт қилинган озиқ-овқатлар, маъданли ва газланган сувлар, таркибида алкоголь бўлмаган бошқа ичимликларни мажбурий маркировка қилишни босқичма-босқич жорий этиш;

солиқ органларида маркировка қилиш мажбурий бўлган товарларни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш;

ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолиятини тартиба солишни янада такомиллаштириш, уларни солиққа тортиш, иш стажини ҳисобга олиш ва фаолият юритиш тартибини соддалаштириш;

савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан ишлатилаётган турли дастурий маҳсулотларни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказига интеграция қилиш;

банкоматлар орқали нақд пул маблағини банк пластик карталари ёки банк ҳисоб рақамларига ўтказиш имкониятини яратиш;

мазкур карта ва ҳисоб-рақамлар эгаларига амалга оширилган операция қийматининг маълум миқдорида бонуслар тақдим этиш тартибини жорий этиш назарда тутилиши белгиланди.

5. Солиқ соҳасида яширин иқтисодиётнинг олдини олиш йўллари.

Маълумки, солиқ соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этишга қасд - реал хўжалик фаолиятига тақлид қилиб, бузилган, сунъий, ёлғон шартномавий муносабатларни тузишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи ҳисобланди. Солиқ ҳуқуқбузарлиги, уни содир етган шахс ўз ҳаракатларининг ноқонуний хусусиятидан хабардор бўлган, бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг зарарли оқибатлари содир етилишини билган ёки атайлаб йўл қўйган бўлса, қасдан содир этилган ҳисобланади.

Бундай ҳолатларнинг қасдан содир этилганлигини аниқлаш учун бевосита далиллар бўлиши лозим ва бу қуидагиларни ўз ичига олади:

- гувоҳларнинг кўрсатмаси;
- шахснинг ҳақиқий ниятларини очиб берувчи мусодара қилинган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларни амалга ошириш (“қора бухгалтерия ҳисоби” нинг ёзувлари, ҳужжатлари ёки файллари);
- видео ва аудио ёзувлар;
- телефон ва бошқа сұхбатларни тинглаш натижалари.

Лекин бундай ниятни бевосита далилларсиз исботлаш жуда қийин.

1. Сохта операциялар (солиқларни оптималлаштириш схемалари орқали бир кунлик фирмаларни аниқлаш).

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг классик схемаси – сотиб олинган товарлар ёки хизматлар қийматини ошириш мақсадида - харажатлар қисмини ошириб кўрсатиш ёки даромад қисмини яшириш мақсадида, яъни товарлар паст нархларда сотилишини камраб олиш ва унинг контрагентлари ноқонуний солиқ енгилликларни, яъни солиқларни кам тўлаган ҳолда ўз манфаати учун қўпроқ даромад олишга қаратилган сохта ҳужжат оқимини яратганлигини исботлаши керак.

Бунинг учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлашда солиқ органлари **сохта битимларни** исботлашлари лозим. Бунда:

а) кохона раҳбарларини, товарлар (ишлар, хизматлар) ижроси ва қабул қилиш учун масъул шахсларни, шунингдек солиқ тўловчи ташкилотнинг бухгалтерлари ва унинг пурратчиларини шубҳали шартнома тузиш ва ижро ҳолатларни ҳакида суриштириш;

б) шубҳали молиявий-хўжалик операцияларини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларни, шу жумладан ихтиёрий ҳужжатларни (ёзишмалар, аризалар, йиғилиш баённомалари, омбор дафтарлари, кириш ва чиқиш журналлари, ўтиш қайдномалари ва бошқаларни) таҳлил қилиш.

в) ҳужжатларни таҳлил қилиш ва номувофиқликларни топиш учун маълумотларни таққослаш, масалан: шартномада (ёки унинг иловаларида) товарлар донабай миқдор бирлигига берилиб, ҳисобварак-фактура ва

фактураларда эса-тоннада кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, зарур бўлса, қўл ёзувини экспертизасини амалга оширишни тайинлаши мумкин, асосий бухгалтерия хужжатлар ҳақиқийлигини текшириш;

г) солик тўловчининг контрагентлари орасида хавф гурухига мансуб ташкилотлар (бир қунлик фирмалар, аффилланган ташкилотлар) аниқланса, улар ушбу ташкилотларни солик тўловчининг мансабдор шахслари билан боғлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмuinи амалга ошириш;

д) хорижий ҳамкорлар мансублиги исбот қилинган тақдирда, Ўзбекистонда хорижий компаниялар манфаатларини ифодаловчи шахслар ҳақида маълумотларни текшириш, сохта ёки йўқ номзод директорлар борлигини аниқлаш ва банкдан хорижий ҳамкорлар операциялари ҳақида маълумотни талаб қилишлари лозим. Барча схема яқуний бенефициар ва битимларнинг ҳақиқий мақсадини аниқлашга қаратилган бўлиши керак.

е) бир қунлик фирмаларнинг муҳрлари, аффилланган ташкилотлар бланкалари, флешдисклар, серверлар, жетонлар, ротокин ва бошқаларни қидиришда биноларни (офисларни) кўздан кечиришни амалга ошириш;

ж) бир контрагентнинг (битта ходим) ўз шартномани бажариш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб товарлар харакатини ўрганиш (товарлар етказиб бериш учун) ва маҳсулот ишлаб чиқарувчини, ҳақиқий провайдер ёки хизмат кўрсатувчи пудратчини аниқлаш, омбор бор йўқлигини аниқлаш, ва товарлар харакатини ҳам ҳақиқий ҳолатини ва ҳам бухгалтерия ҳисботини таҳлил қилиш;

з) маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг етказиб бериш ҳажми ва ҳақиқий ишлаб чиқариш қувватини таҳлил қилиш лозим бўлади.

2. Махсус режимни қўллаш мақсадида бизнесни ажратиш (дробление).

Юқори молиявий натижаларга эриши учун қонун тадбиркорлар томонидан бизнесни ажратишни, бўлинишини тақиқламайди – лекин, солик органлари бизнесни бўлишда, ажратишда бирор бир ғайирли ният борлигини исботлашлари лозим.

Бунинг учун солик тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш керак:

- корхона алоҳида-алоҳида бўлгандан сўнг бир хил турдаги фаолиятни амалга оширади, бир хил юридик манзилда жойлашган, бир хил бинолардан, ходимлардан фойдаланади, ягона моддий-техник базага эга, бир хил мижозлар, ягона ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган ягона комплексдан иборат бўлиши;

- бир киши томонидан солик ва бухгалтерия ҳисботларини юритиш, бир мижозга хизмат кўрсатиш;

- ташкилотлар ходимлари ўз иш вазифаларига мувофиқ бир хил ишни бажариш, ходимлар бир хил логотипли кийимларда бўлиши мумкин;

- корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бухгалтерия хужжатлари ва хужжатларини биргаликда сақлайдилар ва ягона ЙР-манзилдан фойдаланадилар;

- бир хил банкларда бир хил шахслар томонидан очилган компанияларнинг жорий ҳисобварақлари;

- инвентаризацияни бошқариш учун ягона таъминот менежери жавобгарлиги;

- ўзаро боғлиқ шахслар гурухи корхоналаридан бирида олинган даромад “соддалашибтирилган” чегарага яқинлашса, мижозлар билан шартномалар бекор қилинади ёки шу шартлар асосида бошқа бир-бирига боғлиқ корхона билан қўшимча шартномалар тузилади.

Солик тўлашдан бўйин товлашнинг бундай схемасини аниқлаш учун солик органлари компанияга текшириш билан келишлари кифоя.

3. Имтиёзли солик ставкаларини қўллаш.

Солик тўловчи даромадларни солик тўлашдан яшириш учун бино ва ускуналарни 0% миқдорида даромад солиги тўлайдиган маҳсус иқтисодий зона (МИЗ)нинг резидент- компаниясига ўтказилади. Шу билан бирга, солик тўловчи МИЗ резидентидан худди шу активларни ижарага олади. Натижада, солик тўловчи даромад солигини камайтирадиган харажатларга эга ва резидент-бенефициар солик тўламайдиган даромадга эга.

Солик тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш учун солик органлари ижара нархини таҳлил қилиб, юқорилиги аниқланса, билингки бу ерда даромадларни яшириш ҳолати ҳосил бўлади. Қолаверса, компанияларнинг ўзаро боғликлиги ва ҳаракатлар изчиллигини исботлаш мумкин бўлади.

4. Шартномаларни алмаштириш.

Амалиётда кўпинча олди-сотди шартномасининг ўрнини алмаштириш мавжуд бўлиб, у шароитга қараб комиссион битим сифатида, лизинг шартномаси сифатида ёки устав капиталидаги акцияларни сотиш шартномаси сифатида тақдим этилади. Аванс бўйича ҚҚСни олдини олиш мақсадида компаниялар кредит шартномасини тузадилар, товарлар жўнатилгандан сўнг эса қарз маблағлари тўлов ҳисобига олинади. Ёки контрагент билан комиссия шартномаларини тузадилар, гарчи улар аслида товарлар олди-сотдиси бўйича операцияларни амалга оширсалар ҳам.

Солик тўлашдан бўйин товлаши схемаси белгилари:

Комиссия шартномаси. Коммитент комиссия агенти томонидан товарнинг якуний сотилишига қадар ҚҚС ва даромад солигини тўламайди. Бу вазиятда солик, бирламчи ҳужжатлар ва битим шартлари таҳлил: комиссия агенти (agent) ҳисоботи, пул ўтказиш санаси, шартнома шартларини ўзгартириш, муайян муддатдан кечиктирмай тўлаш ҳақида шарти, қатъи назар, унинг амалга ошириш кисмларида товарлар учун тўлов ўтказиш шарти. Воситачилик шартномалари

бўйича комиссия агенти ҳисоботи (ёки агентнинг Агентлик шартномаси бўйича ҳисоботи) тузилиши керак.

Комиссия шартномаси Коммитентнинг зиммасида бажарилиши керак. Агар жорий ҳисоб-китоблар бўйича пул оқимларини таҳлил қилиш чоғида солиқ органлари мол-мулкни сотишдан олдин пул маблағларининг ўтказмасини топсалар, улар шартнома воситачилик муносабатларининг хуқуқий хусусиятига зид бўлган комиссия агенти ҳисобига бажарилади, деган холосага келадилар. Товар тўлаш шартининг шартномада маълум муддатдан кечиктирмай бўлиши ҳам воситачилик битими тушунчасига зид келади.

Лизинг шартномаси. Молиявий ижара шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича лизинг берувчи лизинг олевчи томонидан белгиланган мол-мулкка эгалик хуқуқини ўзи белгилаган сотувчидан сотиб олиш ва лизинг олевчига бу мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Олди-сотди шартномалари лизинг шартномалари билан алмаштирилган ҳолларда, тўлов аслида узилишларда амалга оширилади ва лизинг тўловлари сифатида белгиланади.

Лизинг шартномасининг асосий фойдаси шундан иборатки, унинг қўлланилиши солиқ тўловчига тезлаштирилган амортизациядан фойдаланиш имконини беради, яъни асосий воситалар қиймати даромад солиғи харажатлари сифатида уч баробар тезроқ ҳисобдан чиқарилади.

Устав капиталидаги акцияларни сотиш бўйича келишув. Устав капиталидаги акцияларни сотиш ҚҚС билан боғлиқ эмас. Шунинг учун, ҚҚС тўлаш олдини олиш учун, солиқ тўловчилар баъзан устав капиталида бир улушини сотиш каби кўчмас мулк ёки ускуналар сотиш рўйхатдан. Масалан, “сотувчи” харидор билан мол сотишга рози бўлади. Бунинг учун, minimal устав капитали билан МЧЖ яратади, ва кейин кредит шартномаси орқали унинг устав капиталига катта ҳисса қўшади. Бу қарз пули билан янги ташкил етилган МЧЖ назорат остида солиқ тўловчи – “сотувчи”дан кўчмас мулк обьектини сотиб олади. Шундан сўнг харидор ушбу МЧЖда улушга эга бўлади. Бундай ҳолда улушни сотиб олиш бўйича битим кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш бўйича битимни қамраб олади.

З-мавзу. Мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг аҳамиятини ошириш масалалри.

Р Е Ж А

3. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг асосий йўналишлари.

4. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни тартиба солишдаги асосий ўзгаришлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солик сиёсати бўйича ресурс солиқлари маъмурчилиги йўналишида солик қонунчилигига киритилган асосий ўзгартеришлар.

1. Табиий ресурсларидан самарали фойдаланишда бюджет солик сиёсатининг асосий йўналишлари.

Жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги, улар кўпчилигининг қайта тикланмаслиги мавжуд табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш эвазига жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўликроқ қондиришга эришиш заруратини тақозо этади.

Табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни тўликроқ қондиришда ва республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан бири шубҳасиз, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, нутқларида табиий ресурслардан, жумладан ер, сув, ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг нақадар аҳамиятли эканлиги кўп бора таъкидлаб ўтилиши, республикамизда табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишнинг зарурлиги давлат сиёсати даражаси сифатида қаралишининг ёрқин ифодасидир. “Афсуски, кейинги пайтларгача бизда ер ости бойликлари, ер, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа табиий ресурслардан солик ундириш тамомила тан олинмай келинарди. Бунда корхоналарга табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш қонунлари билан ҳисоблашмасдан бебаҳо, ўрни тўлдирилмайдиган табиий бойликлардан ваҳшиёна фойдаланиш имкони берилар

эдики, бу билан биз ўзимизнинг ҳақимизга ҳам, авлодларимизнинг ҳақига ҳам хиёнат қилиб келардик”⁸.

Шундан келиб чиққан ҳолда республикамида амалга оширилган солиқ тизимидағи ислохотларда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг муҳим иқтисодий механизми бўлган табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар жорий этилишига қаратилди. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг муҳим кўриниши, улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий этилган солиқлардир. Бундай солиқлар мөҳиятига кўра табиий ресурс солиқлари сифатида эътироф этилиб, мамлакатимиз солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда уларга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги муҳим устувор вазифалардан бири шубҳасиз, солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришdir. «Бу ўринда асосий юк табиий, минерал хом-ашё, ер-сув ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи ресурс солиқларига тушиши лозим»⁹. Республикализ солиқ тизимини такомиллаштиришда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларга кенг эътибор берилишининг нақадар ақамиятли эканлигини мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг юқорида қайд этилган фикрларидан ҳам кўриш мумкин.

Шу маънода республикамида хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш, уларнинг аҳамиятини ошириш масалаларига доир хулосаларни асослаш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни илмий жиҳатдан асослаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ сиёсати икки йўналишда амалга оширилади:

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар жорий этиш;
- имтиёзли солиққа тортиш ва солиқдан озод қилиш.

Мамлакатимиз солиқ тизимида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларга: ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ кабилар киради.

Жорий этилган махсус солиқлар орқали табиий ресурслардан фойдаланиш муайян даражада тартибга солинса, имтиёзли солиққа тортиш орқали эса

⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т .: Ўзбекистон, 1998. 360-361-бетлар.

⁹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.

хўжалик юритувчи субъектларнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари рағбатлантирилади. Шунингдек, айrim табиий ресурслардан меъридан ортиқ фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чоралари ҳам белгиланган.

Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқларнинг жорий этилиши фискал аҳамият касб этиши билан биргаликда, ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда табиий ресурсларга бой ўлкамизда улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун маҳсус тўловларнинг мақбул тизимининг жорий этилиши, бир томондан табиий ресурсларни даврлар бўйича teng таксимлаган ҳолда улардан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурати билан ифодаланса, иккинчи томондан эса, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва сифат ҳолатини яхшилаш учун давлат харажатларини молиялаштириш зарурати билан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг умумий моҳияти бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги молиявий муносабатларида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлат бюджетига ресурслар жалб этиш, юридик ва жисмоний шахслар иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий воситаси ҳисобланади. Солиқлар ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни қайта таксимлашда иштирок этади. Уларнинг манбаи миллий даромад ҳисобланаб, ишлаб чиқариш омиллари, яъни меҳнат, капитал ва табиий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш жараёнида янгидан яратилган қийматдан ундирилади. Солиқлар давлат томонидан ўзлаштирилиб, унинг мулкига айланади ва давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишда фойдаланилади.

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда мамлакат солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги кўплаб мамлакатлар тажрибаси ўзининг муайян экологик самарадорлигини кўрсатаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурс солиқлари бажарадиган вазифалар борасида ҳам турли фикрлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, табиий ресурс солиқлари экологик солиқлар сифатида, амал қилиш жараёнида икки вазифани:

биринчидан, табиий ресурслар баҳосига таъсир этиш орқали, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш;

иккинчидан, жамиятга етказилган экологик заарлар бутун жамият ҳисобидан эмас, балки жамиятга заар етказувчилар томонидан компенсация қилиниши лозимлиги таъкидланади¹⁰.

Ушбу фикрлардан кўришимиз мумкинки, бу ерда табиий ресурс солиқлари бажариши лозим бўлган вазифаларга одилона, бозор қонун-қоидалари асосида ёндашилиб, уларнинг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш вазифаси ва фискал вазифаси эътироф этилган.

Қайд этганимиздек, табиий ресурс солиқларини жорий этишдан асосий мақсад, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат томонидан белгиланадиган иқтисодий механизмининг таркибий қисми бўлган солиқ механизми алоҳида аҳамиятга эга. Давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқларнинг жорий этилиши натижасида товар баҳосига, яъни унинг таклифига таъсир кўрсатилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иложи борича табиий ресурслардан интенсив тарзда, самарали ва оқилона фойдаланиш эвазига ўзи ишлаб чиқарган товарга талаб ва таклиф мувозанатини сақлашга бўлган мойиллигини кучайтиради.

Шу ўринда қуйидаги фикрларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: “Ресурслар чекланганлигидан жамият ўз эҳтиёжини қондириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидан боради. Ресурслар камёб бўлар экан, уларни тобора қўпроқ ишлатиш орқали эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Шу сабабли жамият ресурсларни тежаб ишлатиш йўлига ўтади, ресурс бирлигидан қўпроқ маҳсулот олади, бунда ҳам моддий ҳам меҳнат ресурсларидан тежалади”¹¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан ҳам кўришимиз мумкинки, жамиятда ресурслар чекланган экан, чексиз эҳтиёжларни қондиришнинг бирдан-бир воситаси улардан интенсив тарзда, тежамкорлик билан фойдаланишни талаб этади.

Солиқларнинг самарали механизмини шакллантиришнинг жаҳон амалиёти ва республиканизмнинг мустақиллик йилларида бу борадаги тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда айтишимиз мумкинки, солиқ сиёсати айни пайтда эгилувчан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монанд бўлиши лозим. Акс ҳолда солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларининг

¹⁰ Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. Учебное пособие. –М.: ТЕИС, 1997. 206 стр.

¹¹ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Мехнат, 1995. 44-45 бетлар.

уйғунлашишига эмас, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омилга айланиши мумкин.

Шунингдек, бу эса ўз навбатида давлатнинг ўз олдига қўйган вазифаларини тўлиқ бажаришига имкон бермайди. Натижада ҳар икки томон манфаатлари ҳам қаноатланмайди. Шунинг учун бошқа тизимлар каби солиқ тизими ҳам мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мутаносиб ҳолда такомиллашиб бориши ва бу жараёнда уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон фармони ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усуулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуки бериладиган бўлди.

Шунингдек, 2021 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, фармон билан, 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш бўйича қуидагиларни назарда тутувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари маъқулланди:

дехқон хўжаликлари ва мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер солигини ҳисоблашда ер солиги ставкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ўрнатилганидек белгилаган ҳолда, жойлашган жой ва етишириладиган қишлоқ хўжалиги экин турлари коэффициентлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш;

барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкаларини юридик шахслардан олинадиган ер солиги учун солиқ солиш объектидан чиқариш;

тегишли сувни ҳисоблаш ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида агрегатларни (турбиналарни) совутиш учун сувдан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқка тортиш базасини табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб ташланган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб ҳисоблаш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йил даражасида сақлаб қолиши, қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни кўпайтириш (етишириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисмида эса, шу жумладан дехқон хўжаликларига 1 куб метр учун 40 сўм миқдорида ягона солиқ ставкасини белгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда турли мақсадларда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартибини киритиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишида тақдим этиш тартибини белгилаш.

Солиқ юкини камайтириш мақсадида, 2021 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонасига дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун тўлов миқдори шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизидан 0,1 фоизига туширилиши;

норуда фойдали қазилмалари конларини ўзлаштириш ва уларнинг самарали қазиб олинишини таъминлаш мақсадида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Булардан ташқари, фармон билан фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшайдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун Давлат солиқ қўмитасига зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирликлари доирасида 3 штат бирлигигача маркшайдерларни жалб қилиш;

давлат солиқ хизмати органларига ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишда бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни чақириб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташаббус билан чиқиш ваколати берилди.

Фармонда белгилangan муҳим янгиликлардан яна бири, мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) обьектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этилишининг белгилanganлигидир.

Унга мувофиқ, кўчмас мулк обьектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими қўйидаги икки босқичда жорий этиш:

биринчи босқичда (2021 — 2023 йиллар) — кўчмас мулк бўлган тураг-жой фонди обьектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ховли), шунингдек, ушбу обьектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан;

иккинчи босқичда (2022 — 2024 йиллар) — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк обьектлари, шунингдек, ушбу обьектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамас, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитага, зарурат туғилганда хорижий эксперталарнинг хизматига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда уларни жалб қилиш орқали;

- кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитлар жалб қилишни;

-2021 йил 1 апрелга қадар халқаро молия институтлари эксперталари билан биргаликда кўчмас мулк обьектларига солиқ солишни янада такомиллаштириш бўйича ер солиги ва мол-мулк солифини ўрнига кўчмас мулк солифини киритишни назарда тутувчи «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

- кўчмас мулк обьектининг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ёки жисмоний шахс эгалигида бўлиши эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва обьектнинг фойдаланиш мақсадидан келиб чиқсан ҳолда солиқ солиш тартиби бирхиллаштирилиши ва ер солиги бўйича адвалор ставкаларни киритишини;

шу билан бирга белгиланган тартибда қуидаги лойиҳалар киритилишини:

2021 йил 1 августга қадар - кадастр қийматини максимал даражада бозор баҳосига яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турар жой фонди кўчмас мулки обьектларинг кадастр қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қуриш ва уй-жойга хизмат кўрсатиш обьектлари билан банд бўлган ер участкаларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини киритиши бўйича;

2021 йил 1 ноябрга қадар — яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектлари ва ушбу обьектлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор баҳосига максимал даражада яқинлаштирилган кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиши тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳаларини тайёрлаш;

2021 йил 1 декабрга қадар - фойдаланишга рухсат этилган ер участкалари турлари классификаторлари ва уларга бўлган ҳукуқларни тугатиш учун асосларни назарда тутувчи Ер кодексининг янги таҳрири лойиҳасини;

-2021-2022 йилларда республиканинг қуидаги «тажриба-синов» худудларида ер участкаларидан фойдаланишига ва капитал қурилиш обьектларининг белгиланган мақсадига қараб кўчмас мулк обьектларининг бозор қийматига асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилишини:

турар ва нотурар (тижорий) жойларга мўлжалланган кўчмас мулк обьектлари — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани;

саноат обьектлари — Навоий вилояти Навоий шаҳри;

рекреацион зоналар ва алоҳида қўриқланадиган худудлар обьектлари — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган обьектлар — Бухоро вилояти Ромитан тумани таъминлаш белгиланди.

Бунинг учун, 2021 — 2024 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағ ажратиб бориш Молия вазирлигига юклатилди.

Шу билан бирга Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк обьектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини

такомиллаштириш, кўчмас мулк объектларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиқкан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, фармонда, бюджет даромадларини барқарорлаштириш мақсадида, 2021 йил 1 июлига қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ўрмон хўжаликлари, балиқ овлаш хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, шунингдек, истироҳат боғларини соликқа тортиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига юклатилди.

Президентимизнинг мазкур фармони билан айрим меъёрий хужжатларга жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4816-сон қарорига ўзгартириш киритилиб, унда балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдорида белгилашни 2020 йилдан қўллаш ҳуқуки берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-6061-сон фармони билан, ер майдонларининг ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тутатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилиб, Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат ер кадастри, бинолар ва инишотлар давлат кадастрини юритиш;

кўчмас мулкка бўлган хукуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш;

- геодезия ва картография соҳасида:

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

- давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, худудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;

- кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

- кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

Шу билан бирга, фармон билан, кўчмас мулкка бўлган хукуқларнинг, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк хукуки, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш хукуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланиши;

кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида унинг кадастр йиғмажилди тайёрланиши белгиланди.

Бундан ташқари Фармон билан, захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда - туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда - туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан тайёрланиши ҳамда ушбу харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қопланиши;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан ўрмон хўжаликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансда сақловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаҳодатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимида ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланиши;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириши;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилиши тартиблари белгиланди.

Шунингдек, Фармонда 2021 йил 1 январдан бошлаб:

ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилиши ва онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилиниши;

ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шахар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геоахборот тизимида юритилиши;

Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилиши;

тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши белгиланди.

Бундан ташқари фармонда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қўчмас мулк обьектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йифимни камайтириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини вазирлар Маҳкамасига киритиш Кадастр агентлигига юклатилди.

2021 йил 1 январдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, сугориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилди.

Иқтисодий соҳадаги кенг кўламли ўзгаришлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни уларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, назоратини амалга оширишнинг қулай имкониятларини яратади.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги бюджет-солиқ сиёсати бўйича ресурс солиқлари маъмурчилиги йўналишида солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиришлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги ЎРҚ-659-сонли Қонуни ресурс солиқлари маъмурчилиги йўналишида солиқ қонунчилигига қўйидаги ўзгартиришлар киритилди.

1. Ер солиғи бўйича, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллаган ерлар бўйича, шунингдек дехқон

хўжаликлари учун солиқни сугориладиган ва сугорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикаси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби бекор қилинди ва уларга қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқиб тўлашга ўтказилди.

Солиқ кодексида юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ҳудудлар кесимида (мутлақ миқдорда) базавий солиқ ставкаси белгиланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкасининг аниқ миқдори қўйидаги тартибда аниқланади:

2021 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида (*юридик ва жисмоний шахсларнинг*) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиги ставкасига **0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиги ставкаларини белгилаши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса – Солиқ кодексида белгиланган ер солиги ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида **0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни киритиш хуқуқига эга.

Бунда, белгиланган ер солиги ставкасига туман депутатлар Кенгашлари томонидан **солиқ юкуни кескин ошишини олдини олиш мақсадида 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентини биринчи йилларда қўллаш мақсадга мувофик. **Алоҳида жойлар** ва республиканинг **туристик зоналаридаги** алоҳида ер участкалари, шу жумладан жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган **1 гектардан ортиқ** ер участкаларига **нисбатан 3,0 гача оширувчи** коэффициент қўлланилиши мумкин (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июлдаги ПФ- 6027- сонли Фармони*).

Шунингдек, **жисмоний шахсларнинг** ер майдонлари учун олинадиган **ер солиги** (якка тартибдаги тадбиркорлар ва туристик зоналарда жойлашган ер участкаларидан ташқари) **суммаси** 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан ошмаслиги** белгиланган.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида ер участкаларига, шунингдек туристик зоналарда жойлашган жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкасига ер солиғини 3 бараваргача миқдорда оширувчи ставкасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги **солиқ органларига** солиқ ставкаларини жорий солиқ даврининг **31 декабрига қадар** тақдим этадилар.

Солиқ кодексида **юридик шахслар** бўйича қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлари учун **базавий солиқ ставкаси, республика ҳудудлари кесимида 1 гектар** учун мутлақ миқдори қуидагича белгиланди:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда
Тошкент шаҳри:	
1 зона	208,2
2 зона	166,5
3 зона	124,9
4 зона	83,3
5 зона	41,6
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навоий вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

Солиқ кодексида **жисмоний шахслар** бўйича **республика ҳудудлари кесимида** базавий солиқ ставкалари **мутлоқ миқдорда 1 кв.м.** учун, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ташқари қуидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 кв.м. учун базавий солик ставкаси, сўмда
Тошкент шаҳри:	
1 зона	1193,6
2 зона	1013,2
3 зона	832,6
4 зона	652,3
5 зона	471,8
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0
Навоий вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Юридик шахслар учун қуидагилар эгаллаган ер қисми бўйича солик имтиёzlари бекор қилинди:

туристик зоналарда жойлашган, санаторий-курорт обьектлари;

оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт обьектлари эгаллаган ерлар учун ер солигининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ер солигини тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бўйича берилган солик имтиёzlари бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш технологияларни киритиш ҳисобига кенгайтирилмоқда. 2021 йилнинг 1 январигача фақатгина

томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланаётган солиқ тўловчилар солиқ имтиёзидан фойдаланиши мумкин эди.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бошқа турдаги сувни тежайдиган суғориш (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа (шу жумладан томчилатиб) технологияларини жорий этилган ерлар – сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилмоқда. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органининг хulosаси асосида берилади.

Агарда, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

Конунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир кўрсатиш чоралари назарда тутилиши мумкин бўлган ва солиқ имтиёzlари татбиқ этилмайдиган обьектлар жумласига самарали фойдаланилмаётган, балиқ қўпайтириш (етиштириш) учун мўлжалланган сунъий сув ҳавзаларини киритиш билан ер участкалари рўйхати кенгайтирилмоқда. Бу ер участкаларига ер солиғи бўйича солиқ имтиёzlари қўлланилмайди.

2. Мол мулк солиғи бўйича, Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган обьектларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 дан 0,4 фоизга оширилди.

Жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари 1,15 бараварига индексация қилинди. Бунда, 2021 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ суммаси, 2020 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан қўп оширилмаслиги белгиланди.

Туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт обьектлари бўйича солиқ имтиёzlари бекор қилинди.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт обьектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

Кўп квартирали уйларига бевосита узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнининг мол-мулкига солинадиган солиқ обьектига

киритилди. Бундай объект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасида солиққа тортилиши белгиланди

3. Сув ресурсларидан фойдаланғанлик учун солиқ бүйича, Солиқ ставкалари 15 фоизга, иқтисодиёттінг алоҳида тармоқлари учун эса 30 фоизга индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексида белгиланмоқда.

Бунда, солиқ ставкалари коммунал хизмат күрсатиши корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинди. қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 1 куб.м. учун 40 сўм миқдорида белгиланди.

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб метр учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/п	Тўловчилар ва солиқ солиши объекти	1 куб метр учун солиқ ставкаси, сўмда:	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиёттинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2–6-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиши корхоналари	70	90
4.	қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари	40	40
5.	автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	1 990	1 990
6.	пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25 185

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш), шу жумладан деҳқон хўжаликларида сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда, солиқ ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади.

Солиқ кодексига киритилган қўшимчага мувофиқ, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари солиқ солиш обьекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжаликларида сувдан фойдаланувчи шахслар учун солиқ базасини аниқлаш тартиби қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартирилмоқда. Хусусан, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили:

жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга солиқ базасини аниқлаш учун;

дехқон хўжаликлари бўйича солиқни ҳисоблаш учун - солиқ органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этши белгиланди.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари солиқ базасини табиий ва сунъий сув обьектларидан олинган ва ушбу сув обьектларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солиқ тўловчилар солиқ базасини табиий сув обьектларидан маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув обьектларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатнома мавжуд бўлганда қўлланилади.

Солиқ солиш обьекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлаш тартиби киритилмоқда.

4. Ер қаъридан фойдалангандик учун солиқ бўйича киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Ер қаъридан фойдалангандик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Қуйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдорида, бироқ 1 куб. м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда:

қурилиш құмлари (2020 үйлде 5 фоиз, бироқ 1 куб. м үчүн 8 500 сүм бўлган);
 қум-шағал аралашмаси (2020 үйлде 5 фоиз, бироқ 1 куб. м үчүн 7 500 сүм бўлган);
 қумтошлар (5 фоиз), қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари) (2020 үйлде 5 фоиз, бироқ 1 куб. м үчүн 10 000 сүм бўлган);
 қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфириллар ва сланец жинслари) (2020 үйлде 5 фоиз, бироқ 1 куб. м үчүн 10 000 сүм бўлган).

Солиқ солинадиган объектнинг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда	
	2020 үйлда	2021 үйлда
Қурилиш құмлари	5%, бироқ 8 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган
Қум-шағал аралашмаси	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган
Қумтошлар	5 фоиз	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5%, бироқ 10 000 сүм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфириллар ва сланец жинслари)	5%, бироқ 10 000 сүм/куб метрдан кам бўлмаган	5%, бироқ 7 500 сүм/куб метрдан кам бўлмаган

Масалан: Тошкент вилояти Чиноз туманида фаолият кўрсатадиган хусусий корхнаси томонидан 2020 үйлда 40 154 куб.метр “Қурилиш құмлари” қазиб олган ва 8 500 сүм солиқ ставкасида 341,3 млн.сүм солиқ тўлаган бўлса, 2021 үйлда ҳам шу миқдорда “Қурилиш құмлари” қазиб олганда, солиқ ставкаларини унификация қилиншии натижасида (солиқ ставкаси 7 500 сүм) 301,2 млн.сүм солиқ тўлайди ёки 40,1 млн.сүм кам солиқ тўлайди.

“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун олтин, кумуш, палладий ва мис бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорда белгиланди.

Бошқа фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкалари 2020 үйл даражасида саклаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли сalomатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон фармони билан тасдиқланган ДАВЛАТ ДАСТУРИ”нинг 3.3. бўлими “**Солиқ ислоҳотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиқса тортиладиган базани кенгайтириш**” деб номланиб унда ресурс солқлари маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қуидаги тадбирлар белгиланди

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни хисоблаш маъмурчилигини такомиллаштириш;

Мазкур йўналишда, маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш;

алоҳида турдаги маҳсулотларнинг қонуний айланмасини таъминлаш механизмини тубдан такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш ҳажмини, омборлардаги қолдиқларни ва маҳсулот реал вақт режимида жўнатилишини назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

товарлар ва хизматлар турлари бўйича ягона таснифлаш тизимини жорий этиш.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

БИРИНЧИ НАМУНА.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Солиқлар сиёсатининг асосий йўналишлари” ўқув курсининг
“Оилавий тадбирокрликни ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва
енгилликларни тадбиқ этилиши” мавзуси бўйича тайёрланган**

КЕЙС- СТАДИ

**Кейс: “Mening oilam” оилавий корхонада фаолиятини
ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва енгилликларни тадбиқ
етилиши ўрганиш .**

Тошкент – 2020

I.КЕЙС

Оилавий тадбиркорликни ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва енгилликларни тадбиқ этилиши

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув предмети: «Солиқлар ва солиққа тортиш».

Мавзу: «Оилавий тадбиркорликни солиққа тортиш».

Ушбу кейснинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликка қулай шарт-шароитлар яратишида солиқ имтиёзлари ва енгилликларни қўллаш орқали аҳолининг тадбиркорликка ундаш масалалари.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- оилавий тадбиркорлик фаолиятига оид солиқ меъёрий ҳужжатларни рўйхатини шакллантиради ва оилавий тадбиркорликни ташкил этилиш босқичларини ўзлаштириш;

- оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда солиқ тўловларидан ташқари қўшимча берилган енгилликлар оид маълумотларни таҳлил қилиш ва солиқ базасини ҳисоблаш механизмини ҳисоб-китобини амалга оширишда малакаларини орттириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун оилавий тадбиркорлик фаолияти учун берилган солиқ имтиёз турлари, уларнинг қўлланилиши хусусиятлари ва қўшимча қулайликларга оид маълумотларни таҳлил қилиш ва солиқ базасини ҳисоблаш механизмини ҳисоб-китобини амалга оширишда нисбатан мавжуд ёндашувлар хақидаги билимларга эга бўлишлари лозим.

Ушбу кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттиради. Кейс

объекти –

Оилавий корхона шаклидаги юридик шахс ёки якка тардибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахс.

Ахборот манбалари:

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон Қонуни, Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори;

- Давлат хизматлари шаклидаги «Ягона дарча» марказлари маълумотлари;

- Оилавий корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг 2016-2017 йиллардаги иш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари хақидаги йиллик ҳисботлари.

Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси:

Кейс ҳаётий, сюжетсиз кейслар категориясига киради ва статистик материаллар асосида тузилади. Кейс қисқа, тузилмаланган. Бу кейс-топшириқдир.

Кейс дидактик мақсадларига кўра вазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегиялари ва йўлларини ишлаб чиқишига рағбатлантирадиган кейслар тоифасига киради.

Кейс электрон версияда тақдим этилган.

Кейсдан қуидаги ўқув предметларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин: «Солиқлар ва солиқقا тортиш», «Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш», «Юридик шахсларни солиқقا тортиш» ва «Жисмоний шахсларни солиқقا тортиш».

3.2.ТАЛАБАГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Кейс услугий паспортининг мазкур компоненти қуидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишига ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);
- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш вараги ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишига доир йўриқнома;
- кейс билан индивидуал ва гурӯҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсатичлари;

КЕЙС СТАДИ

Имтиёзлар – оилавий тадбиркорлик учун мадад

Мазкур материалда барча тоифадаги корхоналар, шунингдек айирим фаолият соҳалари корхоналари учун белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар келтирилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши биланоқ, бозор иқтисодиётининг асосий негизларидан бўлган хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг дахлизлиги ва ишончли ҳуқуқий ҳимоясини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган миллий қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги**, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, мазкур соҳани тартибга солишда, ривожлантиришда ва албатта мулқдорлар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, мулқдорлар синфининг шаклланишига, хусусий мулк ҳимояси ва дахлизлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишига ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-хуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг хуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Конуни

З-моддасида белгиланганидек, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади ҳамда юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилингани туфайли, ҳеч шубҳасиз, юртимизда оилавий бизнеснинг хуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига қулай имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан:

- Президентимизнинг 2017 йил 31 январда ПҚ-2746-сон "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра, Тошкент шаҳрида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлашнинг янги схемасини жорий этилди ва ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, **оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шугуланаётган аҳоли**, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар микрокредитлаш учун қамраб олинадиган шахслар орасида устувор контингентлар сифатида эътироф этилди.

- Президентимизнинг 2017 йил 17 мартағи ПҚ-2844-сон "Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари ва барча аҳоли қатламининг имтиёзли микрокредитлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини янада ошириш мақсадидаянги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва **оилавий тадбиркорлик субъектларига фаолиятини** амалга ошириш учун олинган товарларни гаров сифатида ҳисобга олган ҳолда энг кам иш ҳақининг **20 баробаригача миқдорда микрокредитлар ажратиши**, янги давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 60 баробаригача миқдорда микрокредитлар кредитлашга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги асосида ажратиши кенгайтириш белгиланди.

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий

тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сонли Қонунда белгиланган оилавий корхоналарга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Солиқ кодексининг 176 ва 179-моддаларига киритилган ўзгартиришга асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин **оилавий корхона иштирокчиси** ихтиёрида қоладиган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига киритилади ва **жисмоний шахсларнинг даромади сифатида солиқка тортимлайди**. Шунингдек, 351-моддасига киритилган ўзгартириш билан оилавий корхоналар солиқ солишининг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқисиз, ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон қонунининг 28-моддасида оилавий корхона туар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш **аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича** ва шартлар асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

Оилавий корхонани ташкил этиш ва унга солиқ солиш тартиби ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДА

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этиладиган оилавий тадбиркорлик фаолияти **Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда** (рўйхат рақами 216, 2009 йил 29 июль, кейинги ўринларда – Низом) белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Оилавий тадбиркорлик – эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидир.

Оила аъзолари – эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалардир.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишида **якка тартибдаги тадбиркорни** давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунаидаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади (Низомнинг 4-банди).

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

Низомнинг 8-бандига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади.

ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТГАН ҲОЛДА

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли **оилавий корхонадир**. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин (Қонуннинг 4-моддаси). Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун хужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун хужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун хужжатларида белгиланган ўртacha йиллик сонидан қўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опасингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Эътибор беринг, бунда **фақат муомалага лаёқатли шахслар** оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин (Қонуннинг 5-моддаси).

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун хужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан унинг бошлиғи иш кўради.

Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради (Қонуннинг 6-моддаси).

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойдир.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

ОИЛАВИЙ КОРХОНАГА СОЛИҚ СОЛИШ

Оилавий корхона Қонуннинг 26-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 351-моддасига асосан белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчисидир.

Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод этилади. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартағи ПФ-3588-сонли Фармони билан тасдиқланган.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

МОЛ-МУЛК СОЛИФИ

Солиқ кодексининг 276-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойидан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, унга **мол-мулк солиғи жисмоний шахслар** учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

ЕР СОЛИФИ

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, **ер солиғи жисмоний шахслар** учун белгиланган ставка бўйича тўланади (Солиқ кодексининг 291-моддаси иккинчи қисми).

Кейс стадига оид саволлар:

1. Акамнинг оиласи билан биргаликда оилавий корхонамизни очмоқчимиз. Оилавий корхона очиш тартиби қанақа ?
2. Оилавий тарбиркорликда кредитга оид қандай имтиёзлар кўзда тутилган?
3. Бундан ташқари юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда очилган корхоналарнинг бир-бираидан фарқи нимада?
4. Агар фаолиятимизни йўлга қўйсак, мол-мулк ва ер солиқларини қайси ставкалар бўйича тўлашимиз керак бўлади?
5. Оилавий тадбиркорликда бошқа тадбиркорлик фаолиятига қараганда қандай қулай шарт-шароитлар белгиланган?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Реал сектор статистикаси” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўкув

адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китобидан келтирилган солиқ ва солиқса тортиш тизимиға оид масалаларни ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси бўйича ўзгартиришларни ўрганиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон қонуни

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон қонуни

6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 36-сон

7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. (Янги таҳрири) Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон)

8. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 1-сон

9. Солиқ сиёсати ва уни макроиктисодий сиёсат билан ўзаро уйғунлиги

10. Солиқ сиёсатининг стратегик йўналишлари. Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ сиёсатининг хусусиятлари.

11. Инқизорзининг навбатдаги тўлқини шароитида АҚШда солиқ сиёсатининг хусусиятлари.

12. Японияда солиқ сиёсати ва унинг ўзига ос хусусиятдари
13. Хитой давлати солиқ сиёсати
14. МДҲ мамлакатларида солиқ сиёсати.
15. Россия федерацияси солиқ сиёсати в унинг стратегик йўналишлари
16. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган солиқ сиёсати
17. Солиқлар ҳақидаги иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари

VII. ГЛОССАРИЙ

ТЕРМИН	Рус тилида	Инглиз тилида	ўзбек тилидаги шархи
Асосий воситалар	Основные средства	fixed assets	деб, корхонада кўпийил фойдаланиладиган меҳнат қуроллари: яъни бинолар, иншоотлар, машиналар ва асбобускуналар.
Асосий воситалар билан таъминланиш	Обеспеченоость основными средствами	Provision of fixed assets	корхонанинг бизнес-режасига ёки ўтган оғийилларга нисбатан асосий фондлар билан қуролланиш даражаси.
Актив (фаол) асосий фондлар	Активные основные средства	Active fixed assets	куч берадиган машиналар ва асбобускуналар, иш машиналари, ўтказгич жиҳозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари.
Асосий фондларни янгилаш коэффициенти	Коэффициент обновления основных фондов	The coefficient of fixed assets renewal	янги келган асосий фондлар сўммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.
Асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимлари	Денежные потоки от основной деятельности	Cash flows from operating activities	хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда микдорига таъсирини ифодалайди.
Айланма маблағлар	Оборотные средства	current assets	айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағлари.

Бошқарув тамойиллари	Принципы управления	principles of management	иқтисодиётнинг барча соҳаларини бошқариш тизимининг тузилиши ва амал қилинишини белгилаб берувчи асосий қоида.
Бошқарув тизими	Системы управления	Control systems	бошқаришнинг мақсадлари, таркиби, шакли ва усуллари мажмуаси. У динамик бўлиб, ижтимоий иқтисодий шароитлар ўзгариши билан унинг унсурларини аник мазмуни ҳам ўзгаради.
Балансни ликвидлиги	Ликвидность баланса	balance Liquidity	балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.
Брак махсулот	Бракная продукция	bar products	тасдиқланган андоза ва техника шартларга мос келмайдиган махсулот.
“Баланс”	Баланс	Balance	лотинча бис – икки марта, банд – тарози палласи сўзларидан таркиб топиб, том маънода икки палладеган маънони англатади ва тенглик тушунчаси сифатида ишлатилади.
Бир сўмлик товар кетган харажат	Затраты на один сум товарной продукции	The cost of one sum of commodity products	ишлаб чиқариш таннархини товар махсулоти ҳажмига

			нисбати тариқасида аникланади.
Дебитор қарзлари	Дебиторская задолженность	Receivables	айнан таҳлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.
Дебиторлик қарзларининг айланиш куни	Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях	Accounts receivable turnover in days	дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида аникланади.
Индукция	Индукция	Induction	тадқиқотни ёки бирор объектни (ходисани, жараённи) хусусийликдан умумийлик сари ўтилиши тушунилади.
Ички резервлар (имкониятлари)	хўжалик Внутрихозяйственные резервы	Intra reserves	хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниклашда ижобий таъсир этувчи омиллар харакатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш тушунилади.

Иқтисодий-математик усуллар	Экономико-математические методы	Economic-mathematical methods	интеграл, корреляция, регрессия, омиллар тизимини детерминлашган моделларда акс эттириш, назарий ўйин кабилар.
Инвестиция фаолияти	Инвестиционная деятельность	Investment activities	номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узок муддатли моддий активлар сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунида акс эттирилади.
Ижтимоий унумдорлиги мешнат	Социальная производительность труда	Social productivity	моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад микдори билан ўлчанади
Индивидуал унумдорлиги мешнат	Индивидуальная производительность труда	Individual productivity	индивидуал (якка тартибда ишловчининг (локал) участка, цехдаги, корхона, тармоқдаги) ишловчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти.
Кредитор қарзлари	Кредиторская задолженность	Accouns payable	ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айнан таҳлил қилинаётган корхона айланмасида

			қатнашиши тушунилади.
Кредиторлик қарзларининг айланиш куни	Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях	Accounts payable turnover in days	кредиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи суммасига бўлиш асосида аниқланади.
Левераж	Ливераж	Leverazh	хусусий капиталнинг ўсган қисми бўлиб, кўрсатиб хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти билан жами инвестициялар орасидаги фарқ коэффициенти олинади.
Метод(усул)	Метод (способ)	The method (method)	юонон тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Муайян фаннинг предметини ўрганиш усули.
Методология(услубият)	Методология	Methodology	муайян фаннинг предметини ўргатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усувлар мажмуаси.
Материаллар самараси	Материалотдача	Materialootdacha	моддий харажатларнинг бир

			сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўрсатади.
Материал сифими	Материалоемкость	consumption materials	бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча (неча тийин) моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.
Молиявий натижа	Финансовый результат	Financial results	корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланаиган якунидир.
Муддатли ликвидлик коэффициенти	Коэффициент срочной ликвидности	Quick ratio	у пул маблағлари, соғ дебиторлик қарзлари суммасини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	Коэффициент абсолютной ликвидности	Absolute liquidity ratio	у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.
Молиявий мустақиллик коэффициенти	Коэффициент финансовой независимости	The financial independence	у корхонанинг ўз маблағларининг хўжалик маблағлари умумий суммасига нисбати тариқасида аниқланади.
Мехнат омиллари	Факторы труда	labor Factors	корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини

				ифодаловчи кўрсаткичлар.
Мехнат воситалари омиллари	Факторы труда средств	Factors funds	labor	корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги, таркиби, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
Мехнат предметлари омиллари	Факторы предметов труда	Factors objecs of labor		корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлигини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
Махсулотни текисда чиқариш бир ишлаб	Ритмичная производства продукции	Rhythmic production		маҳсулотни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган ассортименти ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминланиши.
Махсулот сифати	Качества продукции	quality producs		унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятларининг мажмуаси.
Мехнат унумдорлиги	Производительность труда	productivity		моддий ишлаб чиқаришда вакт бирлиги давомида ҳосил қилинган

			маҳсулот миқдори билан ўлчанади
Моддий ресурслар	Материальные ресурсы	Material resources	ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб борувчи буюмлар.
Махсулот таннархи	Себестоимость продукции	product cost	маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўқйича барча харажатларнинг пул орқали ифодаланиши.
Молиявий фаолият	Финансовая деятельность	Financial activities	бўлимида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узок ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс этади.
Моддий текширувлар	Материальная проверка	Material inspection	моддий бойликлар, пул маблағлари хақиқий қолдигини бухгалтерия хисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади.
Омилли таҳлил	Факторный анализ	Factor analysis	натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини хисоблаш усуллари

			мажмуасини ўзида ифода эттирган таҳлилдир.
Омиллар	Факторы	factors	у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар тушунилади.
Операцион фойда(асосий фаолияти фойдаси)	Операционная прибыль (прибыль от основной деятельности)	Operating profit (operating profit)	ялпи фойдадан давр харажатлари ва бошқа операцион харажатлар чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши натижасида хосил бўлган фойда.
Пул оқимлари	Денежные потоки	monetary flows	пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими ва чиқими.
Пул эквивалентлари	Денежные эквиваленты	Cash equivalents	эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.
Пул маблағлари	Денежные средства	Cash	кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисобкитоб. валюта ва ўзга банк ҳисоб рақамларидағи маблағлар.

Пассив (нофаол) асосий воситалар	Пассивные основные средства	Passive fixed assets	бинолар, ишоотлар ва транспорт воситалари.
Ретроспектив(жорий) таҳлил	Ретроспективный (текущий) анализ	Retrospective (current) analysis	хисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор хисоботлар ҳамда хисобдан ташқари ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил.
Рентабеллик	Рентабельность	Profitability	жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткич.
Рақобат	Конкуренция	Competition	лотинча сўздан олинган булиб, мақсадга эришиш учун кураш, корхоналар ўртасидаги соғ курашни билдиради.
Сотилган маҳсулот	Реализованная продукция	products sold	товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб унинг ҳаки мол юборувчиларнинг банкдаги хисоб - китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.
Соғ маҳсулот	Чистая продукция	Net output	товар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий воситалар ва номоддий фаолларнинг

			амортизацияси суммаси ўртасидаги фарқ.
Солик тўлагунга қадар фойда	Прибыль до уплаты налогов	Profit before tax	умумхўжалик фаолиятидан келган фойдага фавқулоддаги фойдани қўшилиши ва фавқулоддаги заарни чегириш орқали ҳосил бўлган фойда.
Соф фойда	Чистая прибыль	Net profit	солик тўлагунга қадар фойдадан даромад (фойда) солиғи ва фойдадан бошқа соликлар ва йигимларни чегирилиши орқали аниқланган фойда.
Таққосланадиган маҳсулот	Сравниваемая продукция	comparable products	шу йил ва ундан олдинги йилларда серияли ва оммавий тартибда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча турлари.
Таққосланмайдиган маҳсулот	Несравниваемая продукция	comparable products	жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотдири.
Товар маҳсулоти	Товарная продукция	commercial products	барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилган маҳсулот.
Тақсимланмаган фойда	Нераспределенная прибыль	retained earnings	корхонанинг ҳисобида турган соф фойдаси.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда(хисобот фойдаси)	Прибыль от общехозяйственной деятельности	Profit from general economic activity	операцион фойдага молиявий фаолиятнинг даромадларини қўшилиши ва молиявий фаолият бўйича харажатлар чегирилиши орқали ҳосил бўлган фойда.
Устав капитали	Уставный капитал	Authorized capital	ўз маблағлар манбайнинг асосини ташкил этади.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Конуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон Конуни
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон қонуни
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 36-сон
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. (Янги таҳрири) Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон)
12. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 1-сон
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5544-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-5789-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 797-сонли Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрь Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4555-сон қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрель "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сонли Фармони қабул қилинди

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 май "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5996-сонли Фармони

26. 2020 йил –«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24

январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқукий газетаси. 2020 йил 25 январь. № 3-4 (777)

Ш. Махсус адабиётлар

27. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с
28. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
29. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиқка тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б
30. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўкув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.
31. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўкув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.
32. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.
33. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.
34. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
35. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
36. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
38. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўкув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.
39. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўкув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
40. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
41. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
42. С.Худойқулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
43. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни соликка тортиш. Ўкув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
44. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. –

Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

45. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.

46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

47. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho'lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.

48. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El_press, 2013. -141 b.

49. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

50. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.

51. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

52. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.

53. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

54. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

IV. Интернет сайклар

55. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

56. www.edu.uz- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

57. www.aci.uz- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси.

58. www.ictcouncil.gov.uz- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши.

59. www.bimm.uz- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ.

60. www.ziyonet.uz- таълим портали.

61. www.infocom.uz- Infocom.uz электрон журнали.

62. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

63. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

64. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

65. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти.

66. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.

67. www.tsue.uz – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайти.

